

Muassislar:

**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
O'zbekiston yoshlar ittifoqi**

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:

**Muhammad ALI
Iqbol MIRZO
Sirojiddin SAYYID
Jiyanboy IZBOSKANOV
Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:

**Qahramon QURONBOYEV
Abdurasul ABDULLAYEV
Azamat UMAROV
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Serobiddin ISMOILOV**

Bosh muharrir:

Nodir JONUZOQ

Bosh muharrir o'rinbosari:

Nurilla CHORI

Mas'ul kotib:

Orif TOLIB

Mas'ul muharrir:

Husan MAQSUD

Muharrir:

G'iyosiddin O'NAROV

Badiiy muharrirlar:

**Akbarali MAMASOLIYEV
Rahmatjon YUNUSOV**

Manzilimiz:

Toshkent shahri,

Islom Karimov ko'chasi, 16-“a” uy.

E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz

Web sayt: www.yoshlikjurnali.uz

Tel./faks: (0371) 227-02-27, 245-05-52

Navbatchi muharrir: H. Maqsudov
Bosishga 06.10.2017 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 30x42 1/4.

Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi
tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga
olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda

“Yoshlik”dan olindi” deb izohlanishi shart.

“SILVER STAR PRINT” MChJ
boshmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 66. Adadi 2450 dona.

Toshkent shahri, Uchtepa tumani,
22-mavze, 17-uy.

Ўтмиш – бир, келажак – муштарақ

Халқимизда “Ўй олма – кўшни ол” деган пурмаъно нақл бор. Чунки ҳовлингни баланд девор билан ўраб олганинг ёки уйингга икки қаватли темир эшик ўрнатганинг тақдирда ҳам ҳамсоя билан бир кўчадан, бир йўлақдан остона ҳатлайсан. Истайсанми-йўқми, кунда-кунора юзма-юз келасан.

Кўшнинг яхши бўлса – бахтинг: яхши-ёмон кунингда елкадош бўлиб, оғирингни енгил қилади; аммо кўшнинг ёмон бўлса – еган овқатинг ҳам ҳазм бўлмайди – асаббузарлик ичида яшайсан. Охири, ҳеч чора тополмай, уйни сотиб, қочиб қутуласан. Аслида буям бир чора...

Бир одамнинг кўшниси билан муносабати шунчалик муҳим экан, бир халқнинг бошқа халқ билан, бир давлатнинг бошқа давлат билан кўшничилиги қандай аҳамиятга эга – ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бундай кўшничилик ҳолати бир оиланинг эмас, минглаб, миллионлаб оиланинг тақдирига таъсир қилади. Ва ҳақиқат шуки, чегарадош давлат яхшими-ёмонми, бундан қатъи назар, ўз ерингни ташлаб бошқа жойга кўчиб кетолмайсан.

Дунёда шундай давлатлар борки, кўшни мамлакатлар билан орасида юз, минг йиллик адоват бор. Маънавий-молиявий қувватининг катта қисми ана шу зиддиятда мувозанатни тутиб туришга сарфланади. Тинимсиз бир-бирини айблашлар, катта сиёсий фитналар, турли ахборот хуружлари ва бошқа нодўстона тутумлар доирасида яшайдилар. Исталган масалада омади чопмаса, айбдор тайёр – кўшни мамлакатни маломат қилиб, айюҳаннос соладилар. Гўё улар бўлмаса, ошиғимиз олчи бўларди, дегандай.

Шу маънода бугун бир минтақада яшаётган Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон халқларининг аҳил кўшничилигига дунё аҳли ҳавас қилса арзийди. Зеро, биз бир-биримизга бегона эмасмиз: қон-қардошмиз – тарихимиз, динимиз, урф-одатларимиз, дунёқарашимиз бир хил. Минг йиллар мобайнида ёнма-ён яшаб, бахтимизни битта ўзанда кўрганмиз. Мозийнинг турли даврларида битта эл, битта мамлакат сифатида яшаган пайтларимиз ҳам бўлган. Шу боис бир-биримизнинг тилимизни, дилимизни осон тушунамиз. Қон тортади, деганларидай, бир-биримизга меҳримиз бошқача. Айтайлик, халқаро спорт мусобақасида олис қитъалик спортчи қозоқ, қирғиз ё бошқа кўшни халқ вакили билан беллашувга чиқиб қолса, астойдил ўз жигаримиз – бовуримизга мухлислик қиламиз. Унинг ғалабасидан фахр туямиз. Худди ўзбекистонлик спортчи ютгандай хурсанд бўламиз.

Кейинги бир йил ичида бу дўстликнинг ниҳоятда юқори пардага кўтарилаётганини кўряпмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кўшни мамлакатлар раҳбарлари билан тез-тез учрашаётгани ва бу мулоқотлар самарали бўлиб, энг муҳим масалалар бирма-бир ечим топаётгани барчамизни қувонтиряпти. Бу эзгу жараёнда фақат расмий шахслар эмас, ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз лозим. Ҳар бир фуқаро, мутахассис ўз соҳасидан, имкониятларидан келиб чиқиб, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши керак. Чунки бир дарёдан сув ичиб турибмизми, бунинг ҳаққини ўташимиз – дўстлик тарғиботида камарбаста бўлишимиз даркор.

Чиндан ҳам, бу қутлуғ замин – умумий уйимиз. Биз бир муштдаги беш бармоққа ўхшаймиз. Узун-қисқалигидан қатъи назар, ҳар бармоқнинг муштда ўз ўрни бор – бири бўлмаса, зарбанинг кучи йўқолади. Ноқулайлик, нотугаллик юзага келади. Қачонки бириксақкина, ҳар қандай муаммога ечим топа оламиз. Бугун тобора мустаҳкамланаётган аҳил ва самимий кўшничилигимиз буни яна бир қарра исботляпти.

Азиз қардошим! Кўнглимизда жилваланган меҳр-муҳаббат тўлқинлари муборак бўлсин! Бир-биримизнинг тўйимизда меҳмон эмас, мезбон бўлиб қувониб юриш ҳисси абадулабад бизни тарқ этмасин!

MUNDARIJA


25



51




40



36



58



№ 9 (316), 2017 y.

Muqovada O'ZA fotosidan ijodiy foydalanildi

GURUNG

6 Shaxdam qadamli insonlarni ko'rdim
MAKTUB9 Ilhom Ahror
Sham va bo'ron
NAZM14 Farida Afro'z
Dunyoni qaytadan kashf etsang
nogoh38 Shermurod Subhon
So'zlar mening ko'zgumdir...58 Alibek Anvari
Yulduzday jimirlar hayot ziynati
NASR17 Bobo Ravshan
Shom va tong orasida
NIGOH25 G'afur G'ulom
O'z elining o'ktam kuychisi
TAASSUROT34 "Shom va tong orasida" qissasini
o'qib
SABOQ36 Chingiz Aytmatov
Xalqning umrboqiyiligi - uning tili
bilan
TADQIQOT40 Sodiq Norboyev
"Ko'nglim ko'shkida ko'hlik
ko'hinur"
SHUKUH43 G'afur G'ulom
Yigitlarga
MULOHAZA44 Dadaxon Muhammadiyev
Ustozimning nuqsonini ko'rsatma...
KUNDALIK48 Abdulla Qahhor
Yondaftarda qolgan satrlar
SUHBAT51 Marianna Vulf
Bolalarga kitob o'qib bering
SANA55 Mehri daryo Quddus bobo
JAHON HIKOYASI60 Nodar Dumbadze
Xazarula



БЕДОРЛИК

2017

йилнинг 19 сентябри. Ҳафтанинг сешанба кунини эди. Ишдан қайтгач, одатдагидай оила аъзоларимиз билан дастурхон атрофида жам бўлдик. Кейин таомилга кўра болалар дарс тайёрлашни, биз эса “Ахборот”ни кўришни бошладик.

Қарасам, катта қизим дарсини қилмасдан, ёнимда – экранга тикилиб ўтирибди. “Ҳа?” дедим унга саволмуз, дарсингни нега қилмаяпсан, дегандай.

– Президентимиз Нью Йоркка кетибди. Бугун нутқ сўзлар экан. Шунин билмоқчийдим: соат нечада экан?

Рафиқамга қарадим. У кулди:

– Болаларингиз ҳам сиёсатчи...

Чиндан ҳам, ўйлаб қарасам, бугун мамлакатимизда бўлаётган катта ўзгаришлар, янгиланишларнинг моҳияти ҳақида болалар даврасида кўп гаплашар эканмиз.

– Ўзбекистон билан Америка вақти ўртасида 9 соатлик фарқ бор, қизим. Кеч бўлиб кетади. Дарсингни тайёрлаб, эрталоқ ухла – яна эрта туриб мактабга кетишинг керак...

– Дада, кўрайлик...

– Кўрамиз! – дедим кўп маъноли қилиб.

Соат миллари тунги 12 га яқинлашса ҳам, ўғлим ухлашни хаёлига келтирмай телевизор атрофида юрибди.

– Ҳа, ухламаяпсан? – дедим ўзимни билмаганга солиб. – Нима, бугун “Барселона”нинг ўйини борми? У жилмайди.

– Президентимизнинг БМТдаги нутқини эшитмоқчи эдим. Сиз ҳам кўрасиз-ку барибир... – Тўғри. Лекин сен эрта туриб лицейга борасан. Чарчайсан...

– Э, кўрайлик, дада. Футбол кўрсам ҳам, эрта тураман-ку...

– Кўрамиз!

Шу куни бундай ҳолат фақат бизнинг оилада эмас, юртимиздаги кўплаб оилаларда юз бергани аниқ. Сабаби, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбарига чиқиб нутқ сўзлашини барча юртдошларимиз, жумладан, ёшлар ҳам катта қизиқиш, интиқлик билан кутаётган эди. Очиғи, бир ота сифатида бундан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Лекин айнан шу оталик ҳисси фарзандларимнинг ярим кечагача бедор ўтиришларига ва эртаси куни ўқиш жараёнида уйқусираб, чарчаб юришларига изн бермади – эртага такрор ҳам беришади-ку, бемалол кўриб олишар, дедим...

“Ўзбекистон 24” телеканалда Президентимизнинг тез орада катта минбарга чиқиши ҳақидаги “югурувчи” титр тинимсиз айлана бошлади. Соат миллари айтилган вақтга яқинлашган сайин бу титрнинг тезлиги ҳам ошгандай туюлди.

Мана, экранда – Миср Араб Республикаси Президенти Абдул Фаттоҳ ас-Сиси. У жон куйдириб нималардир ҳақида гапиряпти. Шубҳасиз, ўзи, мамлакати учун муҳим деб ҳисоблаган мавзуларни тилга олаётган бўлса керак. Лекин биз кутаётган, сўзини эшитмоқчи бўлган ШАХС бошқа! Устига-устак, араб тилини ҳам билмаймиз. Шу боис Миср раҳбарининг нутқи бизга жуда чўзилиб кетгандай туюла бошлади. У маърузаси туширилган қоғозларнинг энг сўнггисини ағдариб қўяркан, енгил ва ҳаяжонли нафас олдик: энди бизнинг Президент чиқади!

Кутилганидек, навбатдаги маърузачи сифатида мамлакатимиз раҳбарининг исм-фамилияси эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг залга кириб келиши, белгиланган стулга ўтириши ва минбарга чиқишини кузатарканмиз, юрагимиз фаҳрга тўлди.

Ва... жон қулогимиз билан тинглай бошладик.

Қарасам, кўзларидан уйқуни қувиб, ўғлим ҳам эшикдан мўралаб турибди. Индамадим. Чунки индайдиган, диққатни бўладиган пайт эмасди – ўғлим аясининг ёнига ўтирди.

Худди биз каби диққат-эътибор билан эшитётган халқаро мутахассислар, турли давлат вакиллари орқали Президентимизнинг ҳар бир сўзи, фикри бутун дунё аҳлининг юраги, онг-шуурида акс садо бераётгандай бўлди. Ўртага қўйилаётган масалаларнинг залвори, салмоғини ҳис қилиб, ғуруримиз ўн чандон ошди.

18 дақиқа давом этган маърузада мамлакатимиз, минтақамиз ва дунёнинг энг долзарб масалалари тилга олинди. Энг муҳими, бу жиддий муаммолар шунчаки қайд этилмади, айна пайтда уларнинг ечими ҳам кўрсатиб берилди.

Президент тилга олган масалаларнинг ҳар бири алоҳида таҳлил ва ёндашувни талаб этади. Лекин улар ичида бир масала борки, барча замонларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Бу ҳам бўлса – ёшлар масаласи.

Сўнгги бир йил ичида барча соҳаларда, жумладан, ёшлар сиёсати бўйича мамлакатимизда қандай улкан ишлар амалга оширилаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани ва у орқали ёшларга катта имтиёзлар, шарт-шароитлар яратиб берилаётганига гувоҳимиз. Ёшлар орасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, турли қора гуруҳларга қўшилиб қолиш каби иллатларнинг олдини олиш бўйича жиддий лойиҳалар амалга ошириляпти. Ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, уларнинг уй-жой ва бошқа муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилияпти. Аммо бу – Ўзбекистон ҳудудида бўлаётган жараён. Ён қўшинимиз Афғонистон ва унга яқин минтақаларда бўлаётган ҳодисаларни эса бутун дунё кўриб турибди. Ҳа, афсуски, айнан кўриб ва кўп ҳолларда пассив томошабин бўлиб турибди. Фаол иштирокчилар эса ўзлари жабрдийда деб ҳисоблаган томонга қурол етказиш орқали гўё муаммони ҳал этмоқчилар. Аслида муаммонинг илдизи бошқа ёқда. Президент Шавкат Мирзиёев бу ҳақда аниқ ва лўнда қилиб шундай деди: **“Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади...”** Эътибор



қилинг, жаҳолат ва мурасасизлик, дейилягпти. Жаҳолат-ку, тушунарли, мурасасизлик деганда нимани тушунишимиз лозим? Бу бағрикенгликнинг акси бўлиб, фақат ўз билганини ҳақиқат деб билиш ва бошқа ҳар қандай фикр, дунёқараш ва эътиқодга нисбатан аёвсиз, терс муносабатда бўлиш демакдир. Мурасасиз кимсалар биз ўйлагандай жоҳил бўлмасликлари мумкин, аммо улар онгли равишда барчани ўзлари юрган тор йўлакдан юришга мажбур этадилар. Юртимиз раҳбари юксак минбарда туриб бу касалликнинг давосини ҳам тилга олди: **“...одамлар, биринчи**

навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”.

Президентимиз нутқида қайд этилган дунё ёшларига доир иккита рақам тингловчиларни хушёр торттирди: биринчиси – бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан инсоният тарихидаги энг йирик авлод экани, яъни улар айна пайтда 2 миллиард кишини ташкил этиши бўлса, иккинчиси – экстремистик фаолият ва зўровонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганидир.

Шундай экан, ўз-ўзидан, бугунги кунда инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан бири аён бўлади. Бу, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ёшлар орасида зўравонлик ғояси “вирус”и тарқалишининг олдини олишдир. Хўш, бунинг учун дунё афкор оммаси нима қилиши керак? Жавобни яна маърузадан оламиз: **“Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”.**

Ўтган йиллар мобайнида БМТ минбарига не-не сиёсат алломалари, дунё тан берган арбоблар чиқмаган дейсиз. Лекин бу нуфузли минбардан биринчи марта дунё ёшларининг бугуни ва эртанги иқболини таъминлашга асос бўлувчи расмий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф билдирилди. Ва бу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўртага ташланди!



Ана шунда бутун халқимиз қатори ёшлар ҳам нима учун Президентнинг халқаро нутқини бунчалик интиқ кутганини чуқурроқ англадим. Улар ўз орзу-умидлари, манфаатларининг Президент томонидан жаҳоннинг энг нуфузли минбарига олиб чиқилишини, керак бўлса, ҳимоя қилинишини ҳис этган бўлсалар, ажаб эмас!

Мен ўғлимга, у менга маъноли қаради.

Фақат илғор давлатлар жойлашган қитъаларда эмас, балки Африка, Осиё, Лотин Америкасининг барча давлатларида яшаётган ёшларнинг ҳуқуқлари бирдай ҳимоя қилинса ва уларга бирдай шарт-шароит яратилса, ана шундагина инсониятнинг эртаси порлоқ бўлади ва бугун авж олган зиддиятлар эртага барҳам топади, деган ҳақиқатни теран ҳис қилдик.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи якунига етгач, олқишлар остида минбардан тушди.

Бу олқишларга, барча ўзбек хонадонларида бўлгани каби, биз ҳам қўшилдик.

Бу – юракда тўпланган фахр-ифтихорнинг қафтлар орқали юзага чиққан янғроқ овози эди.

Соат бизда тунгги икки, Нью Йоркда эса – кундузи беш.

Биз қониқиш ила ором олаётган шу лаҳзаларда эл юкини елкасига олган Бедор Инсон пойтахтимиздан ўн минг километр масофада туриб, Ватан равнақига доир улкан лойиҳаларни рўёбга чиқаришга чоғланиб турар эди...

Нодир ЖОНУЗОҚ

Шаҳдам қадамли инсонларни кўрдим



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаевнинг таклифига биноан 5-6 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қирғизистонда бўлди. Ташриф доирасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди. Давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувда икки қардош халқнинг биродарлиги, маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга доир таклифлар билдирилди. Президент Шавкат Мирзиёев ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва ижодини рағбатлантириш мақсадида қирғиз оқини Идрис Айтбаевни мукофотлади. Оқинга **“Malibu”** автомобили ҳамда Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидан уй совға қилинди. Бу хушxabарни эшитиб, Идрис Айтбаевнинг қувончу ҳаяжонлари, таассуротлари билан ўртоқлашдик.

– Идрис, аввало, Президент Шавкат Мирзиёевнинг совгалари қутлуг бўлсин! Ўзбек ва қирғиз халқининг дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида ижод қилишдан толман! Бундай юксак эътибор ва рағбатга муносиб кўрилганингизда қалбингиздан нималар кечди?

– Раҳмат. Тақдир – инсон учун доимо сирли, жозибали. Қуръони каримда Аллоҳга таваккал қилиш кераклиги айтилади-ку, бу ёғи шундай бўлди. Катта йиғинларда кўп қатнашганман, саҳналарда соатлаб қўшиқ айтганман. Сира ҳаяжонланмаيمان. Қайтага, ўзимни кучли ҳис қиламан.

Олий даражали учрашувда куйлаётганимда ҳам шундай эди. Аммо кўшигим тугаши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев чақирганида ҳаяжондан титраб кетдим. “Идрис ўғлим, баракалла!” деб бағрига босган пайтидаги ҳолатимни эса тасвирлаб беролмайман. Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Шаршенович ҳам худди шу сўзларни айтиб бағрига босди. Бу учрашувда мендан бахтлироқ одам йўқ эди. Икки мамлакатнинг Президентлари ўз фарзандидек кўриши бир ижодкор учун улкан бахт, албатта.

Ўша қисқа учрашувда жуда кўп нарсаларни ўйладим. Ҳар икки давлат раҳбари – юртининг, халқининг тимсоли. Менинг зиммамга жуда залворли ва ўта масъулиятли вазифалар юкланган, деб айтсам бўлади. Ижодим икки халқ ўртасида кўприк бўлишини орзу қиламан, мен бу йўлда ҳеч чарчамайман. Ўзбек ва қирғизнинг жигарлик илдизлари Ўшдаги Сулаймон тоғидан ҳам қадимий бўлса керак.

Мана, неча кундирки, шодиёналар тўхтагани йўқ. Қаерга бормай, мени қутлашади, табриклашади. Бундай пайтларда Яратганга шукр айтаман. Яратган Эгам ўзбек ва қирғиз халқининг қувончини бардавом, орзу-истакларини ижобат қилсин!

– Оқин ва бахшилар замондошларининг ўй-фикри, қувончу ташвишларидан айтади, улуг аждодлардан мерос эпосларни ҳам баралла куйлайди. Айтинг-чи, Сиз бу икки халқнинг илдизларини туташтирувчи қайси эпосларни ижро этиб келасиз?

– Гапингиз тўғри. Аждодлардан келаётган маънавий меросни замондошларимизга етказишда бахши шоирларнинг бениҳоя катта хизматлари бор. Оқинларнинг йўриғи эса бироз бошқачароқ – улар кўрганидан айтади, айна пайтдаги воқеликни чечанлик билан созга жўр этади. Ўн-



лаб дostonларни биладиган оқинлар ҳам бор. Эшитганда беихтиёр ҳайратланасиз, “Бунча гапни қандай биледи”, деб ҳайрон бўласиз.

Ўзимга келсак, “Манас”ни айтганимда доим тингловчиларга эътибор қиламан. Халқ шу эпосни жон қулоғи билан эшитади. Давранинг сел бўлиши оқинни янада илҳомлантиради. “Алпомиш”ни ўқиб ўрганганман. Бу дoston бахшилар тилида бошқача жозоба билан жаранглайди. Икки алп – Алпомиш билан Қоражоннинг дўстлигидек дўстликни, жигарликни бошқа бирор эпосда учратган эмасман. Бу дўстликни Худо кўнгилга солган-да! Шу ўринда яна бир гап: Худо кўнгилга солмаса, оқиннинг ҳам, бахшининг ҳам тилига ҳеч бир сўз кўчмайди.

– Сиз ўтган йили Ўзбекистондан Ўшга борган меҳмонларни кутиб олишда ҳам қатнашган эдингиз...

– Қирғизистонликлар ўзбек қардошларини қучоқ очиб, катта самимият билан кутиб олишди. Эт билан тирноқнинг янада жипслашганини, ота ва қизнинг, ака ва сингилнинг дийдорлашувини кўриб бағримиз тўлгандек бўлди. Бу ҳолат меҳмонлар учун ҳам бегона эмас эди. Ўзи, меҳмонлар бегона эмас-да (қулади). Ўзбеклар меҳнатда чиниққан, шахдам қадамли инсонлар. Эслаган учрашувимизда ширинсўз, олижаноб оқсоқоллар, қадамидан ўт чақнайдиган ёшлар билан танишдим, қадрдон бўлдим.



– “Дўстлик” чегара мажмуасидаги учрашув катта байрамга, халқ сайлига айланиб кетди. Бир-бирини соғиниб қолган ога-иниларнинг дийдорлашуви ўзгача бўлар экан. Эндиликда икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий соҳалар қатори маънавий-маърифий жабҳада ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Бу борда Сиз қандай ташаббус кўрсатмоқчисиз?

– Шу саволингиз болалигимни эсга солди. Болалигимда божхоначи бўлишни орзу қилганман. Негаки, отам Ўзбекистонда туғилган, онам эса Қирғизистонда. Оиламиз ҳақидаги бу гапларни эшитган дўстларим: “Идрис, сен чегарада туғилмаганмисан?” деб ҳазиллашарди. Ана энди, ўйланг, қариндошлар тўй ё маърака қилса, ёки қариндошлар бир-биридан хабарлашмоқчи бўлса, чегарага ишимиз тушиши аниқ. Онам яқинлари олдида боришда кўп ноқулайликларга дуч келганида божхоначи бўлишни орзу қилганман. Гўё “Бу киши менинг онам”, десам, ўтиб-қайтиши осонлашадигандай. Улғайганимда билдимки, қонун ҳамма учун баробар экан.

Оқсоқолларнинг бир гапи бор-ку: “Ҳар гапга фаришталар омин дейди”. Менинг болалик орзумга ҳам фаришталар омин деган экан. “Дўстлик” чегара мажмуасининг очилиш маросимида кўшиқ куйлаб, одамларнинг шоду хуррамлигига тарикдек бўлса-да ҳисса қўшдим. Бундай хизматни пешонамга ёзгани учун Худойимга шукрона келтираман. Юрт эгаларига раҳматлар айтаман. Икки халқ интибоқчилиги йўлида елкамга қандай вазифа юкланса, сидқидилдан адо этаман.

“Дўстлик” чегара мажмуаси очилганидан буён Қирғизистонга келган кўноқлар ҳам, Ўзбекистонга борган меҳмонлар ҳам кўнғироқ қилиб, давраларига чорлашади. “Телефонда бўлса ҳам кўшиғингни эштайлик”, дейдилар. Яқинда Қўрғонтепа туманига бориб, пахтакорлар хизматида бўлмоқчиман. Насиб этса, каттароқ концертлар ҳам берамиз. Кези келганда айтиб ўтай, яқинда “ЭТНО-ЎШ” фольклор ансамблини туздим.

– Сиз учун Ўзбекистондаги энг қадрли, халқ тили билан айтганда, “белингизга қувват бўлиб турадиган” нарса нима?

– Ота-онам, яқинларим... Санайверсам, адоғи йўқ. Болалигим шу юртда – Қўрғонтепа туманидаги Намуна қишлоғида ўтган. Одам ёлғиз қолганда ўзи билан ўзи суҳбатлашади, болалик кунларига хаёлан саёҳат қилади. Мен бундай дамларда доимо қишлоғим кўчаларини кезаман. Бу йўлларнинг ҳар бир қаричигача менга таниш, қадрдон. Бир сўз билан, жондек азиз, деб қўяқолай...

– Идрисбек, самимий суҳбатингиз учун журналхонлар номидан миннатдорлик билдираман. Келгусидаги ижодий ишларингизга зафарлар тилайман. Сиз билан неча мартаба телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали боғланган бўлсак, доим тилдан қўймай айтган гапингизни мендан ҳам эшитинг: ўзбек ва қирғиз халқининг дўстлиги абадий бўлсин! Бу сўзларни қанча кўп такрорласак, кўнгилда шунча чуқур илдиз отади.

– Тўғри айтасиз. Бу дўстликни кўшиқ қилиб куйлашдан чарчамайлик!

Нурилла Чориев суҳбатлашди.



Шам ва бўрон

Устоз мунаққид Иброҳим Фафуровга мактуб



Иброҳим Фафуровнинг бадиий олами ва фикрий теранлиги бир-бирига шу қадар омухталаниб кетганки, баъзан уни бадиият файласуфи ёхуд фалсафанинг шоири дегинг келади.

Нажмиддин КОМИЛОВ




Илҳом АҲРОП

1960 йили туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. Филология фанлари номзоди. “Гадорик”, “Гулшан чиройлар”, “Уйқуга қуниккан тоғлар” каби шеърый, болаларга боғишланган “Бозорга юзланган бола” ҳикоялар тўпламлари, “Етти иқлим достони” номли адабий-танқидий мақолалар китоби нашр этилган.

Юқоридаги сарлавҳа “Дил эркинлиги” китобингиздан олинган. Ундаги мақолаларнинг бири шундай номланади. Бунда қандай рамзий маъно юклаганингиз ҳақда ўйлаб қолади одам: шам кичкинагина хонани ёритади. У шунинг учун ёнади. Тўғрироғи, шу мақсадда ёндирилган. Дунё миқёсида оладиган бўлсак, ўша хонани юртимизга, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарига менгзасак, шамнинг бир маромда таралаётган ёғдусига қараб қаердадир бўрон ҳам борлигини туясиз. Бўрон чегара билмайди. Унинг “хона” мизга йўламаслигини, шамнинг ҳеч қачон ўчмаслигини маърифат эгалари таъминлайдилар.

Иброҳим ака, Сизни ана шундай зотлардан деб биламан. Талабалик йилларимда ўқиганимнинг таъсирими, 80-йилларгача ёзилган асарларингиз довуғи ҳақда кўп ўйлайман. Ижодкорлар назарингизга тушиш ва тушмасликни ишташарди. Истайдиганлар – мақтовга сазоворлар, истамайдиганлар – танқидни хуш кўрмайдиганлар эди. Айниқса, дастлабки “Ёнар сўз”, “Гўзалликнинг олмос қирралари” китобларингиз қўлма-қўл бўлиб ўқилган.



“Гўзалликнинг олмос қирралари” китобингизда Абдулла Қаҳҳор, Фафур Гулом, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров каби ёзувчилар билан асарлари орқали диллашаркансиз, мақсадни аниқ кўясиз. Уларнинг фазилатларини бошловчи ёзувчиларга намуна сифатида кўрсатасиз. Чунончи, Абдулла Қаҳҳор яратган ифвогар “ҳи-ҳи” образига нисбат берасиз. Ёзувчининг диалог тузишидан унинг назмга майлини илғайсиз:

– Саводингизни анча чиқариб кўйишибдимми?

– Ким?

– Билмасам. Домлангиз, домлаларингиз.

– Менинг домлам йўқ. Домлам – икки кўзим...”

Нимаики ёзсангиз, “ҳаёт жозибаси бадиий асар жозибасига кўчиши” кераклигига аҳамият берасиз. Жозибасиз “адабиётда қуёш ўрнини капалак эгаллайди”, асар “изм-изм”ларнинг пардоз қутигасига айланади” деб куюнишларингиз боиси энди аён бўлмадимми? Қуёшга айланмоқчи бўлган қанчадан-қанча парвоналар ҳақиқат оташида жизғанак бўлиб кетмади, дейсиз. Лекин ўзини билган капалаклар ҳамон боғларнинг кўрки. Чунки ўзликни билиш самимият билан боғлиқ. Шу маънода бадиий адабиётда самимиятни жозибанинг жони сифатида кўришни истаб ёзасиз: “Шум бола”нинг композицияси садафга, ички мазмунни дурга ўхшайди”.

Нақадар ҳақ гап...

Сиз севиб ишлатадиган сўзлардан бири – баҳрамандлик. Чиндан, бу сўз шу қадар чуқурки, бунда ҳаётнинг инсонга, инсоннинг ҳаётга таъсири кўриниб туради. Буни шундай изоҳлайсиз: “Ҳаётдан баҳраманд бўлмаган адабиёт ҳеч қачон адабиёт саналмагандай, адабиётдан баҳраманд бўлмаган ҳаёт ҳам юксак маданиятга молик ҳаёт деб ҳисобланмайди”.

“Прозанинг шоири” китобингиз муқаддима-сида “сафбаста” деган сўзни ишлатасиз. Бу билан Саид Аҳмад прозасидан Ойбекдаги “хаттий порлоқлик ва лиризм”, Абдулла Қаҳҳордаги “лўндалик ва ўткирлик”, Абдулла Қодирийдаги “пластик таъсир туйғуси” таъсирларини излайсиз. Атай Қодирийни саноқнинг охирига қолдирасиз. Чунки мазкур ижодий очерк шўролар гоёси ҳали ҳукмрон бўлган бир даврда нашр этилган. Шунга қарамай, Саид Аҳмад асарларини улуғ адибнинг “Обид кетмон”и билан қиёслайсиз. Бунда нозик бир ишора бор: Саид Аҳмад асарлари Қодирий оламининг ҳали бир остонасида турибди, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”гача ҳали анча масофа бор. Хуллас... “Обид кетмон”даги “Қуёш билан ҳам курашаман” бобига аҳамият қаратаркансиз, адибнинг “атанган” ва “ақловар” сўзларидан дилингиз ёришади. Нафақат Қодирий қаҳрамонлари, унинг ўзи ҳам миллат равнақига атанган, эл учун фидо бўлиш йўлида ақловар шахс бўлганидан фахрланасиз. Саид Аҳмад ҳам у яратган мактабнинг “илдизлари, илдизларидан қувватланадиган анъаналари, илғор анъаналаридан ўсиб чиқади-ган янгиликлар”идан тўла баҳраманд бўлишга имконияти етажагини маҳорат билан айтасиз. Билдирилган фикр ичида яна “нимадир” дейиш усулингизга амал қилиб китоб давомида ҳам Қодирий учун яна саҳифалар ажратасиз. Дунё тан олган ёзувчилар – Гоголнинг Ўрта Россияни теран тасвирлагани, Америка ёзувчиси Фолкнер асарларида Америка жанубининг тимсоли сифатида Йикнопатофа ўлкасини яратгани, Ҳеменгуэй Испанияни, Африкани, Париж кўчаларини севгани, Шолоховнинг Дон шоири экани, Достоевскийга Петербург илҳом бергани ва ниҳоят саноқни Абдулла Қодирий учун Марғилон ва Қўқон илҳомбахш муҳит бўлгани билан яқунлайсиз. Демак, ўша “нимадир” Қодирийнинг улар даражасидан қолишмайдиган адиб эканига урғу бериш бўлган.

Китобда Саид Аҳмад яратган “меҳнат эътиқодига айланган кишилар” сиймоси ҳақда фикр юритиб, ёзувчилар аҳамият бериши шарт бўлган

хислатлар – воқеа қуруқ панд-насихатга асосланмаслиги, сюжет қаърида “олий-жаноб дидактика” ётиши лозимлиги, севгининг “танловчи туйғу” эканини китобхон ҳис қилиши кераклиги, ҳар бир халқ ўз миллий кадриятлари билан юксалажаги ҳақда мулоҳаза юритасиз: “Ниятдаги порлоқликни акс эттириш порлоқлигига кўчириш” кераклигини уқтирасиз. Бу фикрлар ўша даврда нафақат Саид Аҳмад, балки барча ижодкорлар учун жуда зарур эди. Бугун ҳам ўз кадрини йўқотгани йўқ. Чунки бу мулоҳазаларда, ўз иборангиз билан изоҳлагандай, “айтмай айтиш” санъатидан фойдаланилган.

Бир ифода йўлингизга талабалик йилларимда маҳлиё бўлганман. Таъсирингиз остида ёзган мақоламни ўқиган адабиётшунос олим Собир Мирвалиев бунни сезган. Койиган мени. Ҳожиакбар Ҳамидовнинг хушовоз хонандалиги, агар Фахриддин Умаровга эргашмаганида яна бир ўзига хос зўр ижрочи пайдо бўлиши мумкинлигини мисол қилган. Баъзан бир ўринда, гоҳида бутун бошли мақолангизда кўриниш берадиган ўша усулингиз шундан иборатки, бир сўз ёки жумладан риторика йўналишида фойдаланасиз. Ундан алланечук оҳанг ясаб мазмун-моҳиятга сайқал берасиз. Масалан, “Қалб ҳароратини ҳаёт ҳарорати яратади. Ҳаёт ҳароратини халқнинг ҳарорати белгилайди”. “Ҳарорат” сўзи икки жумлада тўрт бор такрорланса-да, эриш туюлмайти кишига. Ёки “Матонат ва эзгулик” мақолангиз моҳиятига адабий қахрамон тимсолидаги “Мен” барқарорлик бахш этган. Фикр машинасини бошқарган: “МЕН воқеаларни тарихчи каби ҳикоя қилади”, МЕНнинг фаолияти воқеаларга кучли эмоционал талқин бахш этади”, “МЕН воқеаларга ишонч уйғотади”, МЕНнинг кўз қараши қизиқ”, “МЕН қишлоқ йўлидан бормоқда”.

Бу ва бунга ўхшаш тасвир имкониятларингиз ижодий фаолиятингизда равнақ пиллапоясидан кўтарилди. Таржима асарларингиз, насрий назм – мансураларингизга ҳам салмоқ бағишлади.

“Лириканинг юраги” – кенг қамровли адабий тадқиқотларингиздан бири. Китобда замонавий шоирлар Ф.Фуллом,

Ҳ.Олимжон, У.Носир, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, О.Ҳожиева, Ҳ.Худойбердиева, Р.Парфи, Х.Даврон сингари шоирлар ижодига мурожаат қилинган бўлса-да, ора-орада қадимги ёдномалар – “Авесто”, “Инжил”, “Панчатантра”, “Дхаммапада”, “Экклесиаст”, “Кецалькоатль” китоблари, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Жак Превьер, Бартольт Брехт асарларида қўлланилган бадиий воситалар таҳлилига бағишланган мақолаларни ҳам киритгансиз – баландга кўтарилиб олиб пастга назар ташлагансиз. Қиёсий таҳлил асосларидан фойдаланганингиз яхши самара берган. Қадимги адабий манбаларимиз ялтироқликдан, баландпарвозликдан холи бўлганини исботлар экансиз, олдингизга савол қўясиз: “Кўрайлик-чи, бугунги шоирлар учун энг муҳим нарса нима экан?” Энди номдор, замонамиз пешқадам шоирларининг шеърларини шундай юксак даражали манбалар билан қиёсан қилган таҳлилларингизнинг аввало уларнинг ўзига, кейин ёш ижодкорларга қандай таъсир этганини тасаввур этиш қийин эмас.

“Лириканинг юраги”даги деярли барча мақолалар вақтли матбуотда эълон қилинган. Масалан, куйидаги фикрингизни олайлик: “Андрей Вознисенский “Фақат ҳиссиёт гўзал” деган гоъни ўртага ташлади. Мен унинг бу сўзларини таҳрир қилиб, “Фақат меҳр гўзал, фақат муҳаббат гўзал” дейишни истардим”. Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф сизни ниҳоятда ҳурмат қиларди. Сиз ҳақингизда тўлиб-тошиб гапирганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Энди-энди ўйласам, ўшанда Муҳаммад ака шу мулоҳазангиздан таъсирланиб “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” деган гўзал шеърини ёзгандир, ўзининг содда ва самимий шеърини анҳорида яна бир тўлқин ҳосил қилгандир, эҳтимол. Демокчиманки, китобларингиздаги адабий мулоҳазаларингиз жуда кўп ёш ижодкорларнинг илк шеърлари, китобларини адабий муҳокамаларга тавсия этиб, матбуотда ёритилишига кўмаклашиш – уларга амалий ёрдам беришларингиздай аҳамиятли ва унутилмасдир.



Расул Ҳамзатов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Исмоил Маҳмуд билан

Чунки мушоҳадаларингиз бадиий тафаккур, меҳру муҳаббат, шу билан бирга ажойиб андиша ва юксак дид мевасидир. Чунончи: “Шоир олам ичида эмас, оламлар ичида яшайди ва оламлар ҳосил қилади”, “Характер ўз қиммат ва моҳиятини фаолиятда очади”, “Бу одамнинг нимадан, нега “темир” бўлиб қолганлиги маълум эмас”, “Кўчамизда бетон қорадиган ташкилот бор. Шу минора тепасига “Энг муҳими, болалар, қалбан қаримасликдир” деб ёзилган. Ҳар сафар унга кўзим тушса, қувваи жисмимда қийинчиликларни енгиб ўтишга табиат томонидан берилган куч қандай бўлмасин ортгандай бўлиб туюлади”. “Муҳаббат – уйқудан уйғотиб юборган шеъриятнинг гўзал садолари” (Зулфия шеъриятига нисбатан), “Маълум бир қонуниятлар қўлни боғламагандан сўнг истаганча суҳандонлик қилиш мумкин деб қаровчилар йўқ эмас” (сарбаст, эркин шеър жанрларида ижод қилувчиларга нисбатан), “Шоир худди оғзида қовун билан тамшаниб сўзлаётгандек...”, “Соддалик талантга эргашиб юради”...

Усмон Носирга бағишланган “Лириканинг юраги” мақолангизда Абдулла Алавийнинг бир шеърини тўлиқ келтирасиз. Унда шундай куйма сатрлар бор: “Бу кечанинг юмшоқ ипак қулгиси”, “Кўшиқ айтган шаршаракни ўпаман”...

Мазкур мақолада унинг замондошидан мисол келтириш орқали бир ҳақиқатни асослайсиз: Усмон Носир, баъзилар айтгандай “осмондан” тушган шоир эмас, мавжуд адабий муҳитда шаклланган, у ҳам кимлардандир ва нималардандир таъсирланган, илҳомланган. Умид ва умидсизлик орасида умр кечирган. Йўқса дермидингиз: “Шеър қидираётган одамда бўладиган ҳамма зиддиятлар унга ҳам хос эди”. Фақат “шеъри меҳрига беркинган”. Бу шоир таржималари муҳокамасида ҳам кўринади. Пушкин, Лермонтовдан қилган таржималарининг баланд савияда эканлигини таъкидларкансиз, баъзи камчиликларини ҳам асослаб берасиз. Таржималарни асл матн билан сўзма-сўз, мантиқма-мантиқ солиштириб таҳлил қиласизки, токи бундай камчиликлар бошқа таржимонларда учрамасин.

Усмон Носирнинг адабиётдаги ўрни, унинг туйғу шаклланиши борасидаги ютуқлари иқтидори устида чеккан заҳматлари билан боғлиқ эканлигини уқтириб, илмий мушоҳада ва бадиий талқин муштараклигида фикрингизни “Нил ва Рим” мисолида шундай изоҳлайсиз: “Мен бу қадар образлари оғир зарбли шеърни кам ўқиганман, бундай шеърлар катта шоирларда ҳам санокли бўлади”, Усмон Носир “куйиб тушган ҳар қанотдан бир жон топади”, “ўлик кўзлар ойнасида йиллар, одамлар қичқиради, уларнинг босган қадамлари эшитилади. Нил бу – қуллар тўккан ёш, еру осмон қуллар фарёдидан ларзада, қул учун эрк қулф, хаёл қулф, худо қулф, унинг косасида сув, халтасида нон, рангида қон, кўзида кўз, белида бел йўқ. Шеър шу истибдод тагига ўт қўйиб, мағрур фиръавнлар ҳайкали қаршисида буюк озодлик обидасини қурган, спартаклар авлоди, гомерлар шогирди бўлган насл номидан қонхўрлик, хорликка лаънат ўқийди”.

Дарҳақиқат, шундай асарлар бўладики, китобхонини ўзи топади. Бизни қайсидир адабий манба ўзига чорламадимми, демак, икки томоннинг қайси биридадир кемтиклик бор. Сиз доимо адабий асарларни шу ҳолатда кўрмаслик ташвишини қилгансиз: “Халқимизнинг форобийлари, хоразмийлари, берунийлари, синолари, навоийлари, ҳувайдою машраблари бор эди. Лекин улар яратган ҳаётбахш китоблар асарларнинг тоқчаларида қимирламай ётар эди”.

Энди аҳвол ўзгарди. Сиз сингари зиёлиларнинг орзуси ушалди: тоқчадаги китоблар полагон қушлардай қанот чиқара бошлади.

Адабиётшунос танлаган таҳлил воситаси адабий муҳит, жараёнга хос бўлсагина, таъсири сезилсагина, аҳамият касб этади. “Ўртоқ шоир” илмий рисолангиз ана шу жиҳатдан ўз вақтида кўпчиликда жуда катта таассурот қолдирган. Чунки таҳлил ортида публицистик шеърда бадиий салмоқни сақлаган, тарихни поэтик жонлантирган, ҳаётни фалсафий назарда кўра олган Шайхзода турибди. Бунинг устига, ижодий маҳорат пойдеворини Шайхзода салоҳияти орқали “ҳаётдан, йиллардан, тажрибалардан, инсониятнинг улуғларидан орттирилган сабоқлар ва улардан туғилган ўзлик” деб биласиз. Шоир қўллаган бадиий воситалар – ўхшатиш, ташбеҳ ва метафоралардан аввало ўзингиз завқланасиз. Чунончи: “Миянинг суратхонага ўхшатилиши Шайхзоданинг энг гўзал ва айни чоқда илмий изланишларидан биридир:

Фикр кияр хаёл либосин,
Ўхшар суратхонага мия”.

Дарҳақиқат, шоир баъзи сатрлари билан тасаввурингизни элакка ўхшатиб қўяди. Бироз чалғийсиз. Моҳиятни англаганингиздан кейин гап элак ичидагида эмас, остидаги тозаланган унда эканлиги аён бўлади. Масалан, “Сафар ва йўл ва кема” мисрасини ўқиб, нега “ва” боғловчисини икки марта қўллаган, деб ўйлайсиз.



Ўткир Ҳошимов билан

Аслида биринчи боғловчи қуруқликдаги жараёнга, иккинчиси сув оламига тегишли. Шоирнинг ўзига хос ифода усулига ўзингизни мослагач, боғловчиларнинг ҳеч бирини олиб ташлаш мумкин эмаслигини биласиз.

Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” драмалари ҳам адиб дунёқарашини обдон ўрганган ҳолда таҳлилга тортилган. Икки драмада бир мантиқий боғлиқлик бор. “Жалолиддин Мангуберди”да ўғил отанинг ўсал дунёқараши туфайли ёвни тамомила енголмаганига ишора қилинади: “Тарихий маълумотлар шоирнинг адабий муддаоси учун калит ва калитчалардир”. Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасида ҳам шу “калит ва калитчалар”дан фойдаланганини кузатаркансиз, асарда келтирилган Мавлоно Тархонийнинг байтига мурожаат этасиз:

Тушгани банд ичра бўлдим ул пари девонаси,
Кўк саро – фонусдур, ул шаму, мен парвонаси.

Бу сатрлардан таъсирланган Улуғбекнинг байтдан ўз тақдирига мослаб хулоса чиқаргани, “Фожиали бир насиба борга ўхшайди”, деб ўқингани ва бу ички ҳолатни Шайхзода чуқур ҳис қилганига аҳамият қаратасиз. Бу билан икки драмани боғлайдиган бир ғоя – ота ва ўғилдаги тақдир алмашинувида диққат қиласиз: бирида ота – Хоразмшоҳ, иккинчисида ўғил – Абдулатиф ғаддор замон ўйинчоғига айланади.

Умуман, “Ўртоқ шоир” рисолагизда Мақсуд Шайхзода шеърларидаги тимсоллар шаклланиб, ороланиб тарихий асарларига бадий-ғоявий баркамоллик бағишлагани ҳар томонлама асослаб берилган.

Гапни “Дил эркинлиги” китобингиздан бошлагандик. Ундаги “Шам ва бўрон” топилма иборангизнинг бир рамзий маъносига тўхталган эдик. Энди шамга бошқа бир мазмун ҳам бериб кўрайлик. Китоб эркинлик шабадалари эса бошлаган кунларда нашрдан чиққан. “Дил эркинлиги” азалий орзуларимиздай, ота-боболарнинг оташин нафасидай таассурот уйғотади. Бу нафас “хона”миз – она юртимизга тоза ҳаводай жонбахш эканлигига ишора қилиб, мазкур адабий тўғламга тарихий ҳикоялар, улуғ боболаримизнинг орзу-армонларини ифодаловчи мансуралар ва бадиаларингизни киритгансиз. Дили ҳаммиша эркин ҳолда яшаб ўтган Машраб ҳақда ёзиш тасодифий эмасдек туюлди. Китобнинг “Озод нафас” бобидаги “Гала” ҳикоянгни ўқиб, китобхон сизни тамомила унутади. Кўз ўнгига Машраб келади: “Кароматингдан ўргилайин-о... дарахт неча йил ўсиб ўтни ўз танасида йиғиб борган. Оловга айланмоқ учун ҳозирлик кўрган... ҳар қайда тириклик бор, у доим уч алангага айланади. Аввалгиси кўк аланга. Бу сенинг шавкат ва қудратга етишган чоғларинг. Кейингиси сариқ аланга. Бу сенинг мункайиб шавкат ва қудратдан ажралган пайтинг. Учинчиси, бўз аланга. Бу шамол хокингни кўкка ва ерга совуришидир?”

Истиқлол йилларида ҳам ижодингиз гуркираса гуркирадиди, асло сусайгани йўқ. “Ҳаё – халоскор”, “Мангу латофат” номли тўғламларингизни адабий жамоатчилик, сўз шайдолари илиқ кутиб олишди. Шу тўғламларда зукко мунаққид, донишманд адиб, сўз сеҳрини сезувчи моҳир таржимон кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Айтиш мумкинки, ушбу тўғламлар билан адабиёт оламида бадиа жанрининг мавқеи анча кўтарилди.

Китобларингизни синчиклаб ўқиган китобхон ҳикматга дўнган жумлаларингиздан завққа тўлади. Ҳаёт, ҳаётдан олиб ёзилган асарлар уммонидан нозик дидингиз топиб чиққан нодир мулоҳазаларингиз кўп. Буларнинг эгаси бўлиш учун бошқа қатор китобларингизни ўқиб, уқмоқ жоиздир.

Таҳририятдан:

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида Иброҳим Ғафуров Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонида биноан “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” унвони билан тақдирланди. Устоз мунаққидни ушбу юксак унвон билан кўп сонли шогирдлар, адабиёт мухлислари номидан табриклаймиз.

Дунёни қайтадан кашф этсанг ногоҳ



Фарида АФРЎЗ

1956 йили туғилган.
Қўқон давлат педагогика
институтининг тарих
факультетини тамомлаган.
“Қирқ кокиллигим”,
“Изтироб кўйлаги”, “Тунлар
исёни”, “Кўзим маним...”,
“Ўзимдан ўзимгача”,
“Ушшоқ”, “Тасбиҳ”, “Ўша кун
– бугундир” номли шеърий
тўғламлари, “Қурбонжон
додхоҳ” тарихий драмаси
чоп этилган.
Рус тилида “Пока есть на
земле разлука”, “От Фариды
Афруз”, турк тилида “Гун
айдин” шеърий тўғламлари
нашр этилган.
2017 йили “Дўстлик” ордени
билан тақдирланди.

* * *

Бир ишқ бўлса,
Кўксингни тилсанг,
Юрагинг кафтингда тутолсанг унга.
Олиб кета олсанг жон чиқар қадар,
Ойга ўйиб берсанг исмини тунга.
Бир ишқ бўлса,
кўксингни тилсанг...

Бир тун бўлса,
Туганмас, ялдо,
Шеърлар битиб олсанг, бетўлгоқ, бесас,
Суқунат куй чалса, куйласа масрур,
Жимгина тингласанг, олмасдан нафас. ..
Бир тун бўлса,
туганмас, ялдо..

Бир оҳ бўлса,
Бир оташ нафас,
Куйиб битса бари дарду аламинг.
Най бўлиб чалинсанг қайта ва қайта,
Оҳангга кўмилса дилхун оламинг.
Бир оҳ бўлса,
бир оташ нафас..

Бир сўз деса,
Яшагинг келса,
Дунёни қайтадан кашф этсанг ногоҳ,
Бирдан одамлигинг эсингдан чиқса,
Нурга сингиб кетсанг, топилса паноҳ...
Бир сўз деса,
Яшагинг келса...



* * *

Бир талпинсам сизга етаман,
Бир зарб билан эшик очилур.
Аммо,
нечун,
ташлаб
кетаман,
Сизни десам юрак сочилаур.

Бир талпинсам, бахтни қучасиз,
Бир хўрсинсам қайтар дарёлар.
Аммо
нечун,
дарё
бўлолма,
Умр ўтар, ўтар дунёлар.

Бир талпинсам, олам гулистон,
Бир шаҳд билан гина тўкилаур.
Аммо
нечун,
сиртмоқдир
алам,
Оёгимга кишандир гурур.

Бир талпинсам, меникидирсиз,
Ўзим экиб, ўзим ўрганим.
Бу
шабистон
қисматлар
аро,
Кўзим очиб, кўзим кўрганим.

Бир талпинсам, юрак ҳам тўхтар,
Қумга синггар, умр тўлқини.
Одам
бўлиб,
одам
бўлмадик,
Учрашармиз рух бўлган кунни.

* * *

Ёмғир ёгса юрагим йиғлар,
Ой нуридан руҳим мулоғим.
Чақмоқ чақса суягим санчар,
Менга нима бўлган, худойим?!

Шамол билан кезаман сарсар,
Юлдуз учса, тафаккур қойим.
Қуёш ёнса ёнаман лов-лов,
Менга нима бўлган, худойим?!

Зилзиладан аввал титрайман,
Кўнглимга келгани ижобат доим.
Кимдир қулогимга шивирлар тинмай,
Менга нима бўлган, худойим?!

Сирин айтар дарахтлар, гуллар,
Тилга кирар капалакойим.
Қушлар хуркмас, кифтимга қўнар,
Менга нима бўлган, худойим?!

Гул атридан бошим айланар,
Дил оғриси, тиканзор жойим.
Қор учқуни лабим куйдирар,
Менга нима бўлган, худойим?!

Сезимларим бунчалар дилғир,
Руҳим кезар самоларда жим.
Яшолмайман одамдай бўлиб,
Менга нима бўлган, худойим?!

Мен ким ўзи, қисматим нечук?
Коинотни тутадир оҳим.
Ер шари ҳам кафтимда тўптош,
Менга нима бўлган, худойим?!

* * *

Бунча менга боғланманг, қаттиқ,
 Мен бургутман, парвози баланд.
 Қояларда маконим, измим,
 Қўл чўзсангиз, етмассиз, ҳарчанд.

Мен тоғларга ошиқман, севдим,
 Ҳар бир тошда эрким изи бор.
 У меники ва мен ундаман,
 О, пурвиқор, беҳасад диёр.

Мени қўлга ўргатиб бўлмас,
 Ихтиёрим руҳимдай озод.
 Шу чўққида қисматим аён,
 Мени настга чорлама, ҳаёт!

* * *

– Хайр, – дедим ва кузатдим жим,
 – Кўришгунча чидарми, юрак?
 Хижрон бизни ҳалинчак қилди,
 Яна
 ўзи
 тебратса,
 керак.

– Хайр, – дедим, жимгина қолдинг,
 – Кўришгунча чидарми, юрак?...
 Дунёсини англадик, етдик,
 Яшаш

учун

согинмоқ
 керак!...

* * *

Мен шунчалар бахтлиман,
 Ундан кўпроқ гуноҳкор.
 Ором билмас саркашман,
 Айбсизману айбдор.

Дилим дарё тўгонли,
 Осмоним бор бир бурда.
 Умрим ёмғир, шамолли,
 Тоғдай чўкар ҳар тунда.

Нима қилсам хатодай,
 Бир қарасам уволман.
 Сўроқларим жавобсиз,
 Мен дунёга саволман.

* * *

Худди тошлар томчи ютгандек,
 Худди қуёш ойни кутгандек,
 Худди дунё бир зум ўтгандек
 Сени соғиндим!

Мисли сайёҳ йўл топмай абас,
 Мисли олов оломай нафас,
 Мисли дунё зебу зар қафас,
 Сени соғиндим!

Гўё шамол тошларни ўйди,
 Гўё бардош жонидан тўйди,
 Гўё ер ҳам айланмай қўйди,
 Сени соғиндим!

* * *

Нега жимсан, нега дарак йўқ,
 Хат ташувчи кабутар қани?
 Узоқдирсан, кипригимдан ҳам,
 Чак-чак оқар сочларим қони.

Хиёнатга тўйганмас дунё,
 У аждардир, ямламай ютар.
 Менинг, сенинг дардимизсиз ҳам,
 Тонглар отар, қуёшлар ботар.

Энди бизга синовлар бекор,
 Тоғ бўлса ҳам нурайди тоқат.
 Ёлгонингга ишонтир мени,
 Не десанг ҳам жим турма, фақат.

(Охири. Боши ўтган сонда.)

Шол ва тонг орасида

Қисса


Олди-қочди гаплар орасида Ўктамнинг қулоғига аллақандай заиф чақириқ эшитилди. Кечанинг бир маҳалида кимнингдир чақириб келиши ноодатий ҳол эди. Шу боис унинг кўнглини шубҳа эгаллади. Ўктам ростдан ҳам кимдир келдими ё йўқ, деб ташқарига чиқди. Фонуc ёруғида мўралаб, остонадан сал нарида эшагининг жиловидан тутиб турган кимсани кўрди. Сўнг ўша томонга борар экан, аввалига уни танимади. Кейин меҳмонни тусмоллаб:

– Қодир акани улимисан?! – деди.

– Ҳа, Ўктам ака, Шобердиман! – деди бояги йигит атрофга аланглаб.

Бобо РАВШАН

Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.



– Тинчликма? Нима гап?

– Тинчлик десаям бўлади. Бугун Инка-бодга кўпқарига борибедик. Отимизди оёғига бир нима бўганга ўхшайди. Оқсаяпти, – деди Шоберди алланечук ясама оҳангда. – Бобом уйда бўса, отди кўриб берама, деб кебедим.

– Бобо-ку уйда, – деди Ўктам ниманидир сезгандай эҳтиёткорлик билан. – Гертак¹ мазаси йўқдай. Ўзим бориб кўрсам бўлмайдима?!

Бу гапни кутмаган Шоберди не қилишини билмай, бир зум иккиланиб қолди ва:

– Отамга айтиб кўрай, майли, деса, эрталаб келаман, – деди-ю ортига қайтди.

У кўздан ғойиб бўлгунча Ўктам Шобердини кузатиб турди. Кейин тезда уйга қайтиб кирди. У остона ҳатлаши билан узоқдан хуштак чалинди. Бу Тошқул шўронинг огоҳлантирувчи товуши эди. Шўро эҳтиётсизлик қилибми ёки режаси амалга ошишига ишонибми, бемалол хуштак чалиб ҳамтавоқларга ишора берганди. Энди нима бўлаётганига ақли етган Ўктам:

– Уйинг куйгурлар отамди олиб кетишга кебди, – деди ўпкаси тошиб.

Бундан хабар топган аёллар додлаб юборди. Қобил ака уларни тинчлантириб, деразани очди ва Ўктамга:

– Сен томди устига чиғиб, ёт. Нима бўлсаям, ким қандай гап айтсаям жойингдан турма! Билдинг-ма?! Сен, – деди Шодиёрга юзланиб, – деразадан ташқарига чиғиб, Ўктамди оёғидан кўтариб юбор. Сўнг ўзинг тўғайга қараб чоп. Тошқулди “кучук”лари чалғисин. Улар тутиб олиб, нимага қочдинг, деса, “Ўктамди сенларга ушлаб бераман, деб орқасида кувдим. Қочиб кетди”, дейсан. Бобони сўраса – Шўрчига кетган.

Бу вақтда Тошқул шўро тўрт нафар қизил аскар билан уйнинг чор тарафидан келарди. Ўктам томга чиқиб пусиб олди. Шодиёр жон борица дуч келган тарафга югуриб кетди. Икки нафар аскар унинг кетидан тушди. Бошқалари Тошқул шўрога қўшилиб уйга бостириб кирди.

– Где, бабай?! Где?! – дерди шўро овозининг борица ўшқариб.

– Ўзингизди босинг, Тошқулбой, – деди Қобил ака имкон қадар босиқлик ила. – Бобони бизам кутаяпиз. Эрталаб улини дараклаб Шўрчига кетганидан бери қайтиб кемади.

– Алдама! Ҳозир Ўктам уйда, мазаси йўқ, деб айтди!

– Ё, уккағар-ей, – деди Қобил ака астойдил куюниб ва тоғаваччасининг шундай деганига ростдан ҳам ишонмай. – Ўктам бекарга дераздан чиғиб қочмаган экан-да?! Эшиқдан кириб,

тешиқдан чиғиб кетганига нима бўлдиякан деб орқасидан Шодиёрди жўнатдик...

Бу гапдан Тошқулнинг баттар ғиғони чиқди ва қизил аскарлар билан уйни ағар-тўнтар қилиб юборишди. Улар дуч келган нарсани ҳар томонга сочар, излаганини тополмаётгандай тагин кўрпа-тўшакларни у ёқдан-бу ёққа улоқтирарди. Уларнинг кўрсатаётган хунаридан кўрқиб кетган аёллар бир-бирларининг пинжигга суқилиб йиғлар, Элмурод эса Қобил аканинг бутидан маҳкам қучиб, чопони орасига яшириниб олган эди. Тошқул шўро тинимсиз ахтаринар ва тўсатдан уй эгаларига қараб ўшқариб қоларди. Бир маҳал шўро улар боя ўтирган хона билан эшиги битта бўлган кичик хонадаги сандални тепиб ўтди. Чўғ тўла ўчоққа тушган кўрпача тутай бошлади. Буни кўрган Қобил ака Элмуродни онасининг ёнига ташлаб, ўша томонга қараб югурди. Унинг ортидан чиққан Ойдин кўзадаги сувни олиб чиқди.

Қобил ака сувни ловуллаб турган чўғ устига сепиб юборган эди, хонани тутун аралаш кўтарилган буғ қоплади. Шу пайт эшик очилиб, уйга кимлардир кириб келди. Улар хонадаги тутундан кўрқиб кетди, шекилли, остонада туриб қолди. Уларни таниб-танимай турган Марям момо:

– Болам! Ўктамжо-он! – деди уни тутиб олишган, деган уйга бориб.

Бу Қобил ака ўйлаган ҳийланинг янада ишонарли чиқишига сабаб бўлмоқда эди. Шу боис Қобил ака қизил аскарлар қуршовида турган Шодиёрни таниган бўлса-да:

– Ўктам! – деди.

Қобил аканинг чақириғидан кейин хушёр тортган Шодиёр:

– Мен Шодиёрман, ака, Ўктам қочди. Билмайман, қаерга кетди, лекин тўғай оралаб жўқ бўлди, – деди тез-тез, аммо ҳамма эшитсин дегандай баланд овозда. Сўнг саросимага тушиб қолганини яширмади. – Нима бўляпти ўзи? Уй нимага тутяпти?

Бу гапларни жим эшитиб мушоҳада қилиб турган Тошқул шўро Ўктамнинг қочиб кетганига ва энг муҳими, Тангриқул бобонинг уйда йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, баттар тутатди. У энди бутун уйни қайтадан ағдар-тўнтар қилиб чиқди. Ойдиннинг рўпарасида тўхтаб ҳув ўшанда, кўл бўйида унга еб қўйгудай бўлиб қарагани каби ҳирс билан тикилди. Сўнг, ҳали бу кўргуликлар ҳам сенга кам, дегандай, бояги кўзани уриб синдирди. Тошқулдан бир лаҳза ҳам нигоҳини узмай кузатаётган Қобил ака унинг Ойдинга

1 Гертак – озгина (шева)

қараб қолганидан ғазаби кўзиди. Аммо ноилож кўлини мушт қилиб жим турарди. Агар Тошқул яна бир сония ўрнидан жилмай Ойдинга қараб тураверганида Қобил ака унинг жағига мушт тушириши тайин эди. Тошқул буни сезгандай ён-атрофда сочилиб ётган китоблардан бирини кўлга олди. Бу китоблар эски алифбода ёзилган бўлиб, Навоий, Бобур, Сўфи Оллоёр каби аллома-ларнинг асарлари ва ўша куни Тангриқул бобо ўқиб ўтирган Аҳмад Яссавий китоби эди. У тагин уйнинг нариги бурчида турган кичик сандиқни очиб қаради. Бу ерда ҳам бир-биридан нодир кўлэзма китоблар тахланиб турганди. Уларни ҳам бир-бир кўздан кечиргач, ёнидаги аскарга:

– Буларни йиғштириб ол. Идорага олиб борамиз, – деди сочилиб ётган китобларга ишора қилиб.

Бу вақтда Ўктам лойсувоқ том устида ерга бағрини бериб ётганди. У қулоғини динг қилиб, уйдаги ҳолат қандай эканига қизиқар, ҳаммасидан ҳам ёмони тезда тоби қочадиган онасининг соғлигини ўйлар эди. У бу ерга чиққанида терлаб кетган ва ҳансираб зўрға нафас олаётган бўлса, энди ўзини анча ўнглаганди. Тагин терлаган бадани бирдан яхлаб, совуқдан қалтирай бошлади. Бундай ётишга ортиқ бардоши етмаслигини билган Ўктам бошини кўтариб атрофга аланглади. Шу пайт эшикдан чиққан қизил аскарнинг бош кийими кўзга ташланди. У шоша-пиша беркинди. Ташқарида турганлар ўзаро кенгашди. Сўнг ҳар томонга қараб ёйилиб кетди.

– Шўйтиб, Ўктамди қаерга кетганини билмай-сиз?! – баланд овозда сўради аскарларни жўна-тиб, ўзи уйда қолган Тошқул шўро киноя билан.

Ўктам уларни аллақачон кетиб бўлди, деб томдан тушмоқчи эди. Бу товушни эшитгач, ўрнига қайтиб ётди ва алам билан туфлади. Шу пайт Тошқул шўро билан Қобил ака ҳамон очик турган эшикдан ташқарилади. Улар бир муддат жим туриб қолишди. Тошқул шўро кўлидаги таёғи билан этигига тинимсиз уриб, асабни бузадиган товуш чиқарарди. Қобил ака эса кўлларини дам орқасига, дам олдига боғлаб тоқат-сизланарди. Ниҳоят, Тошқул шўро тилга кирди:

– Қобил ака, ўйлаб кўринг, бобой чини билан Шўрчига кетганма?!

– Буларди ҳаммаси, – деди у уйни қўли билан кўрсатиб, – сизлар келишдан аввалам Шўрчида деб айтиб ўтирганди. Яна билмадим.

– Мабодо уни Шўрчидан тополмасам, бобойди жойига сиз кетасиз, шуни биласизма? – деди шўро гапини дона-дона қилиб.

– Билмай ўлибманми, Тошқулбой?! Биздаям, бола-чақа бор. Ағайин бўса, ўз йўлига. Ҳар ким гўрға якка киради...

Бу сўзларни айтиш Қобил акага қанчалик оғир бўлмасин, у юз-кўзини ўзгартирмай шўрога тик қаради. Тошқул шўро бир зум ўйланиб турди-да, келган томонига қайтиб, қоронғиликка сингиб кетди.

* * *

Қобил ака тагин уй тўрида чордона қуриб ўтирар, унинг ўнг томонига Шодиёр чўккан. Ўктам эса ҳамон совуқдан қалтираб, бурчакда кўрға ёпиниб олганди. Марям момонинг тоби қочган, ранги оқариб ётарди. Унинг икки ёнида Зарифа момо билан келини Ойдин оғир-оғир нафас олаётган кампирга диққат билан қараб турганди. Элмурод эса онасининг тиззасига бош қўйиб, хонадаги умумий сукутга жўр бўлмоқда эди. Бу сукутдан барча бирдай толиққан, боз устига тун яримдан оғиб, ҳаммани уйқу элитмоқда эди. Бир замон Марям момо кўзини очиб, атрофга аланглаб қаради. Сўнг келинини имлаб қошига чақирди. Ойдин ўтирган жойида энгашиб, момога қулоғини тутди ва бошини кўтариб Қобил акага қаради-да:

– Ака, нариги хонага жой ташлаб берай, – деди.

– Йўқ! Ҳозир уйқунинг мавридидимас, – деди у.

Кейин нимадир ёдига тушиб, ташқарига чиқиб кетди. Бир муддат ўтиб хонага қайтиб келган Қобил ака:

– Қор бошлабди, – деди хушхабар етказаётган кишидай мамнун. – Бу яхши! Изларди кўмиб... Шодиёр, бир ташқарилаб ке, – деди тагин нимадан дандир шубҳаланиб. – Уйди айланиб тур, ўзим чақираман.

Шодиёр остонага қараб юриш баробарида кўлини қулоғига карнай қилиб, кўз-қулоқ бўлиб турайки, дегандай бош силкиди. Қобил ака унинг фаросатидан қувонди. Ҳа, деб бош чайқаб кўзларини баравар юмди. Шодиёр чиқиб кетгач бир муддат ўтиб Қобил ака гапида давом этди:

– Қор изди жўғатади... Ўктам, келин билан икковинг зарур нарсаларди олинлар. Кетма-санлар бўмайди! Бугундан қолмаслик керак. Тоғамга ўзим хабар қиламан, – деди у Тангриқул бобони назарда тутиб. – У Боймоқли томондан юриб Хўжамулкига келади, – Қобил ака бир зум тин олиб, оғир хўрсинди. Кейин бу ишларнинг барчасига ўзи айбдордай бошини ҳам қилди.

– Ҳеч ким шу совуқда дарёдан ўтиб кетди, деб ўйламайди... кечувгача билдирмай етиб олсак бўлди. Ҳозир дарё доғ ташлаган, эшакдан тушмай бемалол ўтиб кетса бўлади.

– Ака, энам шу аҳволда, – деди Ўктам Қобил аканинг фикрига қўшилишни ҳам, қўшилмаслигини ҳам билмай.

– Чечамга болаларди омонлиги керак, а? – деди у Марям момога маъноли қараб.

– Чин, чин. Менга балоям ургани йўқ, Қаерга бор, десанг, қанча жур, десанг кетабераман. Шугинани жони омон бўса бўлди, – деди наби-расининг бошини силаб.

Тонг чоғи Қобил ака билан Шодиёр кечувга борадиган йўлнинг икки тарафини кузатиб бормоқдайди. Уларнинг ортидан кўч-кўрон ортилган уловлардан бирида Марям момо, иккинчисида эса Ойдин ўғли билан эргашган эди. Эшаклар юкнинг оғирлигидан овозсиз қадам ташлар, изма-из кетаётган Ўктам ҳам оёғини омонат босарди. Ниҳоят, улар дарёнинг кенг, аммо саёз оқадиган жойига етиб келишди. Бу вақтда қиш келмасдан бурун ёға бошлаган қор бутун дунёни оппоқ рангга бўяб улгурган эди. Фақат сув ўз тусини йўқотмаган, унинг юзасидан чиқаётган ҳовур ва шалди роқ овоз ҳаёт ҳақида кўшиқ куйлаётгандай эди. Улар соҳилга шу куйни тинглаш учун йиғилгандай бир муддат сукутга чўкди. Сўнг навбатма-навбат бир-бирларини бағирларига босиб хўшлаша бошлашди. Қобил ака Ойдинга рўпара келар экан:

– Келин, дийдор киёматга қолмайди! Ўзим сизларди излаб топаман, – деди ва Элмуродга юзланди:

– Элмуродбой! Сиз энди катта жигит бўлиб қолдингиз. Полвон болалар ҳеч нарсадан кўрқмайди, – деб Қобил ака бир дам ўйга толди. Сўнг: – Боботовдан қарасанг эна дарё ялтираб кўринади. Хув, Бойсунтовнинг анави чўққисини мўлжал олиб дарёга қара. Уйларинг шунинг рўпарасида! Эсингдан чиқмайди?! – деди.

Элмурод, йўқ, дегандай бошини сарак-сарак қилди. Қобил ака уни бағрига қаттиқ босди. Ойдин эса жимгина олисдаги қишлоққа қаради. Кўз олдида бахтли дамлари келди. У ўғли туғилганида Менгзиёнинг қанчалар қувонганини эслади. Кейин кўз олдида Тошқул пайдо бўлди. Ўша кунни Менгзиёни олиб кетаётганда ва кеча ўйига кириб тўс-тўпалон қилган шўронинг ғазабнок башарасини эслаб: “Ерютгур Тошқул. Сенга ҳам Худонинг айтгани бордир”, деди.

Бу вақтда Ўктам чориғини ечиб, онаси ўтирган уловнинг жиловидан етаклаб, сув кечган эди. Уларнинг ортидан Ойдин эшагига хила берди. Ўктамнинг тиззасига уриб оқаётган сув ҳаводан илиқ бўлгани учун оёғига совуқ билинмас, лекин тиззадан баланди дарёнинг изғирин шамолида

қалтирарди. Эшаклар ҳам тайриниб кетмаслик учун авайлаб қадам ташлар, сувга теккан хуржун оғирлашиб, юриши сустлашди. Улар дарёнинг ўртасига борганда Ўктам бир қалқиб, белга урадиган чуқурга тушиб кетди. Марям момо уловнинг ёлидан маҳкам тутиб: “Болам!” деди. Ўктам тезда ўзини ўнглаб, чуқурдан чиқиб олди. Қирғоқда ҳамон уларни кузатиб турган қондошлари: “Воҳ!” деб юборишди. Ҳаммаси жойида эканини кўришгач эса, дарёнинг юқори қисмидан юр, деб ишора қила бошлади. Ўктам гоҳ чап, гоҳ ўнг томондан йўл ахтариб, текис жойни топди. Сўнг жониворларнинг сувда узоқ вақт туриб қолиши яхшилик эмаслигини билиб, йўл давомини текширмай уларни етаклай кетди. Нариги қирғоққа етиб олишганида Ўктам совуқдан кўкариб кетган, сув теккан либоси эса аллақачон музлаб қотиб қолган эди. Узун қулоқ жониворлар ҳам совуқдан дирдирарди. Ўктам жон борича тезлашиб, уст-бошини алиштирди. Совуқни енгилш учун тез-тез қадам ташлаб, манзил томон йўл бошлади. Улар қишлоқдан олислаб боргани сари юраги орқага тортар, яна бир бора ўзлари туғилиб ўсган қишлоқни кўргиси келарди. Аммо Марям момо орқага қарамасликни бот-бот уқтирарди. Ойдин ҳам, Ўктам ҳам ортга кўз ташласа, қандайдир мусибат рўй бериши мумкин экан, деб ўйлади. Аммо момодан бу ҳақида сўрашнинг мавриди эмасди.

* * *

Уларнинг эсон-омон ўтиб олганини кўрган Қобил ака билан Шодиёр оғир хўрсинди. Кейин келган йўллари бу ёқда қолиб, бошқа томондан қишлоққа қараб юрди. Шодиёр анчагача ҳамроҳининг ёнида сўзсиз кетди. Аммо унинг ичи қизиб бормоқдайди. У зўр бериб қондошларининг кейинги тақдири ва ҳозирги қилган ишлари қанчалик тўғри бўлди ё йўқлиги ҳақида ўйланиб борарди. Аммо Қобил аканинг кайфиятига қараб оғиз очолмас, унинг ўзи бу ҳақда гап бошлашини интиқ кутарди. Лекин Қобил ака ҳамон вазминлик ила қор кечиб, ён атрофни кузатиб кетарди. Охири Шодиёр чидай олмади ва:

– Бу йил қор эрта тушдимми? – деб ўсмоқчи-лаб гап бошлади.

– Ҳа, қишди қаҳри қаттиқ бўладигандай, – деди Қобил ака маъноли қилиб.

– Шу-шу... Бу совуқда холам... мазаси йўқ эди, – деди у Марям момони ўйлаб.

– Яратганди карами кенг! Яхшиларга йўлиқсин, илойим!

Қобил ака бу сўзлар билан, аслида, ўзига ҳам тасалли бермоқда эди. У ҳам қондошлари ҳақида қайғуриб, юраги сиқилиб, ортиқ бу

ҳақида сўзлагиси келмади. Тагин кечадан буён режалаштирган ишларини давом эттириш учун Шодиёрга юзланди:

– Сен тез уйларингга бор-да, акангга айт, Термизга – Тангрикул тоғамди излаб йўлга чиқсин. Бор гапди тушунтириб айтсин. Биз борсак, ишимизди миси чиғади. Сени Тошкул тергов қилса, шу кечани ўзида уйга қайтиб кеганман, ҳеч нарса билмайман, деб турабер. Мени сўраса, билмайман, бир ўзим қайтдим, дегин.

– Ундай десам, сизди... – деди Шодиёр чин дилдан ҳамроҳини ўйлаб.

Ўзича режа пишитган Қобил ака:

– Шундай деб айтабер, қоганини ўзим боғлайман, – деди. Кейин бундай ишларга Шодиёрнинг бардоши етишига ишонмай:

– Тилингдан чаёнга чақтирсаям, ўтирик гапдан қайтма, – деди. Шодиёр ростдан ҳам киши билмас азобга дучор бўладигандай рангги қув учди. Аммо кўрқувни билдирмаслик учун ҳиринглаб кулди ва:

– Тилимди кесиб ташласаям алдайбераман, – деди.

Улар келгуси режаларини келишиб олгач, икки томонга қараб кетди. Шодиёр бетартиб ўсган паттазор ёқалаб уйлари томон, Қобил ака эса бошқаларда дарёга терс томондан келаётгандай таассурот қолдириш учун қишлоқ тепасига қараб йўл тортди. Қобил ака овул уйларни айланиб, тепаликлар томондан уйига қараб келар экан, ўзидан сал нарида кеча Ўктамни чақириб келган Шобердини кўрди. У беҳуда юрмаганини, билъакс Тошкул шўронинг топшириғи билан пойлоқчилик қилишга чиққанини англади. Қобил ака Шобердига қорасини кўрсатмай шу ердан бурилиб, уйига нариги томондан кетмоқчи бўлдию улгурмади. Қобил ака ноилож йўлида давом этиб Шобердининг ёнига борди.

– Тонг саҳарлаб буёқларда адашиб юрибсан? – деди Қобил ака унинг кўзига тик қараб.

– Қор бемаврид тушди, қушлар кўпайиб қолган бўлса керак, деб овга чиқибедим, – деди у қўлидаги палахмонни кўрсатиб.

– Менам ов дардида хув қиргача бориб келдим, – деди Қобил ака. – Биттаям қуш йўқ. Бундай пайтда каклик, чил дегани сероб бўларди.

– Чин айтасиз. Ҳеч бало йўқ.

Қобил ака йўлида давом этиб уйи томон кетди. Шоберди эса сир бергиси келмай қишлоқдан олислади. У Қобил акани Бойсун йўлида кўрганини айтиб шўродан суюнчи олиш учун шошиларди. Айни дамда Тошкул шўро Тангрикул бобони ва кеча қочиб кетган Ўктамни ушлаш учун Шўрчига борадиган йўлга пойлоқчи

қўйган эди. Ўзи эса кечаги аскарлардан икковини эргаштириб, Шўрчига – Тангрикул бобони қўлга олиш учун кетиб борарди.

* * *

– Ҳалиям бўлса кечмас, Тангрикул бобо болалари билан қаерга кетганини айтсангиз, ўзингизга осон бўлади, – деди Тошкул шўро қўли боғлиқ турган Қобил акага тик қараб.

– Ўзбекчалаб айтдим, Тошкулбой, билмайман. Тоға меники, локин ихтиёри ўзида. Қаерга кетганини нима биламан.

Тошкул шўро алам билан туфлади. Ғазабнок нигоҳ ила Қобил акага тик боқди. Қобил ака ҳам киприк қоқмай шўрога қараб тураверди. Тошкул ўзини қўярга жой тополмас, Тангрикул бобони қўлдан чиқариб, шу билан бирга Ойдиннинг ҳам изсиз йўқолгани унга алам қилаётганди. Нима бўлган тақдирда ҳам шўро Ойдинни йўқотиб қўяман деб ўйламаган эди. Бу унинг барча режасини чиппакка чиқарганди. Холбуки, Тошкул шўро аввал бобони, ундан сўнг Ўктамни қўлга олиб, бу оиланинг эркакларини тағ-туби билан йўқотиб, алалоқибат Ойдиндан қасд олиш ва... юрагининг туб-тубида яшириниб ётган ҳайвоний ҳиссиётини қондиришни истарди. Шўро агар Ойдин ўғли ва қайнонаси билан ёлғиз қолса, исталган пайт уйига кириб, у билан ўйнашиб юраман, деб ўйларди. Энди Ойдин изсиз ғойиб бўлгани учун шўронинг кўксига ин қурган шайтоний ҳирс уни тобора ваҳший қилиб юбораётган эди. Шўро қонга ташна йиртқиқдай Қобил акага қаради ва:

– Охири марта сўраяпман, улар қаерга кетди? – деди оғзидан туфук отилиб. Қобил аканинг ҳам жони ҳалқумига келди. Бир томондан тақдири ҳал бўлганига ақли етиб, энди рост сўзласа ҳам омон қолмаслигини тушунган эди. Қобил ака Шодиёрга буёғини ўзим боғлайман, деганида иш бунчалик чигал бўлиб кетишини билмаганди. У ўшанда Тошкул шўрога, биз билмаймиз, шу кеча уйга қайтгандик, деган гап кифоя қилади, у минг ёмон бўлгани билан одам боласи-ку, деб ўйлаганди. Ҳозир шўронинг ғазабига учраб, нафсининг нуқси урган кўзига тик боқар экан, қаттиқ адашганини ҳис этди. Қобил ака Менгзиёнинг изидан қамоққа кетишига шубҳаси қолмади. Тақдирга тан берди. Айни чоғда бундан хўрлиги келди. Дунё фақат ва фақат разолатдан иборатдек кўринди. Мана шу воқеалар бошланганидан буён шўрони сизлаб, унга мулозамат қилиб юргани алам қилди. Ҳақ бўла туриб Тошкулнинг гапларини маъқуллаб, унинг қаршисига қўл қовуштириб туриш Қобил ака учун ўлим билан баробар эди. Охири бунга ортиқ бардоши етмай, бор алам ва ғазабини жамлаб, шўронинг юзига туфуриб юборди.

* * *

Менгзиёнинг сургун бўлгани ҳақида билиб қишлоққа қайтаётган Тангриқул бобога оиласининг аҳволи ҳақида хабар келгач титраб кетди. У анча вақтгача ўзини йўқотиб қўйди. Хабар бериш мўйсафиднинг аҳволига қараб анча жойгача ҳамроҳ бўлиб келди. Сўнг улар дарёнинг икки соҳили бўйлаб йўлларида давом этишди.

Тангриқул бобо отни ўз ихтиёрига қўйиб хаёлотли бўлиб қолгандай кетиб бораркан, кўз ўнгидан Менгзиё занжирбанд ҳолида дўмбира чалиб, Тошқулга тик қараб қўшиқ айтаётгани гавдаланди:

“Сиртинг одам боласи
Ичинг – жайра ё илон,
Сенсан одам оласи
Нима тирик сен билан.

Кенг дунёни сен бетак,
Яхшиларга тор қилдинг,
Одамзот боласини,
Не сабабдан хор қилдинг?!

Ўйлаб турсам сотибсан
Ҳам элингни, юртингни,
Пўлат билан тилдирса,
Камлик қилар уртингни...”²

Тангриқул бобо шу каби хаёл билан Хўжамулкига етиб келганида қор аллақачон эриб битганди. Бу орада осмонни қора булут қоплаб, ёмғир ёғиб ўтди. Энди ҳаво анча юмшаб қолган бўлса-да, кечқурун ва эрталаб қиш нафаси сезилиб турарди. Ҳавонинг бундай тез ўзгаришидан қордан омон чиққан ва унча-мунча совуқ таъсир қилмайдиган гулу гиёҳларнинг ҳам туси ўзгарган эди. Табиатнинг бу тахлит турланиши Тангриқул бобонинг вужудида ҳам рўй берган, йўл давомида анча толиқиб, юзи совуқ урган яшиллик янглиғ сўлгин тортганди. Айниқса, Шодиёрнинг катта акаси уйдан хабар етказиб, қўшни қишлоққа боришни айтганидан сўнг аҳволи янада аянчли тус олди. У айтилган манзилга яқинлашгани сари кўнгли қишлоғини кўмсай бошлади. Шу боис ҳам дарёдан бир-икки чақирим наридаги қишлоққа қараб эмас, соҳил томон йўл олди.

У дарёнинг бу соҳили бўйлаб қишлоқ рўп-расига келар экан, уйи томонга узоқ термилиб қолди. Тангриқул бобо қанчалик истамасин, туғилиб ўсган қадрдон гўшасига қайта боролмаслиги ва, айниқса, ота-онаси қабрини яна бир бор зиёрат қилиш имкони йўқлиги унга шу қадар оғир изтироб берардики, бундан мўйсафиднинг

энг сўнгги умиди ҳам сўниб борарди. Тангриқул бобо қишлоғига қараб тураркан, уйига бир қадам бўлса ҳам яқин бўлишни истаб, дарё лаби томон от жоловини бурди ва соҳилдаги кекса тол дарахти ёнига бориб тўхтади. Толнинг тарвақайлаб ўсган шохлари осмонга қўл ёйиб турар, аммо кучоққа сиғмас танасига қурт тушиб емирилган ва дарёга томон энгашиб ўсганидан ҳозир йиқилиб кетадигандай таассурот уйғотарди. Унинг ёнида от устида эгарга суяниб ўтирган Тангриқул бобонинг ҳозирги аҳволи кекса толга ниҳоятда уйғунлигидан иккаласини бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмасди. Узоқ вақт бир жойда туриб қолганидан толиққан жийрон қаттиқ пишқириб ер депсинди. Бу товушдан толга қўнган илгир қуш чўчиб қанотларини кенг ёйиб, ҳавога кўтарилди. Рўпарада учиб келаётган чумчуқлар галаси уни кўриши билан тўзғиб кетди. Аммо илгир уларга парво ҳам қилмай, оҳиста қанот қоқиб, бошқа дарахтга бориб қўнди. Хаёли чалғиган Тангриқул бобо сергак тортиб, отга дам бериш учун эгардан тушди. Лекин оёғи увишиб қолганидан тушган жойида туриб қолди. Мўйсафид қамчининг сопи билан этик қўнжиги урди. Шу пайт тинимсиз у ёқдан бу-ёққа урилаётган кичик заррачалар бутун танаси бўйлаб тарқалди ва бунга бардоши етмай ўтириб қолди.

Тангриқул бобо қишлоққа қараб ўй суриб чакмонининг ички чўнтагидан халтачага тугилган бир сиқим тупроқни қўлга олди. Мўйсафид тупроқни маҳкам сиқаркан, кўзидан ёш сизди ва пичирлаб: “Бу дунёда тирик айрилган ёмон-а”³, деди.

Кеч тушиб, қишлоқ одамларининг оёғи тийилмагунча яқин атрофда тентираб юрган Тангриқул бобо тун қоронғисига Хўжамулкининг нариги бурчида яшайдиган Омон полвоннинг уйига борди. Полвон катта хонани Тангриқул бобонинг оиласига бўшатиб берганди. Уларнинг бу ердалигини уй эгаларидан бошқа биров билмасди. Меҳмонлар узоқ вақт хонага қамалиб, овозсиз ўтиришдан жони ҳалқумига келган, айниқса, Элмуроднинг бардоши буткул тугаб битган ва тез-тез хархаша қилаётган эди. Момоси билан онаси уни имкони бориचा босиқлик ила юпатишга уринар ва Тангриқул бобонинг тезроқ етиб келишини интиқ кутарди. Гўё оила боши келса, барча дард-ситамлар тугайдигандай эди. Аммо мўйсафид Менгзиёнинг сургун қилингани ҳақида шумхабар олиб келди. Уларнинг дунёси янада қоронғилашиб кетди.

2 “Ойчино” дostonидан
3 “Кунтуғмиш” дostonидан

Марям момо ҳам, келини Ойдин ҳам баралла йиғлаб юборди. Ўктам эса кўз ёшини яшириб, бурчакда бош эгиб ўтирарди. Элмурод аллақан-дай мусибат рўй берганини фаҳмласа-да, ҳали унинг гўдак қалби бу кунларнинг даҳшатини буткул англаб етмаганди.

– Бўлди-да энди. Бир-эки йил ўтмай қоган жойи йўқ! Ҳа, деб кўз ёш қилмай, эсон-омон кесин, деб дуо қилинглар, – деди Тангрикул бобо.

Унинг сўзларидан сўнг келин-қайнона кўз ёшларини артди. Марям момо энди Тангрикул бобонинг ҳолидан қайғуриб:

– Журт кезиб келишди ўзи бўлама?! Бир мой-донгина дам олинг, – деди.

– Ай, – дея қўл силтади Тангрикул бобо. – Ўзимизга қора жой топайик, сўнг қогани бир гап бўлар.

– Биз-ку қаерда бўлсак кўниб кетаберамиз, бу гўдаклар нима қилади, бобоси?! Куннинг шу совуғида уй тиклашди ўзи бўладима?

– Қизиқ гапларди гапирасан, кампир. Худойим бир улоқди, тўрт шувок⁴ди яратган. Бу ерда қолсак, полвонга азият бериб қўямиз. Эрта-роқ йўлга чиққанимиз маъкул.

– Ўктамжон, – деди Марям момо ўғлига юзланиб, – полвон акангга айт, биз қайтамыз.

Ўктам Омон полвонни чақириб келиш учун ташқарига чиқди.

– Келин, сиз тугунларди тайёрланг, – деди Тангрикул бобо Ойдинга юзланиб.

– Ҳамма нарса-ку тайёр турибди, – деб гап бошлади Марям момо. – Полвондан қора уйини сўрасак бермасмикин?! Бориб бизди ўтовди олиб келаберарди. Жойига-жой десак-да!

– Бўмайди, – деди Тангрикул бобо. – Уни олиб кетишди ўйла.

– Эса, совуқда қаерда жон сақлаймиз, бобоси?!

– Боботовга етсак, ғорда бўлсаям яшайберамиз.

Шу пайт эшик очилиб, аввал Ўктам, сўнг Омон полвон кириб келди. Полвон баланд бўйли, буғдойранг ва жиддий боқувчи нигоҳи одамни сергак торттирадиган киши эди. У мўйсафидга:

– Нимага дарров қайтаман, деб қолдингиз?! Ё биздан бирор камчиллик ўтдима? – деди.

– Сира ундай деманг, полвон!

– Ундай бўлса, бемаҳалда қаерга борасиз?

– Энди, полвон, сизгаям, бизгаям шуниси маъкул. Тулки қирқ хунарим бор, яхшиси, кўрин-

маслик, деган экан. Сиз берган нон-тузингизга рози бўлинг! Насиб қилса, яхши кунларда хизмат қилайик.

– Ажаб гапларингиз бор-да! Шўндай пайтда кунингизга ярамасак, қачон пойдамиз теяди.

Рози бўлинг, деб уялтирманг-эй! Отам раҳматли бўлганларида шу гапингиз учун хапа бўларди.

– Ҳа, жўрамиз кўп яхши одам эди. Умри қисқа экан-да, – деб дўсти – Омон полвоннинг отасини хотирлади Тангрикул бобо. – Ориятли, иззат-нафси биладиган шермард эди раҳматли.

– Чин айтасиз, – деди полвон отасини кўз олдига келтириб. – Отамга ўхшашга бизди кучимиз жетмади... Ҳа-ей, бош омон бўлса, дўппи топилар, деб бекор айтишмаган. Ўктамбой ҳам бошқаларга эш бўлиб, қўлтигингиздан кириб қанотингизди кўтариб турса, бу кунларам ўтади, – деб гап равишини ўзгартириб юборди у.

– Бори умидим шулардан. Бўмаса, жоним ширинлик қиб элдан бош олиб кетаётганим йўқ. Болаларди эртасини ўйлаб, – деди мўйсафид. Сўнг мезбондан изн сўради. – Бизга дуо беринг, полвон! – Дуо сиздан.

Тангрикул бобо қўлини кенг ёйиб дуо ўқиди. Сўнг барчаси баравар ўрндан туриб, ташқарилади. Омон полвон бутун оиласи билан уларни кузатиб қўйди. Тангрикул бобо оиласи билан тун ярмидан ўтганида Боботоғни мўлжал олиб жўнади. Мўйсафид от билан олдинда борар, унинг изидан Марям момо билан келини ўзларининг узунқулоқ жониворида, Ўктам ва Элмурод эса Омон полвон инъом этган ҳангида ҳаммадан орқада борарди. Зимистон кечада нотаниш йўлдан юриш қийинлиги боис жониворлар имиллар ва каттароқ кесак ёки тошдан ҳуркиб, арзимас чуқурдан ҳам сакрамасдан айланиб ўтарди. Бу юришдан, айниқса, Элмуроднинг силласи қуриб уйқусизлик қувватини сўриб олганди. Уни энди уйқу элтганида эшакнинг қалтис ҳаракатидан уйғониб ғингшир, шамол ураётган юзини акасининг кўксига босиб яна ухлашга уринарди. Ҳар бир тепалик аввал кунларга, сўнг йилларга уланиб бораётгандай, вақт имиллаб ўтарди. Улар шу тариха тонг ёришмагунча қирма-қир, сойма-сой ўтиб борди. Ниҳоят, Тангрикул бобо от жоловини тортди. Улар жар ичидан – шамолпанадан жой ҳозирлашди. Ўктам отаси билан юкларни тушириб, ўтин қараб кетди. Марям момо эса келини билан кўрпа-тўшак ёйди. Кўп ўтмай ота-бола қуриб қолган ёнтоқ судраб келди. Ўктам:

– Бу ерда ўтин йўғакан, – деди.

– Чўл бўгандан сўнг шу-да, – деди онаси қумғонга сув қуяр экан.

4 Шувок – ўсимлик. Бу ибората ҳар ким ўз ризк-насибаси билан тугилади, деган маъно бор.

– Сувди тежаш керак. Йўл узок. Чўлда булок бўмайди. Ўктам, ўтни ўзинг ёқ, чечанг қийналиб кетди, – деди Тангрикул бобо.

Ўктам олов ёқди. Ойдин емак учун нар-саларни ҳозирлаб, дастурхон ёзди. Элмурод олов тафтида ланж бўлиб қўлида бир туюр нон билан ухлаб қолди. Бошқалар деярли гап-сўзсиз тамадди қилишарди. Бир замон:

– Шу жойлардаям одам яшайдима? – деди Марям момо хувиллаб ётган яйдоқ чўлга ишора қилиб.

– Боботовди этагида одам бор. Булоқди гирдида. Ундан бермоғон баҳорги журт, – деди мўйсафид.

– Товгача борамизма? – деди Ўктам олисда чўққиси ялтираб турган Боботоққа қараб.

– Нар борса, эки кунлик йўл, – деди Тангрикул бобо йўлни назарга илмагандай хотир-жамлик билан.

– У яқда шўро йўқма? – деб сўради Марям момо соддалик билан.

– Ай, шўрони бормаган жойи борма? Локин бизди биров танимаса бўлди. Тинч яшайберамиз, – деб Тангрикул бобо Термизга бораётганда уйдан жой берган Тўра акани эслади. Шундагина у билан тақдирлари бир-бирига ўхшаш эканини пайқади ва:

– Хўроз бари жойда бирдай қичқиради, – деди.

Бу гапдан сўнг улар бораётган манзилнинг сири йўқолиб, Боботоғ ҳам мунғайиб тургандай кўрина бошлади.

Шу пайт Тангрикул бобо жар тепасидан эниб келаётган тулкига кўзи тушди. Бошқалар ҳам ўгирилиб унга термилди. Тулки уларни энди кўрди, шекилли, жойида тошдай қотди. Сўнг хавфни текшириш учун олдинга икки қадам ташлади. Шу пайт Ўктам акса уриб юборди. Тулки кўрққанидан ортига қайтиб югурди. Аммо сал нарига бориб тўхтади. Бир муддат ўтиб ўша ерда чўнқайиб ўтирди-да, одамларни кузата бошлади. Тулки кўрқиб узокқа кетмагани учун Тангрикул бобо ниманидир сезиб атрофга аланглади. Кейин ўтирган жойидан ўн қадамча наридаги чуқурдан тулки боласи тумшук чиқариб турганини кўрди.

– Эй, боласи боракан-да! Биз тинчини бузиб қўйиппиз. Айтдим, бу нимага кўрқмай турибди, деб. Уйини, боласини кўриган жонзот кўрқувди эсдан чиғаради-да!.. Ҳа, эса омин, – деб қўлини дуога очди мўйсафид. – Гертак дам олдик. Энди йўлга тушсагам бўлаберади. Элмуродни уйғотинглар. Элмурод, отажон! Қаранг, тулки келди...

Элмурод истамайгина уйқули кўзини очди. Аммо ороми бузилганидан ғингшиб, хархаша қила бошлади. Бобоси уни зўрға юпатиб, отга мингаштириб олди. Улар тагин уловнинг тебранишига мос ҳолда чайқалиб, адоқсиз чўл бағрида чумолидай ўрмалаб борарди. Улар шу кетганча тушгача тиним билмади. Тушдан сўнг қулай жой топиб кечга довур дам олишди ва яна тунни билан йўл юрилгач, эртаси куни пешинга яқин тоғ этагидаги қишлоқ тепасидан чиқишди. Бунгача улар бўларича бўлганди. Жониворлар эса йўлда дуч келган кўлмак сувдан қониқиб ичиб-ичмай силласи куриб, оёқда зўрға турарди. Шу боис ўн-ўн беш чоғли уйдан иборат қишлоқни кўришганида севиниб кетишди.

Қишлоқ этакдаги текисликда қуюқ жойлашганди. Чор тарафи текис тошлоқ бўлгани боис уйлар супада ўтирган чоллардай таассурот уйғотарди. Тоғ бағрида дарахтлар кўкка бўй чўзган, афтидан, у ерда булок бўлиб сув қишлоққача етиб келмаганди. Тангрикул бобо оиласи билан турган тепалиқдан эса ёлғизоёқ йўл илон изи ҳосил қилиб ўртадаги сойдан ўтиб, сўнг қишлоққа чиқиб борарди. Уларга айни дамда мана шу масофа ҳам жуда олис бўлиб кўринмоқ эди.

Улар сойдан ўтиб, қишлоққа яқинлашгач, бўрибосар кўппаклар йўл тўсди. Итлар жуда яқин келмаган бўлса-да, улар ўша жойда тўхтаб қолди. Бундан хабар топган қишлоқ аҳли меҳмонларга пешвоз чиқди. Келаётган киши тез юриб таёқ билан итларни қувиб солди. Тангрикул бобо мезбоннинг етиб келишини кутиб туриш одобсизлик бўлмасин, деб отдан тушди. Мўйсафид жийроннинг жиловидан тутиб одимлади. Ўктам ҳам отасининг изидан юрди. Уларнинг орасида беш-олти қадам қолганда Тангрикул бобо мезбонга салом берди. Улар кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди ва бояги киши мўйсафидни уйга таклиф этиб, йўл бошлади.

Қишлоқ аҳлини Тангрикул бобо ва унинг оиласи қизиқтириб қўйган эди. Зеро, уларнинг юзи тер ва чангдан шўрлаб, уйқусиз кўзлари қизариб киртайган, уст-боши ҳам ёрилган лаблари янглиғ бир аҳволда эди. Боз устига юз-кўзларида сўнгсиз изтироб зуҳур бўлиб кишида аллақандай ачиниш ҳиссини уйғотар эди. Йўл азоби Тангрикул бобо ва оиласини ҳолдан тойдирганди.

Тоғлик аҳоли уларнинг бошига оғир мусибат тушганини пайқаб турар ва бунинг қандайин кўнғилсизлик эканини билишга ошиқарди.

Боши. Давоми 28-33 бетларда.

Ўз элининг ўқитам куйчиси

XX аср ўзбек адабиёти-нинг йирик намояндаси Фафур Гулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳаси Қўрғонтеги маҳалласида туғилган. У баракали ижоди билан ўзбек назми ва насри, адабиётшунослиги, публицистикаси ва таржимачилиги ривожига катта ҳисса қўшди.

Фафур Гулом чинакам ўзбек шоирдир. Унинг ижодида юрагидаги инсонпарварлик руҳи баланд жаранглайди. У меҳнаткаш, ҳалол, ўз ақл-фаросати, ўзи пешона тери билан кун кечирувчи ва ҳаётни, жамиятни мукамал қилишга интилган инсонни фаол ҳимоя қилди, унинг тақдири, бугунги ва эртаси учун санъаткорлик қалби билан умр бўйи кураш олиб борди. Адибнинг насрий асарларида ҳам ана шундай инсонпарварлик, ватанга муҳаббати яққол кўринади. Миллийлик Фафур Гулом асарларини безаб турувчи энг гўзал хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон халқ шоири Фафур Гулом 1966 йил 10 июлда Тошкентда вафот этган. Мустақиллик йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2000).



1950 йил



Ойбек, Ҳамид Олимжон,
Зулфия билан. 1940 йил

*У киши халқимиз келажакда юзят яхши кунлар, ёрқин
истеъодлар насиб этишимизни шондан умид, элларвар ёзувчи эди.*
Зулфия



Шеърини лаҳзалар.
1953 йил.

“Муболаға –
ёлгоннинг йўлагидир”.



Ўғли Хондамир ва қизи
Тошхон билан. 1951 йил

*Ғафур Ғулом
имодиёти – зўр
улхан, унинг ҳар
қандай кўрinishи
хилма-хил ёниш,
яъни нур ва
ҳарорат дерақдир.
Ғафур Ғулом
поэзиясининг зўр
кучи, тазибаси,
кўзни қаламшетириб
юборадиган
ўзгалмиш
шундадир.*

Абдулла Қаҳҳор

*У бирон дақиқа
халқидан четда, халқининг
ниятларидан узиллиб
қолмади.*

Саид Аҳмад

“Бир халқнинг
ахлоқини билмоқ
учун адабиёти
билан таниш”.

*Ғафур Ғулом дард,
изтирод туйғуларини
ёзган шоирларнинг
дошига тушган
фалокатларни ўз
кўзи билан кўрган
адиб эди.*

Эркин Воҳидов



Шоир ўқувчилар давраида.
1950 йил

*Ғафур Ғулом ўзбек халқининг
миллий ўз шоири эди ва шундай
бўлиб қолди.*

Абдулла Орипов

Ўғли Мирзо Улуғбек билан.
1950 йил



Мақсуд Шайхзода билан.
1960 йил

Фақур Ғуломнинг биринчи ва асосий адабиёт ўқитувчиси – китоб, ҳаёт, муаллим эса матбуот, яна аниқроқи, газета бўлди.

Мақсуд Шайхзода



Шароф Рашидов, Ризо Муҳамедов ва бошқалар билан.
1950 йил

Фақур Ғулом поэзиясининг халқчиллиги шундаки, у ўз асарларида жонатон халқининг ҳаёт ҳақиқатини, орзу ва ўйларини, ёруғ истиқболга ишонгини ақс эттирди.

Шароф Рашидов



Дўсти Маҳмуджон ва божаси Маҳмуджон билан. 1949 йил



Сергей Бородин ва бошқалар билан. 1950 йил

Биз Фақур Ғулом билан суҳбатдошлик шарафига мўъссар бўлмасак-да, лекин уни кўриб шарафланган авлодданмиз. Фақур Ғуломнинг шеъри қулоқларимизга она алмаси билан кирган десам муволаҳа бўлмас, ҳар қалай, уч яшар чоғимиздан қулоғимиз унинг оҳанглари сеҳрига ўргангани рост.

Иброҳим Ғафуров



1983 йил

Дадандан олдин бирор шон китобни офтобга қоғиз қилманми-йўқми, билмайман-у, лекин китобни бу қадар улуғлаган ишодкорни бошқа кўрмадим.

Олмос, қизи

Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Фақур Ғулом уй-музеи ҳамкорлигида тайёрлади.



Давоми. Боши 17-24 бетларда.

Илло, уларнинг айримлари умри бино бўлиб шу тоғ-тошлардан нари чиқмаган, унда-бунда ўтиб қайтадиган йўловчиларни ҳисобга олмаганда бегона одамга дуч келишмаганди. Бозор учун шаҳарга борадиганлар ҳам ойда бир уйдан чиқарди. Шу боис янгиликка ўч қишлоқдошлар меҳмондан кўз узмасди. Уларга томошагоҳ бўлиб қолганидан ўзини ноқулай сезган Тангриқул бобо тоқатсизланиб келини ва Марям момони бегона нигоҳлардан гавдаси билан тўсишга уринарди. Ниҳоят, қишлоқ кай-вониси келиб, аёлларни нари олиб кетди. Ўзини бироз эркин ҳис этган мўйсафид мезбон бола олиб келган чойгумдаги илиқ сувга юз-қўлини чайди. Сўнг рўпарадаги хонадон остонасидан ҳатлади. Уй тўрида ўзи тенги чол ўтирарди. Унинг мошгуруч соқоли чиройли кузалган, чеҳрасидан ҳамон ёш йигитлардай ғайратли бўлиб кўринарди. Чол – Тошбой бобо эгчиллик билан ўрнидан туриб салом бериб, Тангриқул бобога уй тўридан жой кўрсатди. Улар бараварига чордона қуриб ўтирар экан эшикдан Ўктам кўринди. Тошбой бобо ўрнидан жилмай у билан саломлашди. Боя кутиб олишга чиққан мезбон Ўктам билан ёнма-ён жойлашди. Меҳмон ва мезбонлар бир-бирлари билан сўрашишаркан, эшик қия очилиб, Элмурод ичкарига бош суқиб қаради. Тангриқул бобо уни кўриши билан:

– Бор, Элмуроджон, момонга бор, – деди.

Унинг гапи тугамасдан Элмуроднинг ортидан боя қўлга сув қуйган мезбон бола кўриниб:

– У яқда жилаяпти. Сиз билан ўтираркан, – деди.

Бу гапдан сўнг Тошбой бобо Элмуродга қараб:

– Ке! Кел-эй бу яққа. Ўт бобонгди олдиға. Ҳа, яша! Полвон жигит экан-да бу, – деди.

Элмурод бегона одамлардан уялиб, қимтиниб, бобосининг олдиға келди. У Тангриқул бобонинг тиззасига бош қўйди. Мезбонлар олдида ўзини ноқулай сезган мўйсафид набирасига:

– Туриб ўтир, улим. Уят бўлади, – деди.

Бунга жавобан Тошбой бобо:

– Қўйинг, ёш бола йўлда чарчаган... Ёт, ётиб дамингди ол. Эҳ-хе, сенга бир сурув ошна бор. Бир ухлаб тур, кейин шулар билан ўйнайсан, – деди.

Элмурод ғужанак бўлиб ётиб олди. Тангриқул бобо у келишидан олдин чала қолган гапни давом эттирди:

– Бу кенжа улим Ўктам. Буниси небара, – деди Тангриқул бобо Элмуродни кўрсатиб. – Катта улимди боласи. Ўзи бировгина...

Тангриқул бобо шу тарзда бутун оиласини таништириб чиқар экан, қаердан келаётганию

не мақсадда тентираб юрганигача рўй-рост айтиб берди. Тошбой бобо ва ўғиллари буларни ўткинчи йўловчи деб ўйлаганди. Энди уларга муқим жой кераклигини билгач, ноқулай аҳволда қолди. Чол буни сездириб қўймасликка уриниб, ўзини ва ўғилларини таништира кетди.

– Бу Панжи, – деди боя итларни қувиб солган кишини кўрсатиб. – Кенжа улим. Олдингизда ўтирган акаси Чори. Бошқалари ҳайдовга кетган. Ҳўкуматди бир сурув қўй-эчкиси, беш-олти қора моли бор. Шуларди айлантириб келади...

Тошбой бобонинг айтар гапи тугаб қолганидан сўнг бир муддат ўйланиб турди-да:

– Сизларга қора уй тикиб берсак бўлади, – деди. – Локин совуқлик қилади... Чори, уйинг лойсувоқ бўганма? – дея ўғлига мурожаат этди чол нимадир ёдига тушиб.

– Ҳа, суваганмиз. Эшик-деразаси йўқ, – деди Чори.

– Унга кигиз тутиб қўйса бўлади, – деди Тошбой бобо ва гапида давом этди. – Ўзи шўниси маъқул, – у энди Тангриқул бобога юзланиб сўзларди. – Қора уй торлик қилади. Уйимиздан жой берсак, эркин яшолмайсиз. Ўзингизга бир уй бўса, бемалол оёқди узатиб ўтирасиз-да, тўғрима? Ҳа, яшанг! Чорига уй қургандик. Трома⁵ эрта келиб, ташвиш кўпайиб, кўчиб ўтолмади... Хўш, гап бундай. Ўктамбой билан булар бориб уйди кўриб, камини тўғирласин. Бугундан қолдирмай. Эртага ишонч борма?! Қор тушама, бошқа бўлама, билмаймиз! Сутур-сидирга келинлар бориб қарашади. Ҳа, жигитларга омин, – дея Тошбой бобо қўлини дуога очди.

Мезбонларга қўшилиб Ўктам ҳам ташқарига чиқди. Тангриқул бобо эса тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган Элмуродни ерга ётқизиб, чопони билан устини ёпди.

Ўктам мезбонларга эргашиб борар экан, Боботоққа синчков назар ташлади. Яқинига келиб қаралганда янада ҳайбатли кўринадиган тоққа маҳлиё бўлиб ҳамроҳларнинг гапини эшитиб-эшитмай келаётган Ўктам Боботоққа бир пайтлар деразадан қараб ўтирганини эслади. Унинг ҳозир турган ери – чўққи этагидан дарё соҳилидаги уйи ва ҳатто унинг деразаси кўринадигандай ортига ўгирилиб қаради. Аммо ҳавонинг тундлигидан узоқни кўриб бўлмасди. У баҳор келиб, осмон тиниқлашса, бу ердан уйимизни бемалол томоша қилса бўлади, деб ўйлади ва бу хаёл унга оз бўлса-да таскин берди.

Улар шу куни кечгача янги қурилган уйнинг атрофида куймаланиб, икки хонали тошдевор бошпанани одам кирса бўладиган ҳолга кел-

тиришди. Дераза ва эшикка гулсиз қора кигиз тутиб, айниқса, даричани очиб бўлмайдиган қилиб маҳкамлашди. Узун хонанинг ўртасида сандал қилинди. Шундан сўнг Панжининг аёли билан Ойдин келиб, хонага кўрпа-тўшак ташлади. Ака-ука мезбонлар ўчоқ учун қий, чалма, сандалга олов қалашга арча ўтинидан олиб келиб, ёндаги кичик хонага жойлади. Яна ўтинхонага қараб кетган Чори челак кўтариб келиб:

– Ўктамбой, бунда ер мойи⁶ бор, тутантириққа яхши. Агар яна зурур бўлса, туманда қора кўлдан олиб келаберасиз, – деди.

Бу вақтда бир тарафдан Марям момо, нариги томондан эса Тангриқул ва Тошбой боболар уйни кўриш учун келди. Уларнинг барчаси жам бўлиб ичкарига кирди. Ойдин ва тоғлик келин эса ташқаридаги ўчоққа ўтин қалаб олов ёқди. Сўнг ловуллаб турган чўғни янги қазилган сандалга солди.

Тошбой бобо Тангриқул бобога юзланиб:

– Қани тортинг! Журт қулли бўлсин! – деди.

Тангриқул бобо раҳмат айтиб, йўл бошлади. Улар деворнинг нами кетмаган ва одам тафти урмаган зах хонага кириб, сандал атрофида чордона курди. Марям момо эса хуржундаги нарсаларни типкилаб, қорачироқни тоғиб ёқди. Шундан сўнг эшик-деразасига кигиз тутилган қоронғи хона бироз ёришди.

Энди улар қадим қадрдондай суҳбатлашиб ўтиришарди. Бир маҳал Тошбой бобо ўзининг икки ўғли, келини ва Тангриқул бобонинг оила азолари жам бўлиб ўтирганидан фойдаланиб, кўнглидаги гапни тўкиб солди.

– Энди, ошна, шу журт сизга. Саратон келиб, ҳаво тоқ бўса, ўзингизга уй тиклайсизма ё Чорибойга бошқадан қуриб берамизма, келишиб кетаберамиз. Ҳали унғача кўп гап бор. Локин уйга бегонасирамай, бовурди босиб яшайберинг. Хў-ўш, энди Ўктамбойам, келинам ёш. Уйда қамалиб ўтириб нима қилади? Тўғрими?! – унинг гапидан Тангриқул бобо муддаосини билди ва диққат билан қулоқ тутди. – Гапди қисқа қисак, Ўктамбой Панжи ошнаси билан келишиб мол ҳайдовга борса. Келингаям иш кўп. Ана, сигир соғади. Жуда бекор бўлиб қолса, қўзиларди боғишади. Ишқилиб қоронғи хонада қамалиб ўтиришдан яхши-да!

– Бўмасам-чи, – дея унинг гапини маъқуллади Тангриқул бобо. – Одам яшаш учун ҳаракат қилиш керак.

– Ҳа, яшанг! Сиз зериксангиз, – энди бевосита Тангриқул бобога хитоб қилди чол, – ёнимга гурун-гта борасиз. Эковлашиб зерикиб қолсак, болаларди ишидан хабар оламиз. Уни ундай-буни бундай

қи, деб турамиз-да. Хўп, қўлида кўп ҳунари бор одамга ўхшайсиз. Билмаганимизди бизгаям ўргатасиз. Боласи тушмагурлар ўзимизга ўхшаб кўпол, десангиз. Тунов куни Чорибойди катта акаси бир эчкини уриб ўлдириб қўйибди, – чўпон ўз молини уриб ўлдиришига ёш бола ҳам ишонмаса-да, Тошбой бобо ниҳоятда назокат ва топқирлик ила Тангриқул бобога вазифа юкламоқда эди. – Шуларга урмай, сўкмай сурувди йўлга солишни ўргатиб берсангиз, бинойи бўлади... Ҳа, келишиб олган бўсак, бизга рухсат. Сизлар бемалол дам олингизлар. Ўктамбой эрталаб Панжи билан поданинг изидан кетса, чарчаб қолмасин. Қани, омин!

Тошбой бобо ўғиллари ва келини билан чиқиб кетди. Тангриқул бобо оиласи ила ёлғиз қолди. Улар ҳужрани уйимиз деб билишса ҳам ўзларини чўлда дуч келган жойда дам олаётгандай ҳис этарди. Бу хонага йиллар давомида уйда тўшалиб турган кўрпа-тўшак ташлангани билан тошдевор ҳам, шифтда осилиб турган арча новдаси ҳам ва ҳатто жонга ора кирётган сандал ҳам мутлоқ бегона эди. Улар Хўжамулқида – Омон полвоннинг хонадониде ёки кимсасиз чўлда тин олган пайтда ҳам ўзларини бу қадар ёлғиз ҳис этишмаганди. Боз устига деразадан бир тола ҳам нур тушмаслиги ва мойчироқнинг ожиз ёғдуси уларнинг кўнглига тун зулматидан-да даҳшатли кўркув соларди. Бу оғир сукуту зулматни илк бора Элмуроднинг титроқ овоз билан берган саволи ёриб ўтди.

– Бобо, уйга қачон кетамиз?!

– ...

* * *

Икки кундан сўнг тоққа қалин қор тушди. Баъзи жойларда қор тиззага урар, бундай вақтда мол боқининг ўзи бўлмасди. Чўпонлар қўй-эчкини совуқ урмасин, деб тинимсиз юргизиб турар, аёллар эса мол озуқа олиши учун пичан ғарамларини сочиб ташларди. Бу ерда ҳам дарёнинг шамолидек изғирин совуқ жондан ўтиб кетар эди. Сурувга қараётганлар қўй ёғини гоҳ нонга булаб ер, гоҳ иссиқ ёғни ичиб совуққа бироз бўлса-да бардош берарди. Аммо кўп ўтмай изғирин ўз ишини кўрсатар, уларнинг мадори қуриб, уйда дам олаётганларга навбат тегарди. Шу тариқа улар кун бўйи навбат алмашиб, ҳам ўзларининг, ҳам мол-ҳолнинг жонини сақларди. Буни яхши билган Тошбой бобо аввал бошдан Тангриқул бобога ҳам юмуш борлигига ишора қилган эди. Шу боис Тангриқул бобо Ўктам билан ўрин алмашиб чўпонларга кўмак берарди. Юмушлар мўйсафидга малол келса ҳам бундан сира ўзини олиб қочмасди.

6 Ер мойи – нефть. У вақтларда нефть ер юзига қайнаб чиқиб қўлмак ҳосил қилган.

Зеро, унинг ва бутун оиласининг емак-ичмаги Тошбой бобонинг зиммасида эди ва улар ҳеч нарсадан зориқмасди. Фақат қор қоплаган заминдай ўзгармас кунларнинг адоғи кўринмас, бундан Тангриқул бобо ва оиласининг диққати ошарди. Қон-қариндош ва уй соғинчи ички дард каби сездирмасдан уларнинг мадорини сўриб олмоқда эди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Ойдиннинг силласи қуриб борарди. Уни дард беаёв эзар, шунга қарамасдан Ойдин бировга бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмас, ўткинчи хасталиқдир, деб жон борича ўзини ишга урарди. Ойдин юмуш билан чалғишга қанча уринмасин бари беҳуда эди. Боз устига Тошқул шўронинг совуқ нигоҳи кўз олдидан кетмасди. Шўро Менгзи-ёни олиб кетаётганда ва Тангриқул бобони излаб келган пайтда Ойдинга еб қўйгудай тикилгани унинг кўз ўнгида қотиб қолганди. Бундан Ойдиннинг дили хуфтон бўлиб ёқимсиз нарса егандай ўзини лоҳас сезарди. Тагин кўлда чўмилаётганда Тошқул уни пойлагани эсига тушар ва кўнглига соя ташлаб турган бу воқеа энди Ойдиннинг бутун ҳаётига қора бўёқ чаглаганди. Ойдин шулар ҳақида ўйлаганида эл оғзида дoston бўлган чехрасини балчиққа булашга ёки тиг билан нимталашга ҳам тайёр эди. Холбуки, Ойдин оиласининг сарсон-саргардон бўлиб юришида ўзини айбдор санарди. Ана шундай пайтда шўронинг наҳс босган нигоҳидан қутула олмаслиги унинг дилини аёвсиз эзғилаб ташлаган эди.

Яна тагин Ойдин севгидан сархуш бўлиб юрган чоғини эслар, ўша пайтда кўнглини чароғон айлаган туйғу энди юрагига буров соларди. У бу азобга бардош беролмай гоҳо:

– Ерютсин сени, Тошқул! Кўзингди кум тўлдирсин!.. Сени қошингда шайтонам уялади. Ахир, ҳар қандай пасткашлиқди чегараси бор, лекин сени қилиғинг... Худога солдим. Ўзи ҳисобингни қилсин! – деса, баъзан:

– Агар шу қилиғинг бўлмаганда яхши одам эдинг-ку! ...Кўнглимни сендан совитган Худойимга минг шукурлар бўлсин! – дер ва бу гапни биров эшитиб қолишидан чўчиб тилини тишларди. Кейин ғўр ва содда ёшлигига лаънатлар айтар, бу изтиробдан озод бўлиш учун Элмуродни бағрига босиб, боланинг кўзига узоқ термулар эди. Зеро, уни мусибатдан фақатгина гўдакнинг маъсум ва беғубор нигоҳигина қутқара оларди. Мана шундай ичкикишлар уни анчайин ҳолдан тойдирди. Бир ой ўтар-ўтмас дард кучайгандан кучайиб, Ойдин тўшакка михланиб қолди.

Ойдин туни билан иситманинг зўридан инграб чиқар, томоғидан сув ҳам ўтмасди. Марям момо унинг бошида гиргитдон бўлиб ёнидан бир қадам ҳам нари кетолмай қолди. Тангриқул бобо ҳам, Ўктам ҳам чўпонларга қарашиш учун чиқса-да, ўй-хаёли уйда – Ойдиннинг қайғуси билан эди. Унинг аҳволи жиддий эканини кўрган Тошбой бобо бу ҳавода тоғ сўқмоғидан юриш хавфли бўлса-да, ўғлини нариги қишлоқдан табиб айтиб келишга юборди.

Табиб Ойдиннинг аҳволини кўриб донг қотди. У қайта-қайта беморнинг томирини ушлаб кўриб бош чайқар, аммо ёнидагиларга бирон сўз демай, ҳамманинг диққатини оширарди. Ниҳоят:

– Тушунмадим, – деди табиб. – Дарди борга ўхшамайди. Аҳволи бўлса... Бирон ирим-амал қилиш керакдир?

– Қилмаган амалимиз қолмади. Энди бари умидимиз сиздан, – деди Тангриқул бобо.

– Қўлимдан келса, жон деб даволайман. Биз бир сабабчи, – деди табиб ўйланиб.

Ойдинга қандай даво қилишни билмай табибнинг боши қотган эди. Сўнг гиёҳ халтасидан тугун чиқариб, дориворларни саралаб:

– Булар қувват дори. Буниси шамоллашди йўқотиб, иссиғини туширади. Наригиси иштаҳани очади. Бизди билганимиз шу. Давосини Олло берсин! – деди.

Табиб дориларни қандай тайёрлаб, қайси маҳал ичириш кераклигини тушунтиргач, кетишга изн сўради. Тошбой бобо уни кузатиб қўйиш учун ташқарига чиқар экан:

– Рустамбой, – деди табибга қараб. – Келинди аҳволи тангми?!

– Очиғи, билмайман. Бояғи гапим гап. Ҳеч бир дарди йўқ. Ирим-амалдан бўлса керак.

– Сиз билмайдиган дард йўқ эди-ку, Рустамбой. Қирқ мамлакатдан келиб, сиздан даво топганларди кўп эшитганмиз, – деди Тошбой бобо унинг гапига ишонмай.

– Бизам бандамиз, бова. Билганимиздан билмаганимиз кўп... Ўзи булар ким, илгари бу ерда яшашмасди?

– Ким бўларди, кун ўтарга мол боқиб юрган чўлиқ. Илгари товнинг нариги томонида яшаркан. Аркар⁷ билан сен-менга бориб қолибди. Уям бўлса қишди кунда қувиб солибди, – деди Тошбой бобо, Тангриқул бобо ҳақидаги хабар ҳукумат одамига етиб боришини истамай. Табиб ҳадегандай бош чайқади-ю, йўлига равона бўлди.

У қирдан ошиб кетгунча Тошбой бобо табибни кузатиб турди. Сўнг Тангрикул бобонинг уйига қараб юрди. Эшик қаршисига бориб йўталди-да:

– Ўктам, – деди.

Ичкаридан Тангрикул бобо овоз берди:

– Келинг, келаберинг!

Тошбой бобо ичкарига кирганида Элмурод она-сининг ёнига ётиб олган, Марям момо косада дори тайёрлаётган эди. Тангрикул бобо уни хона тўрига таклиф этди. Улар Ойдин ноқулай аҳволга тушмасин учун унга орқа қилиб ўтирди. Бу орада Марям момо иштаҳа очадиган дорини тайёрлаб келинига ичирди. Аммо Ойдин дорини қайтариб ташлади ва қайнотасининг ўтирганига ҳам эътибор бермай, оғир уҳ торта бошлади. Марям момо унинг бошида парвона бўлиб айланар экан, Элмуродга:

– Тур, болам, бобонгди олдига ўт, – деди.

Элмурод эринчоқлик қилиб ўрнидан жилади. Борган сари ўзини янада беҳол сезаётган Ойдин базўр қўлини кўтариб, Элмуроднинг бошига қўйди ва ўғлининг иситмаси борлигини билиб қолди. Ойдин бунга Марям момога айтди. Кампир Элмуроднинг иситмасини кўриб бўларича бўлди ва овозини баралла қўйиб:

– Нима бало бўляпти сенларга?! – деди.

Момонинг бу ҳайқириғидан сўнг Тангрикул бобо ўгирилиб қараб:

– Тинчликма?! – деди.

– Энди небарангизди иситма чигибди.

Бу гапдан сўнг Тангрикул бобонинг ҳафсаласи пир бўлиб:

– Бу нимаси бўлди? – деди.

Тошбой бобо бу савол ўзига қарата айтилгандай:

– Аввалдан-охир бизда бундай дард бўлмаган.

Ана Рустамбой, ҳеч бир касали йўқ, деди. Эса, мен сизлардан паналатиб сўраб кўрдим, – деди.

Тошбой бобо бу мулоҳазаларни ажиб бир маҳзунлик билан айтarkan, Марям момо бошида ярқ этган фикрдан қувониб:

– Эсайганда эсимни жемай ўлайин, – деди. –

Буларингиз ер ойналаган-ку, бобоси!

– Ай, ишларинг тушсин... Тупроқ бормиди?!

Мариям момонинг авзойи ўзгариб, бояги қувончи йўқолди ва:

– Билмайман! Шошилганда эсдан чиққан бўлмасин-да, ишқилиб, – деди.

Чол-кампирнинг сўзларини тинглаб ўтирган Тошбой бобо ҳайратланиб:

– Ер ойналаши нимаси? Қандай тупроқ керак? – деди.

– Буям бир касаллик, – деди Тангрикул бобо.

– Одам туғилиб ўсган жойидан узоқлашса, ҳаво ўзгариб, шундай дардга жўлиғади. Одам ўзи

яшайдиган жойди бир сиқим тупроғи билан бошини ювса, дарди арийди. Бўлмаса, минг дори-дармон қисин, пойдаси йўқ.

– Эй, шўндай демайсизма? Илгари эшитганман. Пасдан олиб кеган қўйимиз уч кун ўтмай, ҳеч нарса жемай қолди. Шунда қанча йўл юриб тупроқ олиб кебедик.

– Ҳа, ана шу-да! Бу ўзи одамдаям, молдаям бўлади.

– Ойдин, тупроқ бормиди? – деб сўради уларнинг гапини бўлиб Марям момо.

Ойдин ётган жойида бошини базўр кўтарди. Хаёлини жамлаб олаётгандай атрофга жавдираб боқиб:

– Кенжа билмаса, – деди.

Марям момо унинг жавобини кутмасдан, уйни ағдар-тўнтар қилиб, буюмлар орасидан тугунга тугилган тупроқ излай бошлади. У чор тарафга аланглаб ахтаринар экан, ўша кунги ўзининг тоби йўқлиги боис Ўктамнинг ҳам, Ойдиннинг ҳам юрт тупроғидан бир сиқим олиш хаёлидан фаромуш бўлганини билмасди. Умуман олганда, улар ўша вақтда ўз жонлари билан овора эди. Аммо, шунга қарамасдан улар бунга унутиши мумкин эмасди. Негаки, Марям момо фарзандлари уйдан олисга, узоқ муддатга кетадиган бўлса, бир сиқим тупроқ-сиз жўнатмасди.

Марям момо тупроқ топишдан умидини узиб боргани сари нафас олиши оғирлашиб, ўзини ниҳоятда ожиз ва нотавон ҳис қилмоқда эди. Бунгача Тангрикул бобо ҳам ўрнидан туриб, ахтарина бошлади. Мўйсафид уйдан чиқишда бир сиқим тупроқ олиб кетгани аниқ эди. Аммо уни қаерга қўйганини эслай олмасди. Бир пайт Тангрикул бобо дарё соҳилида ўтиргани, чўнтагидан тупроқни олгани ёдига тушди. У шоша-пиша чакмонининг чўнтагини қаради. Тупроқнинг йўқлини билгач Тангрикул бобо уни соҳилда қолдириб келгани аён бўлди. Аммо чол-кампир умидини узмай ахтаринишда давом этарди.

Тошбой бобо ноқулай аҳволга тушди. У ўтираверишни ҳам, туриб кетишни ҳам билмай, аро йўлда қолди. Бу орада Ўктам ҳам совуқдан қизариб кетган қўлларига куҳ-куҳлаб кириб келди. У кўриниши билан ота-онаси бараварига:

– Тупроқ олганмидинг? – деди.

Гап нимада эканини билган Ўктам совуқ урган қўлини бир-бирига ишқалаб, уйдан жўнаш олдида ва ундан сўнг бўлиб ўтган ҳодисаларни хотирасида тиклади. Деразадан қочиб чиққанини, том устида совуқ еб ётганини, сўнг Тошқул шўро кетгач, томдан тушиб онасининг тоби йўқлигини кўргани ва совуқда қалтираб дарё кечиб ўтганини.

Буларнинг барчаси худди ҳозир содир бўлгандай кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Аммо тупроқ олганини сира ҳам эслай олмади. Улар ҳафсаласи пир бўлиб, бошини эгиб, гардани билан хонадаги оғир сукутни базўр кўтариб тураркан, Тошбой бобо:

– Шу ернинг тупроғи бўлмайдими? – деди.

Унга жавобан Тангриқул бобо оғир бош чайқаб, йўқ, ишорасини қилди. Ўктам эса:

– Қишлоққа бориб, тупроқ олиб келаман, – деди.

– Бугун кеч бўлди. Қишлоққа боришди эртага ўйлаб кўрамиз, – деди Тошбой бобо. Унинг гапи бошқаларга маъқул тушди.

Ойдин эса қишлоқ сўзини эшитиб, келинлик уйини, Менгзиёни эслади. Сўнг дарёдан кечиб ўтгач, орқага бурилиб қишлоққа сўнгги бор қарагани ёдига тушди. Ўшанда қорга бурканган қишлоқ, соҳилдаги жангалзор ортида хокисор ва ғариб бўлиб кўринган эди. Ўшандан буён уйлари ёдига тушганида беихтиёр шу манзара кўз олдига келади. Қишлоқни шундай манзарада эслаш Ойдинга шўронинг совуқ нигоҳидай азоб беради ва қайнонасининг: “Орқага қараманглар”, деган гапини эслайди.

Кечанинг бир маҳалида Ойдин оғир уҳ тортди. Барча бараварига унга қаради. Ойдиннинг ранги сарғиштоб бўлиб қолган, юз-кўзи янада сўлгин тортганди. Ойдиннинг оғир-оғир нафас олишини айтмасда, унда ҳаёт аломати сезилмасди. Унинг аҳволини кўриб, шошиб қолган Тангриқул бобо қироат билан оят ўқий бошлади. Майин ва маҳзун оҳанг билан таралаётган каломни эшитган Ойдин аланглаб атрофга қарай бошлади. Сўнг қайнонасига кўзи тушиб айбдордек нигоҳини олиб қочди. Тагин кафтини ўғлининг пешонасига қўймоқчи бўлди. Аммо қўли ҳавода титраб, ўқ еган қушдай тапиллаб тушди.

Ойдин каломни мароқ билан тинглаб оройиш оларкан, юз-кўзида ҳаёт аломати сезилмай қолди. Буни кўрган Марям момо: “Бола-ам!” деб додлаб юборди. Унинг овозидан Элмурод чўчиб тушди. Ойдин эса кўзлари олайиб атрофга аланглаб қолди. Тангриқул бобо чакки қилдинг, дегандай бош чайқади.

Марям момо набирасини турғизиб:

– Болажоним, энангди бетидан ўп, – деди.

Элмурод гўдаклигига бориб норизо оҳангда ингранди. Лекин момосининг қистови ила онасининг юзига лаб теккизди. Шу тобда Ойдин базўр кўзини очиб ўғлига қаради. Бу нигоҳда қишлоғига сўнгги марта қараганида кўнглида

бош кўтарган туйғулар жамланган эди. Айни дамда кўз олдидан энг гўзал ва бахтли дамлари бирма-бир ўтди. У аввал беғубор ёшлигини, дарё соҳилида пода боқиб юрган ўсмирлик чоғини, Менгзиё билан тўйларини ва Элмуроднинг туғилганини эслади. Ойдин буларнинг барча-барчасини бир лаҳзада кўз ўнгидан ўтказиб маъюс жилмайди ва юзида ўзгача оройиш зуҳр бўлди.

Ойдиннинг жони узилгач, Марям момо ва Ўктам овоз чиқариб йиғлаб юборди. Бундан Элмурод кўрқиб кетди. Улар боланинг аҳволини кўриб, ўзларини бироз қўлга олди. Шунда ҳам Марям момо уни бағрига босиб, айтиб-айтиб йиғлар эди. Ўктам ҳамон кўз ёши қилаётган бўлса-да, ўзини қўлга олиб, отасига юзланди:

– Мен бориб Тошбой бобомга айтиб келай.

Қиш куни қисқа, эртароқ уринайлик, – деди эртанги дафн маросимини назарда тутиб.

Аммо Тангриқул бобо ҳеч кутилмаганда қатъият билан:

– Йўқ! – деди. – Ҳеч нарса керакмас!

Унинг бу гапидан ажабланиб она-бола мўйсафидга қаради. Тангриқул бобо:

– Эртага ҳаммамиз кетамиз, – деди.

– Қаерга кетамиз, бобоси? – деб сўради Мариям момо.

– Қаерга бўларди, уйга-да!

– Қишди шу совуғида...

– Жоним ширинлик қилиб уйди ташлаб кемадим. Болаларди эртасини ўйлаб эл-хешдан айрилиб чиққанман... Булар, – дея Тангриқул бобо болаларига ишора қилиб гапида давом этди. – қишлоқди бир сиқим тупроғисиз яшолмаскан, бу яқда тентираб нима қиламан?!

Тошбой бобо ва бутун овул аҳли қанча уринмасин, Тангриқул бобони йўлдан қайтаролмади. Ахири Тошбой бобо:

– Ҳаммагайм тувилиб-ўсган жойи азиз. Ким бўмасин, жураги уйга тартаберади, – деди. – Сизга дуо берамиз... Панжибой билан Мавлон ҳамсоямиз ҳамроҳ бўлади.

Шу куни улар майитни олиб йўлга чиқди. Улар анча юриб, тоғ этагига эниб келишгач, Марям момо бепоён даштга қараб: “Дунёси шунча кенг экан, бандалари нимага ер талашади?” деди. Сўнг Ойдиннинг жасадига кўзи тушиб дарди янгиланди. Тошқул шўронинг исмини тутиб лаънатлай кетди. Шу пайт Тангриқул бобо:

– Жим! – деди. – Бировди боласини бунчалик қарғама. Тошқул нима қисин? У ўзи Худо урган

қорабовур⁸ банда бўлса! Ўзи билгичларди гапига: одам ғужурини жўғотса, боридан айрилиши чин экан. Тошқулди нимаси қолди? На мардлиги бор, на орияти! Ана, кимларди орқасидан эргашиб, кимларди пой-патаги бўлиб юрибди. Эй-ей, у шўрликди кўрган куни курсин!

Улар дарёдан ўтиб қишлоққа кириб келганида изғирин жон-жонидан ўтиб кетганидан на иссиқ-совуқни ва на оғриқни сезмай қолишган эди. Қулоқ-бурунлари совуқдан қизариб, кўкарган бўлса ҳам, чарчоқ ва мадорсизлик сабаб танасида тер кўтчиганди. Тангриқул бобо шамол пана деб Элмуродни хуржуннинг бир кўзига солиб, унинг бошқа палласига бола вазнига тенг юк жойлаган эди. Элмурод узоқ йўл давомида пўстакка ўраниб хуржун ичида ғужанак бўлиб ўтиргани боис қўл-оёғи увишиб қолди. У митти жони билан шунча азобга бардош бераман деб қарахт бўлиб қолган эди...

...Элмуроднинг кейинги умри деярли шу ҳолатда ўтди. Зеро, у ўзини жон сақлаш учун хуржун ичида пўстакка ўраниб ўтиргандай ҳис этарди. Элмурод хуржундан бош чиқариб, адоғи кўринмас қорли сўқмоққа термулгани каби йўл қараб умр ўтказди. Холбуки, вақт ўтгани сари у онасининг ўлимига кўникди. Аммо шўро олиб кетган отаси ва бобосини, кейинчалик урушга кетиб изсиз йўқолган Ўктам амакисини умр бўйи кутиб яшади. Шундай чоғларда бобоси айтганидай Тошқулнинг шўрлик бандалигига шубҳа билан қарарди. Инчинун, шўрога югурдаклик қилиб юрган Шоберди Ўктам билан бир пайтда урушга кетиб, оёқсиз бўлиб қайтди-ю, узоқ яшамади. Аммо шу сафда фронтга жўнган Тошқул шўро жангу-жадал ичида юриб ҳам бирор жойига тиғ теккизмай омон қайтди. Энди яна Тошқул шўро қишлоқ кўчасида салмоқланиб қадам ташлар, ўзини бепоён даштнинг ва, ҳатто, асов дарёнинг ҳам ҳожасидек тутарди.

Вақт ўтиб Тангриқул бобо ва Менгзиё бахши оқлангани ҳақида бир парча қоғоз қўлига теккан Элмуроднинг дилида умид ёлқинлади. У ўзича: “Отам ва бобом бегуноҳ эканини ҳукумат билибдими, уларни айбдор деганлар тўхматчилиги учун жазосиз қолмайди”, деб ўйлаганди. Аммо...

У доим оқлов қоғозини қўлига олганида отасини эслар ва совуқ ўлканинг шамоли юзига ургандай бўлар, айна чоғда дунё ноҳақлик ва ёвузликдан иборат деб изтироб чекарди.

Лекин узоқ йиллар ўтиб, Элмурод тонгда кунчиқарга қараб қуёшнинг бош кўтаришини томоша қилиб, шўронинг аччиқ қисматини эслаб, бобом

Тошқулга ҳукм ўқиган экан, деган хаёлга боришини ҳали тассаввур қила олмасди. Зеро, йиллар Тошқулга гард юқтирмай асраб-авайлаб келгани билан у кексайиб, нафснинг қора нуқси урган совуқ нигоҳи хира тортиб, қабоҳатга тўйинган вужуди шалвираб, меҳрга муштоқ бўлган чоғида қисматнинг аччиқ қамчиси бошида ўйнай бошлашини; Тошқулнинг қулоғига дод-фиғон қилаётган одамларнинг даҳшатли ўкириклари эшитилиб, бу товушлар борган сари авж олиб, чидаб бўлмас даражада чинқириққа айланишини; охир-оқибат шўронинг асаби буткул ишдан чиқиб, савдойи бўлиб қолишини; ақлдан озган шўрони болалари уйга қамаб, обрўли оила шаънига доғ тушираётган чолга емак-ичмагини панжарали дераза ортидан беришини; соч-соқоли, тирноғи ўсиб, ёввойи одамдай бўлиб қолган шўро куни билан дераза панжарасига осилиб дод солавергач, ўғли отасига қўл кўтаришгача боришини; бундан баттар жазавага тушган шўронинг томоғи буғилиб, тобора ҳолдан тойиб боришини; буни кўриб-билиб турган қишлоқдошлар шўрони қарғиш урганлигини овоз чиқариб айтолмаса ҳам ўзларича шундай хулоса қилишини-да ҳали билмасди!..

Йиллар шошқин дарёдай ўтиб кетди...

Тошқул шўронинг аянчли қисмати ниҳоя топгани ҳақида хабар тарқалгач, эрта тонгда унинг жанозасига саноклигина одам тўтланди. Йиғилганлар майит сўнгги йўлга ҳозир бўлишини кутиб туришарди. Элдан ажралиб қолишни истамай, жанозага келган Элмурод бобо ёввойи ўт босган чоғроқ ҳовлининг бир четида қишлоқдошлар гапига қулоқ тутиб ўтирарди. Одамлар телевизорда айтилган янгиликни муҳокама қилар, кеча мустақил бўлган юртнинг келгуси тақдири ҳақида сўзлашарди. Бу гаплар орасида ўтган-қайтган воқеалар ёдга олиниб, гап даромади Тошқул шўрога бориб тақалди. Улар ўлган одам ҳақида ёмон сўз айтиб қўйишдан чўчишди чоғи, бирдан жим бўлиб қолишди. Элмурод бобонинг кўз олдига яна қорли довон келди. Кейин бу азобли хотирадан буткул қутулмоқчи бўлгандек дўтписини қўлга олиб тиззасига уриб қоқди. Шу пайт бош хотиралар дувиллаб тўкилгандай чор атрофини гард қоплади. Аммо зум ўтмай гард ҳавога сингиб, ғойиб бўлди. Элмурод бобо тагин Тошқул шўронинг сўнгги йиллардаги аянчли тақдирини эслади. Кейин: “Бобом Тошқулга ҳукм ўқиган экан”, деган хаёлга борди. Айна чоғда қулоғига Тангриқул бобонинг гапи эшитилди: “Тулки инига қараб улиса, қўтир бўлади!”

Тамом.



Умида РАСУЛОВА,
филология фанлари номзоди

Халқ анъана, қадриятлари билан буюк саналади. Уни маҳв этиш миллатни таназзулга буради. Инсон ўз собит эътиқоди ила ёвузликка барҳам беради. Ўзбек халқи мустамлака зулмидан азиат чеккан даврни қоғозга тушириш мураккаб. Ёш носир Бобо Равшан чигал ижтимоий муносабатни ёритишга жазм этибди. Қиссада зиёли оила бошига тушган фожиа орқали жамият ҳолатига баҳо берилади. Муаллиф икки образ – Менгзиё ва Алпомиш қисматидаги туташ нуқтани асос қилиб ўтмиш, бугун, келажак манзарасини шакллантиришга интилади. Қиссада Тангриқул ота оиласи бошига келаятган фожиага дoston ижросининг охирига етмаслиги, кўнгилнинг аллатовур бўлиши тасвири орқали ишора берилади. Софдил бахши Менгзиё эскилик сарқити бўлган эпосни куйлаб, аксилшўровий ғояларни тарғиб этганликда айбланиб сургун қилинади. Бахши мисолида юрт ўғлонининг эрки синдирилади. Қадриятни оёқости қилган хоин Тошқул жоҳилликда Ултонтозга менгзалади. “Тарози”, “шўро” лақаби билан танилиб, ҳукумат югурдагига айланган кимса ўзининг ўзагини қирқишдан роҳатланади. Тангриқул оиласига мушкул дамда юртдошлари Қобил, Омон, Тошбойнинг мурувват кўрсатиши орқали одамийлик

улуғланади. Тошқул йигитликда эришилмаган муҳаббат қасдида Ойдинни нафақат турмуш ўртоғидан, балки юртдан айиради. Аёлнинг мусофирликда азобланиб жон бериши, гўдак Элмуроднинг сағир қолиши драматизмни кучайтиради. Менгзиё ва Ойдин жуфтлиги фожиага юз бурса-да, эл-юрт наздида эъзозланади. Муаллиф асосий фикрни халқ термаси воситасида лўнда ифодалайди:

Ўйлаб турсам сотибсан

Ҳам элингни, юртингни...

Нафси бузуқ Тошқул ўз миллатини хўрлагани, анъаналарни оёқости қилгани боис элининг лаънатига учраб телба бўлади. Асарда замон ва макон ўзгарса-да, инсон тубанлиги, жоҳиллиги йўқолмаслиги асосланади.

Воқеалар Сурхон воҳасида бўлиб ўтади. Воқеалар ривожини давомида Бойсун, Боботоғ табиатининг бетакрор манзарасини чизилади. Қиссада вақт номида рамзийлик мавжуд. Шомда Тангриқул (ота), Менгзиё (ўғил) ҳалокатига ишора берилади. Элмурод (набира)нинг тонгга эришиши осон кечмагани тасвирланади. Элмурод исмида элнинг истиқлолга етишиши, умиднинг руёбга чиқиши талқин этилади. Асар ёшларни ўзлиқни унутмаслик, қадриятни эъзозлашга чорлайди.

Қадриятларни эъзозлашга чорлов



Отабек САФАРОВ,
тадқиқотчи

Аламдан яралган асар

“Бўламан дегич эл бир-бирини ботирим дейди”. Элнинг жипслиги, бир-бирига қайишиши ҳақида бундан ўтказиб айтиш қийин. Аксини эса шоиримиз Шавкат Раҳмоннинг машҳур “Туркийлар” шеърисида ўқиймиз:

*Қирқида қирқилган – имдодга муҳтож,
Ёвларга терс қараб итлардай ҳурар,
Бир-бирига душман,
Бир-биридан кож.*

“Бир-бирига душман”лик, “бир-биридан кож”ликнинг сабаблари ҳақида айтишга ожизман, аммо халқимизнинг ўтмишида бот-бот бундай аянчли қусурларнинг бўй кўрсатгани бор гап. Бобо Равшаннинг “Шом ва тонг орасида” қиссасида мазкур алам янгилаибди...

Таъкидлаш керакки, узоқдай туюлса-да, аслида ҳали бир аср ҳам ўтмаган тарихимиздан танланган мавзуда кўп ёзилган, аммо Бобо Равшан қиссасидаги тақдирлар янги, унинг нигоҳи, ифодаси ўзгача. Муаллиф ўзбекона тутумларни, халқчил муносабат шакллари яхши тасвирлаган. Мисол учун, Тангриқул бобони кутиб олган мезбон ўғлини чақириб шундай дейди: “Ўйга меҳмон келди! Сўнг ўзинг берман қара”. Бу ердаги биргина сўз – “сўнг” отанинг айтганида бир неча юмуш борлигини – аввал онани хабардор қилиш (у эса ўз навбатида меҳмонни кутиб олишга тараддуд кўради), сўнг ўзининг келишини аниқламоқда. Яъни сўзлашда кўп чайналмайдиган оталар ҳақида ёзаётган муаллиф ҳам ҳижжалаб ўтирмайди. Тангриқул бобо тилидан айтилган “Молимиз қолиб, жонимиз бозорга тушган”, “Газандани калласидан ушлаш керак”, ёки бошқа персонажлар айтган “Қариндошнинг товуши қоронғида таниш деб келабердик” сингари ифодалар адибнинг халқона тафаккурни нозик илғашидан далолат беради. Айни пайтда ноўрин қўлланган сўз ва иборалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Тангриқул бобо бир ўринда “Бойбова, узр энди, сизди бемаҳал безовта қилдик”, дейди. Менимча, “узр энди”лар ҳозирги даврга келиб оммалашди, қиссада замониغا мос лутфлар ишлатилиши керак эди.

Менгзиёнинг терговчига бўй бермаётганидан жаҳли чиққан тилмоч унга дакки беради: “Алпомиш жон жигарингмиди, бунча тарафини оласан?” Мана, сизга бир халқнинг иккига айрилгани: бири Алпомиш тимсолида ботир ва мард оғасини кўради, бошқаси ундан осонгина тонади. Менимча, асардаги бош ғоя мана шу – миллатни миллат қилиб турувчи қадриятларнинг бой берилиши ва унинг аччиқ оқибатлари. Халқнинг маънавий устунларини маҳкам ушлаганлар тақдири билан ундан воз кечганлар қисмати ёнма-ён кўрсатилгандай.

Қиссада ташвишга ботган, илинжга муҳтож кишилар тасвири ҳам ишонарли чиққан. Масалан, Тангриқул бобо овчи билан учрашиб, унинг бир

оғизгина гапидан сўнг ортига қайтаркан, ўғлига ўхшаш тақдир эгалари ҳақида (ўғли ҳақида эмас!) эшитган-билган одам топилганидан қувониб борарди. Уйда эса “Бободан ўғли ҳақидаги хушxabарни эшитган Марям момо овчини алқаб узоқ дуо қилди”. Бедарак кетган фарзанд доғида куяётганлар учун тахминий гап ҳам қувонтирарли эди.

“Оқшом чўкиб, тўлин ойнинг ёғдуси дарчадан бутун хонага оқиб кирарди”, “Ой эса нажот кутаётган маҳбусдай панжарага юзини қаттиқ босиб турарди” ва бошқа тасвирларда манзара ўқувчи кўз олдида яққол кўринади. Аммо тасвирлаш эмас, тафсилотга берилгани учун айрим ўринларда асарнинг таъсир кучи сусайган. Дейлик, Менгзиёни Тошқул шўро олдида солиб олиб кетар чоғи муаллиф “Айни пайтда Ойдин ички бир сезги ила олдинда катта кулфат кутиб турганини ҳис этарди” дея изоҳ беради. Ҳолбуки, шўронинг тонгдан келиши, унинг “ташриф”и деярли хайрли бўлмаслиги, қолаверса, Ойдиннинг йиғиси келгусидаги недир кўнгилсизликлардан дарак бермоқда, бинобарин, адибнинг бу изоҳи ортиқчадир. Ёки “Зарифа момо билан ўғли Қобил ака Менгзиёни олиб кетган куни ҳам келиб, қариндошларига тасалли бериб кетишган эди. Бугун ҳам Менгзиёнинг аҳволи не кечгани, ундан бирор дарак бор-йўқлиги ҳақида билиш учун келишганди” каби баёнлар ҳам кераксиз, чунки қариндошларнинг ўзаро гап-сўзидан ҳам келувчилар мақсади аниқлашиб туради.

Тошқул шўро портретига оид баъзи чизгилар ҳам ишончсизроқ чиққан. Масалан, у “ҳукуматнинг куч-қудрати ёнида ўзини кучлироқ шамолда учиб кетадиган туяқориндай ҳис этарди”. Ҳолбуки, бунинг акси эмасми? Шўронинг Менгзиё (ва унга ўхшаганлар) уйига оёқ ечмай кириши, дағдаға қилиши, ўзидан ёши улуг одамларни ҳам менсимаслиги аслида унинг “ҳукумат кучи”дан куч олаётганини кўрсатмайдими? Назаримда, бундай одам “ҳукумат куч-қудрати”ни ўзига ҳам тегишли, ҳатто ўзини бу “куч-қудрат”нинг эгаси деб билади.

Асарнинг охири, хусусан, Ойдиннинг ўлими ва ундан кейинги воқеалар баёни тезлаштирилгандай туюлди. Элмуроднинг Тошқул билан дуч келиш саҳналари шўронинг қиёфаси янада тиниқроқ чиқишига хизмат қиларди.

Бобо Равшан ўз қиссасида кўрмаган замон ҳақида ёзди, аммо билмай ёзмади. У аламимизни янгилади, бироқ адибнинг истаги шуки, зора, бу янгиришдан сўнг жароҳатлар битса, ўзбўларчилик, бурнидан узоқни кўролмастик, худбинлик, зимдан чоҳ қазишлар табиатимизда ортиқ қолмаса...

Халқнинг умрбоқийлиги – униНГ тили билан

Чингиз Айтматов хулосаларидан



Дўст ёмон кунда билинади, дейишади. Менимча, уларнинг қандайлиги яхши кунда ҳам билинади.

Жуда кўп одамлар касалликлар сабаблигина эмас, ўзларини аслидагидан кўра улуғроқ кўрсатиш деган дарди бедаводан ҳалокат топадилар.

Ошқозон миядан ақллироқ. Чунки у қайт қилишни билади. Мия эса ҳар қандай чиқиндини қабул қилиши мумкин.

Муҳаббат бу – ўзингни бошқа одамда йўқотишдир.

Эрнест Хемингуэй менга болалигимдан катта таъсир кўрсатган... Жаҳон адабиётидан Маркес, Жойс ва Пруст ижодимга яқин. Ўзимизнинг ёзувчилардан эса – Фозил Искандар.

Улуғ қирғиз адиби. “Биринчи муаллим”, “Эрта қайтган турналар”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Сомон йўли”, “Момо ер”, “Алвидо, Гулсарин”, “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар”, “Қиёмат”, “Асрга татиғулик кун”, “Касандра тамгаси”, “Қулаётган тоғлар” каби асарлари машҳур. Китоблари ададига кўра, дунёда энг севиб ўқиладиган ўн адибнинг бири. Ёзувчи Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” (1995), “Буюк хизматлари учун” (1998) орденлари билан мукофотланган.

Халқнинг умрбоқийлиги – унинг тили биландир.

Элчиликни кўптчилик айёрона иш деб тушунади. Йўқ, мен ҳамиша очиқ-ошқора, самимий йўл тутаман. Агар қинғирлик йўқлигини, кўнгил тозаллигини ҳис қилиб турса, одамлар сизга албатта ишонади. Менимча, инсоний ва дипломатик алоқалар ўрнатилишида менга айнан шу сифат жуда қўл келган.

Катта адабиётда умрбоқий мавзулар акс этиши керак.

Оммавий маданият қанчалик куч-қудратли бўлса, унга шунчалик жиддий қарши курашиш керак. Бунга янги бадиий қадриятларни яратиш ва борларини асраб-авайлаш билан эришилади.

Ҳар бир янги эгалланган тил ҳар қандай одамнинг бебаҳо бойлигидир.

Мен барчага – фарб-ликларга ҳам, шарқ-ликларга ҳам бирдай тааллуқли мавзуларга қўл уришни истайман.

Тоталитар шароитда қалб чанқоғимизни мутолаа қондирди, оғриқларимизга малҳам бўлди.

Реал ҳаётда севги-муҳаббат муносабатлари йўқ бўлиши мумкин. Аммо унинг фантазиямизда, тасаввуримизда борлиги катта аҳамиятга эга. Албатта, бу ижод учун ҳам катта туртки беради.

Замонавий жамият ўта мўрт. Ҳамма нарса универсаллашган глобализация замонида миллий маданиятлар жуда кўп жабҳаларда имкониятини бой беряпти. Бу манқуртликка олиб келиши мумкин. Барча миллий маданиятлар битта тоталитар оммавий маданият сиқуви остида қолиши эҳтимоли бор. Демократик тамойиллар бизни тараққиётга олиб боради ва қўрқув-хавотирлар амалга ошмайди, деб умид қиламан.

Чинакам ўқувчи китобни қўлига олгач, ўзини кашф этади, ўзидаги илоҳий истеъдодни – ҳамдардлик, одамийлик истеъдодини юзага чиқаради. Агар баъзи-баъзида шу ҳол юз берадиган бўлса, демак, китоб ўз ишини бажарибди – бошқаларнинг фикри, туйғуси, орзуси ва хатти-ҳаракатига айланибди. Демак, у ўқувчиларнинг интилиши ва иродаси билан нималардир қила олади – халқ, ҳаёт ва дунёни яхши томонга силжита билади.

Идеал аёл деганда мен ҳамиша зиёлилик даражасини биринчи ўринга қўйганман. Ақлий салоҳиятини ҳам, албатта. Умуман, идеал босқич-ма-босқич, узоқ ва кўп сонли кузатишлар асосида шаклланади.

Тез оловланиб кетишдан, бировни айблаш ва жанжал кўтаришдан ўзимни тияман. Доим оғир-босиқ бўлишга интиламан.

Деярли ҳар бир асаримда мифологик мавзуларга мурожаат қилганман. Чунки у жуда бой манбадир.

Улуғ адибларнинг асарларида катта куч бор. Уларни очаркансан, улар ҳам сендаги қирраларни очади.



Рус тилидан **Ориф ТОЛИБ**
таржимаси

Сўзлар менинг кўзиумдир...



Шермурод СУБҲОН

1966 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ) да ҳамда Истанбул
университетида таҳсил
олган. “Ўзбек модерн
шеърляти” баёзи
(ҳаммуаллифликда), “Сокин
сўз суврати” шеърлий
тўплами, “Шеърлят иқлими”
номли илмий мақолалар
ва таржималар китоби чоп
этилган.

умримнинг ҳар лаҳзасин
ўлчаб борар вақт
дақиқа сайин
сониялар кечади
ўнгу сўлимдан
одимма, одим...

одим отаркан
бўлиб бораман
йўлни иккига
ортда қолар вақт
дақиқа сайин
соллаганча қўл...

отланаман чоғлаб
ўзимни йўлга
гарчи
юрган сари
узаяди йўл
қисқаради
тобора умр

номинг кечади
қай бир қўшиқда
бирок
садо беради
менинг қалбимда
янграган қўйи дук-дук...

вақт сенга керак
сен вақтга эмас
иши йўқ вақтнинг
ташвишинг билан
огримас боши

бари сенга оид
сен туфайли барчаси
остин чизган жумла –
сатрларимнинг

шеър – тарк этиб ҳар тонг
кеча тагин
қайтган уйимиз
сира кеча олмаган...

ухлади деб ўйларсиз балки
йўқ туш кўрмоқдаман
ўнгим давомин

айт
етаклай қаён
сенсиз бўм-бўш юракни

билмадим
буларни сенга айтишининг
ҳожати борми
бор бўлса айтай
на замон
на маконни танлар
келса гар илҳом

хабар олгани чиқар гўё тонг отиб
ҳар саҳар биздан
дераза оша...

шеър битаркан ё
ирод этаркан нутқ
айтаркан ё дабдуруст
ё айлар ишора
чархлайман обдон
фикр дамини
мисли бир қилич
ялт-юлт порлаган

шеър миҳлаб қўяр бизни хонага
чиқиб кўринг-чи
қўярмикан дард
нафас олмоққа
қўтармоққа бош

шахмат доналари каби
тизаман-да ҳарфларни
олдинга сураман сўнг сўз
фикрларимни
гарчи бунда
ортга қайтмоқ йўқ



сўзлар менинг кўзгумдир
боқиб тўймаган...

сигарми бу тун
ойнинг ярим кўнглига

шимолий қутбдаман
ҳар ёним жануб

ҳаёт ўйинин бошлаган менман
битиргай мамот

ёлғиз ёлғиз эмас
соясси бор унинг ҳам

истеъфога чиқар шом
қуёш тонггача

етиб бўларми тонгга ҳеч уйғоқ
соқит қилмай бошдан уйқуни

нима қўйсам экан шеър –
дардим отини

ҳа ёт эмассан менга-да Ҳаёт



"Кўнглим кўшикида кўхлик кўҳинур"



Содиқ НОРБОВ

1982 йили туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Адабий-илмий мақолалари билан матбуотда қатнашиб келади.

I

"Аёзнинг кўройдин тунда Ой жунжикиб турибди беҳол...". Кўчадан тезлик билан ўтаётган якка-дуikka машиналарнинг шовқинини ҳисобга олмаганда мудраб ётган катта шаҳарнинг яқин-олисларда ёниб турган чироқларига боқар эканман, ўз-ўзидан ана шу шеъррий мисралар ёдимга келди. Бу сатрларни пиширлаб-шивирлаб такрорлар эканман, хаёл олис-олисларга кетди. Қор қоллаган кенг дашт, изғирин увиллаётган қаҳратон қиш кечаси ва юлдузларни туманга қорган кулранг осмонда аёздан жунжикиб беҳол турган Ой... Кўз олдимда намоён бўлган бу манзара мен сингари, эҳтимол, кўпчилик учун танишдир. Лекин ана шу ҳолатни ўзига хос ўхшатишлар билан қоғозга тушириш учун шоирга савқи табиий истеъдод билан бирга шоирона синчков нигоҳ керак бўлади. Ой образи адабиётда кўп қўлланилади, кўглаб шоирларнинг кўглаб шеърларида асосан чиройнинг бир тимсоли сифатида тилга олинади. Аммо бу шеърда унинг жунжикканча беҳол туриши, халқона ибора билан айтганда, "осмондаги ой" ҳақидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартиради, инчунун, шеърят деб аталмиш оламнинг сирли дунёсига ошно тутинтиради. Шоирнинг маҳорати ҳам, назаримда, ана шунда кўрилади. Бу каби мулоҳазаларни ўйлай-ўйлай шеърнинг давомини ўқиб фикрингизга шундай яқун ясайсиз: "Суқунатнинг сокин унида Бунга ташбех топмоқлик маҳол".

II

Бу синиқ руҳимни тикламоқ бўлиб,
Фариштам, такрорлаб азиз номингни.
Чиллада баҳорга илҳақ қуш каби
Қўмсайман руҳафзо табассумингни.
Бу мисралар умид билан қараётган, яшаётган одамнинг ичидаги яширин дарди. Эътибор беринг-а: бечора шодлик юракни тарк

этганига анча бўлган. Сахродек қуп-қуруқ қалбга тинмай ҳасрат уруғини қадаётган сукунат йиллардек судралиб ўтган лаҳзалардан кўзларга соғинчдан либослар кийдирган. Синиқ руҳни тикламоқчи бўлиб азиз номни “фариштам” дея суюб-эркалаб қайта-қайта такрорлаётган лирик қаҳрамон қаҳратон қиш чилласида баҳорга илҳақ қуш каби унинг руҳафзо табассумини кўмсайди. Шоир чилла билан баҳорни бир пайтда қўллаш орқали ажойиб ўхшатмани яратган ва шу билан унга илҳақ қушни боғлаб рамзийлик ҳам юклаган. Умуман олганда, Сирожиддин Рауф шеърлятида кўнгил тортиб, кўнгил суюб ўқийдиган шеърларни кўплаб топиш мумкин.

III

*У ҳам ҳамма каби оддий бир одам,
Бировдан кам эмас, бировдан ортиқ.
Дунёга келганда Яратган эгам
Лек шоир юрагин айлаган тортиқ.*

Бу – Сирожиддин Рауфнинг ўзига таърифи, аслида. Қадим Насафда дунёга келган ижодкор Яратган эгамнинг тортиқ айлаган шоир юраги билан дилбар шеърларни битиб, ўтган асрнинг 90-йилларида адабиётимизга кириб келган бир гуруҳ истеъдодли тенгқурлари қаторида муносиб ўрнига эга бўлди. “Йиғлаётган ой”, “Кўк гумбаз”, “Сиз менга кераксиз”, “Ташриф” сингари шеърый тўпламлар муаллифи бўлган шоир, устози Эркин Аъзам таъбири билан айтганда, бировларнинг лафзидан тушиб қолган сийқа туйғуларни такрорламасликка ҳаракат қилиб, кўнглидаги теран дардни шоирлик ишқи билан теран шеърлятга айлантрииб, ўқувчиларга тақдим этиб келмоқда. Сирожиддин Рауф шеърларини ўқиганда мана бундай бетакрор ўхшатишларга кўп бора дуч келасиз:

Сен кетдинг,

*Булбулнинг кўзидек ёғду топмадим,
Шабистон кўнглимни ёритмоқ истаб.*

Жондай азиз қадрдон инсонининг кетиши билан киши ҳаётида, руҳиятида бўлган умидсизлик кайфияти, айни пайтда, муҳаббати шоир томонидан маҳорат билан кўрсатиб берилган. Энди шу ҳолат билан боғлиқ воқеликни кўз олдингизга келтиринг: бу алғов-далғов ҳаётнинг қайсидир чорраҳасида учраб, Умр деб аталмиш йўлнинг маълум бир манзилигача бирга борган, лекин шу вақт ораллиғида кўнгил қадрдонига айланган инсон кетди. Унинг ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб кетганини билган кўнгил шаби-стонга айланган. Уни ёритмоқ истаган эгаси, қарангки, булбулнинг кўзидек ёғду тополмайди.

Одатдаги мезонларга амал қилмаган, қофияси ҳам жойида бўлмаган бу шеърни ўқир эканмиз, бетакрор мисраларнинг ҳаётий мазмун ва жозибига эга эканини ҳам англаб, шоирни инсон руҳиятининг мусаввири дегимиз келади.



IV

*Дунё кенг,
Унга енг
Бўламан дема.*

Бу ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, яхши-ёмонни кўриб одаму олам ҳақида фикрлаётган инсоннинг мушоҳадаси, қараши. Панд-насихатга ҳам ўхшаб кетадиган сатрлар қисқа-сочма бўлса-да, унинг моҳиятида катта маъно мужассам. Чиндан ҳам, дунё кенг. Унинг кенглигини қарич билан ўлчаб бўлмайди, географик нуқтаи назардан олганда дунё “суврати салмоғи Куванинг анорича бор Ер шари” (Абдулла Орипов). Фалсафий дунё эса умуман бошқа дунё. Не-не тўфонлару суронларни, улуғлару буюкларни, марду номардларни, кўйингки, неки бўлса барча-барчасини кўрган бу дунёга енг бўламан дейишнинг, даъво қилишнинг ҳеч қандай нафи йўқ. Зотан, орифона битикларда айтилганидек, бу дунё бевафо. Шоир ана шу бевафоликни одатдагича айтиб-ёзмайди, бошқача ракурс билан кўрсатиб беради.

Ҳа, инсон бу кўҳна дунёнинг меҳмони. У туғилгандан бошлаб ҳаёт учун курашади, умри давомида завқини ҳам, дардини ҳам тотати, йиллар эса буларни одамнинг ўзига билдириб-билдирмаган ҳолда сувратию сийратига муҳрлаб бораверади.

*Дўстим тимсолида
Ўйчан боқади
Сочига оқ тушган болалик.*

Сирожиддин Рауфнинг илк китоби ва илк шеърлари чоп этилган газеталардаги суратларига қарасангиз, ҳаётга, келажакка чанқоқ кўз билан қараб турган қоп-қора, жингалак сочли йигитни кўрасиз. Шоирнинг ўша даврда ёзган шеърларида ҳам ёшликка хос кўтаринкиликни, муҳаббатни сезасиз. Унинг бугунги сувратига қарасангиз, ўша қора сочларга оқ қиров инганига гувоҳ бўласиз, шеърлари ҳам мушоҳадали, ҳикматомуз.

Аёвсиз йилларнинг киши ташқи қиёфасига, бинобарин, фикрлашига, дунёқарашига таъсир кўрсатиши бор гап. Шоирнинг “Ташриф” номли навбатдаги китобида “Уч томчи” сарлавҳаси остида чоп этилган учликларни ўқир экансиз, бунга ишонч ҳосил қилиб, унинг дадиллик, айна пайтда кўнгил амри билан ёзаётгани, ижод қилаётганини сезасиз.

V

“Филфак”да ўқиганимизми ё бўлмаса табиатан романтик кайфиятга мойил бўлганимиз учунми, кўпчилигимиз шеър айтишга, шеър ўқишга ва... шеър ёзишга қизиқар эдик. Ҳар кимнинг ўзи яхши кўрган шеъри, шоири бўларди. Жасур Усмон деган бир сабоқдошимиз ўтирган-турган жойида ҳам Шавкат Раҳмон шеърларидан айтаверарди. Шундай давраларнинг бирида кимдир мана бундай ажойиб шеърни ўқиб қолди:

*Киприкка илинмас уйқунинг тўри,
Узун тун кўксимда орзиқиш, ҳовур.
Хаёлинг ҳабибим то тонгга довур,
Субҳидам сезилар ҳасратнинг зўри.*

*Офтоб гамзасида мужда кўринур –
Рўёни чилпарчин қилган ҳақиқат.
Сен – кўнглим кўшикида кўхлик кўҳинур,
Ўнгимми-тушимми, тарк этма фақат!*

*Зеро, ишқ сўқмогин бор-йўғи жафо,
Ундан юз ўғирмак хурофот, бидъат.
Ошиққа ҳамиша тахайюл раво.*

*Умидвор кўнгилда боқий муҳаббат,
Ишқсиз умр гариб, диллар бенаво.
Мудом ўйимдасан, илоҳий талъат!*

“Киприкка илинмас уйқунинг тўри, Узун тун кўксимда орзиқиш, ҳовур”. Ёниқ бу мисралар кейинчалик тилларда тақрорланиб, дилларга кўчди. Шундан кейин жуда кўпчилигимиз бу сонет орқали Сирожиддин Рауф деган истеъдодли шоирни ўзимиз учун кашф этдик.

Мен бу ерда бежиз ўзимиз учун деган гапга урғу бераётганим йўқ. Сабаби, Сирожиддин Рауф

номи анча йиллар олдин шеърият, адабиёт муҳибларига яхши таниш бўлган. Бир пайтлар яхшигина шеърий муждалари билан кўзга кўрина бошлаган, ҳозирги кунда эса шеъриятимизнинг иқтидорли вакиллари сифатида эътироф этиладиган Фахриёр, Иқбол Мирзо, Зебо Мирзаева, Рустам Мусурмон сингари шоирлар қаторида у ҳам бор эди. Биз буни ўша пайтларда фақатгина сиртдан билардик, Сирожиддин Рауфни сиртдан танирдик. Шундан кейин англадикки, Сирожиддин Рауф бир-биридан дилбар шеърларнинг, содда қилиб айтганда, эгаси, расмийроқ айтганда эса, муаллифи экан.

“Шеър дегани мана бундай бўпти-да!”. Фикримча, шеърларининг мана шундай эътирофга сазовор бўлишини чин дилдан истамайдиган шоир бўлмаса керак. Тўғри, ҳақиқий шоир биров ёки ўз манфаати учун шеър ёзмайди, Яратгандан берилган тенгсиз истеъдод уни ҳамиша ижод қилишга ундайди. Аммо истеъдодни ўз вақтида ва борича намоён эта билиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун эса шоирлик ишқи билан бирга, юқорида айтганимдек, теран дард, шоирона синчков нигоҳ керак бўладики, буни Сирожиддин Рауфнинг шеърларида ҳам кўрардик, ҳайратланардик, “Шеър дегани мана бундай бўпти-да”, деб қайта-қайта ўқирдик, баҳсга киришардик.

*Заминнинг мўйлари – қатор тераклар
Кўкка бармоқларин ўқталган тунда,
Ой чачвон-булутни йўқотиб қўйиб,
Ҳижолат чекканча қимтинар. Шунда!..*

Кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтди. “Умр – йўл деб айтмишдир башар, Жим борурмиз қай томон бошлар”. Сирожиддин Рауфнинг бу шеърларини айтиб юрган бизлар ҳам талабалик билан хайрлашиб, умр – йўл деб катта ҳаёт сари отландик. Шоирнинг айрим битиклари ҳали ҳам хотарамизда сақланиб қолгани, шеърларидаги туйғулар умримиз давомида кўнгил кечинмаларимизга ҳамоҳанг бўлаётгани ҳам рост...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам Сирожиддин Рауфнинг “Сиз менга кераксиз” тўплами сўзбошисида ўзини ҳам, ёзганларини ҳам қадрлайдиган шоир иниси, шогирдига “ижодкор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам аллақачон суяғи қотиб улгурган” деган баҳони берган эди. Устозидан ўтиб, биз шогирдлар нима ҳам дея олардик: Сирожиддин ака, чиндан-да, ҳам ижодкор, ҳам инсон сифатида аллақачон ўз ўрнини топиб улгурган. Бу ўрин ҳеч қачон йўқолмасин.

Ғафур ҒУЛОМ

Йигитларга

Йигитлар халқларнинг мақтовви-кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, қўргон саломат,
Қизлар кулгусида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига
Бир бутун замонни алишсанг арзир.
Арзир, ўз йигитнинг қадами учун
Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.


Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг
Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар...
Расо қоматингиз бизга асодир,
Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз, ахир, ўлимни юртдан қочириб,
Ҳаётни пойидор қилган аскарсиз.
Сиз, ахир, улуғ юрт иқболи учун
Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Лаънати галалар ердан суприлди,
Муқаддас ва ҳалол қонингиз билан.
Янги жаҳон учун асос кўйдингиз
Ўлимни билмаган жонингиз билан.

Атомлар қуввати пок қалбингизда
Ва сиздан қутади тақдирин жаҳон:
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.





Бир хил, лекин зид тушунчалар

Кўпчилигимиз индивидуал таълим деганда, янгидан пайдо бўлган ёки қайсидир чет эллардан кириб келган, гўёки бизга бегона бир тизимни тушунамиз. Репетитор деганда эса, кўз олдимизда фақат олий ўқув юртига кириш учунгина ўқувчини тайёрлаб берадиган шахс гавадланади. Лекин репетиторлик дегани фақатгина ўқишга киритиб қўйиш дегани эмас-ку?!

Аслида репетиторлик бу – индивидуал таълим. Ва бу таълимнинг асоси ўзимизнинг қадим маданиятимизга, таълим-тарбия услубларига бориб тақалади. Лекин унинг бугунги кўриниши индивидуал таълимнинг ўзи эмас, биров ўзгарган, “айниганроқ” кўриниши дейиш мумкин... Бунга сабаб ҳар икки томон мақсадининг айролиги, яъни илми толиб бир амаллаб ўқишга кириб олишни ўйлаши-ю, репетитор моддий масалага чалғишимикан? Аммо шу аниқки – жуда қизиқ – орамизда репетиторлик қилиб бойиб кетган одамни ҳали учратганимизча йўқ. Лекин фақат бойишни ўйлаб репетиторлик қилаётганлар етарлича топилади. Илми сотиш (билим бериш эмас – айнан сотиш) билан бой бўла олмаслик масаласи эса алоҳида мавзу...

Шахсга йўналтирилган таълим, индивидуал ёндашув, сўзимиз аввалида айтганимиздек, халқимиз учун янгилик эмас, аслида. Ахир, таълимнинг бундай тури бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Фақат уни бизда биров бошқачароқ – устоз-шогирдлик дейишади!

Демак, ҳали мактабга чиқмаган фарзандингиз бораётган “Почемучка” ёки “Билагон болажон” ўқув маркази – аслида индивидуал ёндашув!



**Дадахон
МУҲАММАДИЕВ**

1989 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультетини
тамомлаган.
Республика ёш
ижодкорларининг Зомин
семинари иштирокчиси.

Мактаб ёшидаги ўғил-қизингиз қизиқишига қараб қайсидир ўқитувчисининг олдида дарсдан ташқари бориб туриши – шахсга йўналтирилган таълим!

Бирор хунарга қизиққан йигит ёки қизнинг турли тўғаракларга қатнаши ёки айнан бир устознинг этагидан тутиши – устоз-шогирдлик мактаби!

Лекин бир жиҳат аниқки, устоз-шогирдлик деган тушунча репетиторликдан фарқли равишда беғараз, беминнат бўлади. Унда асосийси пул эмас, аксинча, маънавий камолот ва меҳр-оқибат устун туради. Мана бу – бир хил тушунчанинг бир-бирига зид кўриниши...

Устозимнинг нуқсонини кўрсатма...

Хўш, меҳр-оқибат ва маънавий камолот устун бўлган устоз-шогирдликнинг ҳам чегараси борми? Биз устоз деганда нимани тушунамиз, ўзи? Ишда, ўқишда, ижодда бу қай кўринишда керак бизга?

Устоз деган тушунча бугунга келиб бирмунча ўз моҳиятини ўзгартиргандек, назаримда. Бугун соҳамиздаги ўзимиздан катталарнинг деярли ҳаммасини устоз деяверамиз. Авваллари эса бу тушунча бироз бошқача бўлган. Инсон ўзи каттиқ меҳр кўйган, мукамал деб ўйлаган зотнигина устоз деб билиб, унга қўл берган. Чиндан ҳам унга эргашмоқчимисан? Чиндан ҳам унинг йўлидан бормоқчимисан? Чиндан ҳам шу киши сенга бутун ҳаётингга керакли тўғри йўлни кўрсата олади, деб ҳисоблайсанми? Шу саволларга ичингда “Ҳа” деб жавоб берсанг, шундагина устоз-шогирдлик маънога эга бўлади. Ҳа, устоз – шогирд наздида мукамал шахс. У учун ўрнак, намуна. Баъзан дуоларда эшитиб қоламиз: “Эй Худо, менга устозимнинг нуқсонини кўрсатма”, дейишади. Мана, устозга ҳурмат!

Савол туғилади: бугун устоз деганда мушкул ишимизни битириб берадиган, фақат бир ташвишимиз бўлгандагина йўқлаб борадиган кишини тушуниб қолмаяпмизми? Хўш, бундай пайтда устоз қандай йўл тутиши керак? Балки, бирровчи шогирдни қўллаб юбориши ўринлидир. Ахир, шогирдни суяб, юксалишига кўмак беришдан савобли иш борми?! Лекин устозликнинг моҳияти фақатгина суяшдан иборат эмас-да.

Айтайлик, шогирд бир мушкул вазиятда қолди. Устознинг бир сўзи ёки ҳурмати шогирдни ана шу вазиятдан чиқариб кетиши мумкин. Лекин устоз шогирдининг ҳолатини чуқур ташхис қилмаса, унинг хатоларини ўрганиб, керакли йўл-йўриқ

кўрсатмаса, муаммосини осонгина ҳал қилиб берса, бу ҳолат такрор-такрор юз беравериши мумкин. “Мен сенга балиқ бермайман, қармоқ бераман – истаган пайтинг ўзинг балиқ овлайсан” деган сўзнинг ҳикмати шу ерда аён бўлади. Яъни, муаммонинг бир марталик ечимини эмас, унга йўлиқмаслик йўлини кўрсатган устоз чинакам мураббийдир.

Шогирд-чи? Фақатгина моддий манфаат риштаси билан устозига боғланган кишини ҳақиқий шогирд деб бўладими? Ўрни бўлса-бўлмаса, устозига мақтов ёғдириб, унга янада яхшироқ кўрингиси келадиган толиб афзалми ёки ортиқча сўзамолликка берилмасдан устоз ўғитларига бекаму кўст амал қиладиган, унинг юриш-туриши, илму аъмолидан жимгина сабоқ оладиган шогирдми?

Баъзан устоз ва шогирд қарашлари зид келиб қолган вазиятда қандай йўл тутиш керак? У ишми, ижодми, ақлий ёки жисмоний меҳнатми, қандай кўринишда бўлмасин, ҳар ким ўзини ҳақ деб турган ҳолатда вазият зил кетмаслиги, устоз-шогирдликка путур етмаслиги учун ҳар икки томоннинг тутуми қандай бўлиши зарур?

Хуллас, саволлар кўп. Уларнинг жавобини ҳам бир қадар биламиз. Ҳамма гап уларга амал қилишда. Хоҳ устоз бўлайлик, хоҳ шогирд – ҳурмат ва иззат қоидасига хилоф иш тутмасак, ўзаро ҳамкорлик самарали бўлади.

Шогирдлик масъулиятли

Маълумотларга қараганда, француз ёзувчиси Ги де Мопассан коллежда ўқиб юрган вақтларида бадиий ижодга, шеър машқ қилишга қизиқиб қолади. Ундаги истеъдодни сезган онаси ўғлини ёшлиқдаги дўсти – таникли адиб Гюстав Флоберга шогирдликка беради.

Флобер жуда қаттиққўл ва ўта талабчан устоз бўлиб, қарийб ўн йил мобайнида Мопассаннинг ёзган асарларини чоп эттиришга рухсат бермайди. Мопассан ҳам устозини бениҳоя ҳурмат қилгани ва унга ихлос кўзи билан қарагани, энг муҳими, унга ишонгани учун раъйига қарши бормайди. Унинг устози ҳақидаги хотираларининг ўзи бир устознинг шогирдга берган таълимидек салмоқли. Флобер Мопассанга нафақат адабий маҳорат сирларини ўргатади, шунингдек, уни Эмиль Золя, Альфонс Доде, Иван Тургенев ва бошқа замонасининг етук ижодкорлари билан таништиради. Ниҳоят, Мопассаннинг илк асари эълон қилинганида Флобер: “Бу асар даҳо адиб қаламига мансуб...” дея эътироф этади.

Қаттиққўл, талабчан устознинг эътирофи бу! Лекин бу эътирофга эришиш учун Мопассан қандай меҳнат қилганини, машаққат чекканини бир Худою бир ўзи билган бўлса, ажаб эмас.

Хўш, бугун бизга устозимиз шундай талаб қўйса, рози бўламизми? Асаримизни ўн йил эмас, ўн ой босишга рухсат бермаса, сабримиз, тоқатимиз етадимми? Тан олайлик, агар шундай қилса, орамизда ё устоздан ёки ижоддан воз кечадиганлар оз эмас.

Кўпчилиكنинг номидан гапириш ноўрин, албатта. Ҳар кимнинг кўнглида бир иқрори, хаёлида бошқалардан сир тутадиган ўз ҳақиқати бор. “Ахир мен...” ёки “Ахир у...” деб бошланувчи гаплар билан ўзимизни оқлай бошлашимиз ҳам бор гап...

Устоз отангдан улуғ...

Авваллари “Устоз отангдан улуғ” деб айтиладиган мақол сўнгги йилларда озроқ таҳрир қилинди: “Устоз отангдай улуғ”. Ва бу кўпни кўрган инсонлар томондан изоҳланди ҳам: “Ахир, ота дунёдаги энг улуғ зот. Устоз ота қатори кўрилса ҳам, улуғ шарафга ноил бўлади. Ҳар қанча муқаррам бўлмасин, устозни отадан баланд қўймаслик керак. Ота – рози, Худо – рози, деган гап бежиз эмас...”. Албатта, биз бу фикрларга тўлиқ қўшилаемиз. Чиндан ҳам, отанинг шаъни, мақоми жуда улуғ. Лекин мақол шундай санъатки, у муболағаси билан гўзал. Ахир, мақолу матал, эртақларимизу топишмоқларимизнинг барчаси муболағага асосланган эмасми?! Муболағаси бўлмаса, унинг оддий гапдан фарқи қолмайди-ку. “Устоз отангдан улуғ” дейилганда асло Отани пастга уриш эмас, Устозни баланд кўтариш мақсад қилинган. Ва бу мақолни аввало оталарнинг ўзи ижод қилиб, муомалага киритган бўлса, ажаб эмас. Шу боис ўз қадрини, ўрнини яхши билган бирорта ота бу мақолни эшитганда нафсонияти оғримайди.



Аксинча, ўғлини устозга топшираркан, “Эти – сизники, суюги – бизники”, дейди камтарлиги тавозе билан.

Ривоят қиладиларки, бир киши мантиқ илмидан сабоқ олиш учун ўз даврининг етук олимга шогирд тушибди. Бир неча йиллик ўқиш-ўрганишдан сўнг мустақил бўлиш, фотиҳа олиш ниятида дастурхон ёзиб, устози ва бир неча кишини чақирибди. Меҳмонлар орасида Шайх Саъдий ҳам бор экан. Суҳбат орасида шогирд устози ва отасини бир мавқега қўйиб:

– Менинг икки отам бор. Улар мени шу даражага етказди. Бири ўз отам бўлса, яна бири устозим, – дебди.

Шунда Шайх Саъдий ҳазилнамо қилиб:

– Устозни “отам, отам” деган билан иш битмайди.

Аслида устоз отангдан улуғдир. Зеро, отанг сени осмондан ерга олиб тушган бўлса, устозинг сени қаро тупроқдан осмон авжига кўтарди, – деган экан.

Фикрларимизни қоғозга тушириш асносида, хаёлимизга юқоридаги ривоятга ўхшаш “Бир куни шогирд устозидан сўради...” деб бошланувчи ривоятлар эса тушади. Телевизорда кўрганларимиз – устоз ва шогирд мулоқоти бирдан хаёлимизга келади. Китобларда ҳам шу каби ривоятлар берилар экан, бир муаллим ва бир неча толибларнинг эмас, айнан бир устоз ва бир шогирднинг савол-жавоблари, ўзаро мулоқоти келтирилади. Яна ўша гап: бизда азал-азалдан устозлар ҳар бир шогирд тарбиясига алоҳида, индивидуал ёндашган...

Бир устозу бир шогирд

Ибн Синонинг устози, деганда хаёлимизга биринчи навбатда турли фанларни ўқитган ўқитувчилари келадими ёки ўзи ихлос қўйган Нотилийми?

Берунийнинг, Хоразмийнинг, Навоий ва Машрабнинг ҳам ҳаётида, шубҳасиз, ниҳоятда катта ўрин тутган ягона устоз бўлган. Эҳтимол, биз бугун уларнинг номларини тўла билмасмиз, лекин улар Ибн Синонинг буюк ҳақим, Навоийнинг улуғ шоир, Берунийнинг зукко олим бўлишида муҳим ўрин тутган.

Тарихда бугунгидай таълим тизими ва услублари бўлмагани, шарт-шароит замонлар оша юксалиб борганлиги бор гап. Лекин кўплаб даҳолар, буюк кашфиётчилар жамоавий таълим ортидан алоҳида, индивидуал таҳсилга интилганлари ҳам ҳақиқат. Нима, уларга жамоада, тенгдошлари орасида илм олиш қийинми? Ёки ўқитувчини (устозини) бошқалардан қизғонишган деймизми? Жавоблар орасида ишончлироғи – бу

ҳолат жамоавий таълим олиб бўлгандан сўнг бошқаларнинг бўйи етмайдиган чўққиларни забт этиш истаги билан боғлиқ бўлса керак. Ҳа, арава тортадиган тойнинг қарови бошқа-ю, улоқ чопадиган тойчоқнинг тарбияси бошқача бўлади.

Йўқ, тарихда ҳам, ҳозир ҳам жамоавий ва индивидуал таълимнинг ўз ўрни бор. Фақатгина шўролар даврида шахсга йўналтирилган таълим, яъни айнан устоз-шогирдликка кўп эътибор берилмаган. Фақат жамоавийликни тан оладиган бу тузумда ҳамманинг бўйи бир хил бўлиши шарт эди – бўйи баландлар, керак бўлса, тиззаси ё елкасини букиб юрсин! Шукрки, бугун таълим тизимидаги ўзгаришлар туфайли яна устоз-шогирдлик анъаналари тикланиб, истеъдодли ёшларга алоҳида имтиёзлар яратилляпти. Лекин бу жараёнда устозларимизга лозим даражада яқинлаша оляпмизми, деб ўйлаб қоласан киши.

Бу ерда гап ҳамма биладиган ўқитувчи-талаба эмас, айнан меҳр ва ихлос устунлик қилувчи устоз ва шогирдлик ҳақида кетяпти.

Юқоридаги фикрлардан жамоавий таълимни кераксиз тизимга ўхшатиб қўймадикмикан, деган андишамиз ҳам йўқ эмас. Аслида иккаласи ҳам ўз ўрнида керак! Умумий билимларни эгаллаш, фикрни эркин айта олиш, ижтимоий шаклланиш, дунёқарашни кенгайтириш жамоавий таълимнинг асосий мақсади ва бунинг ўрнини бошқа ҳеч бир тизим боса олмайди.

Аммо мактаб, коллеж, институтда олинган баҳолар кишининг ақлий қобилиятини кўрсатиб бермаслиги ҳам бор гап. Баҳолар, мақтов ёрлиқлари – умумий билимнинг нисбий мезон, тарозида ўлчанган ҳолати, холос. Аммо айнан шу йўл орқали янада чуқур илм йўлига – индивидуал таълимга ўтилади. Бир сўз билан айтганда, жамоавий таълим истеъдодли ўқувчи учун товланиш, ўзига ишонч ҳосил қилиш майдони бўлиб, юксак марралар сари олтин кўприк вазифасини ўтайди.

Кейин эса ўзинг танлаган йўлда сени ҳар томонлама тарбия қиладиган, сенга қанот бағишлайдиган Устозга эҳтиёж сезасан. Ким бундай устозни топган бўлса, ундан бахтли инсон йўқ. Истеъдодли ва қобил шогирдга йўлиққан Устоз ҳам саодатлидир...

Нурли силсила

Айтайлик, болалигидан информатикага, компьютерга қизиққан бола ахборот технологиялари бўйича институтга кирди. У таълимни умумий фанларни ўқишдан бошлайди. Кейин махсус фанларга ўтади. Институтнинг юқори босқичла-



рида эса муайян, тор мутахассисликка кўпроқ урғу қаратилади.

Ўқиш асносида барча талабаларини бир кўз билан кўрган устоз битириш чоғида битта ё иккитасини танлаб олиб, ўз соҳасига йўналтиргиси, у билан алоҳида ишлагиси келади. Нима учун? Чунки унинг тийнатида яширинган истеъдод чўғини илғаб, бу чўғни ёрқин алангага айлантиришни зарурлигини ҳис қилади. Шу боис илмий иш қилмоқчи бўлганларга ҳам аниқ устоз – илмий раҳбар тайинланади. Бу бежиз эмас. Боболаримиз “Пирсиз муриднинг қўлидан шайтон тутади” деганларида айнан устозсиз шогирднинг турли йўлларда адашиб, сарсону саргардон бўлишини назарда тутганлари аниқ. Яъни, умумий таълимдан сўнг хос таълим бошланади ва бу таълим, энг аввало, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, ихлос асосига қурилади.

Бугун ахборот технологиясими, маданият, спорт, адабиёт ёки техниками, ўз соҳасида юксак натижаларга эришаётган ёшларнинг муваффақиятлари билан танишаркансиз, улар билан мунтазам ишлайдиган, тергаб-назорат қилиб турадиган устози борлигини кўрасиз. Қайси соҳада устоз-шогирдлик тизими яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша соҳада истеъдод эгалари порлаб чиқаётганини кўришимиз мумкин.

Устоз – бергувчи, шогирд – олгувчи. Вақтида келганда, бу аксиома ўзгариб, устоз – олгувчи, шогирд бергувчига айланади. Яъни, ҳақиқий устоз машаққатли меҳнатлари эвазига шогирдининг муваффақият меваларини териб ола бошлайди. Ўз навбатида шогирд ҳам Устозга айланиб, янги авлод орасидан ўзига муносиб издошларни ахтаришга тушади. Бу нурли сила абадул абад давом этади. Шундай силага кириш, муносиб бўлиш барча устозу шогирдларга насиб этсин, деймиз...



Ёндафтарда қолган сатрлар


Бу йил Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор (1907–1968) таваллудига 110 йил тўлди. Ўзбек халқининг ардоқли адиби ўздан нодир бадий дурдоналар қолдирди. Унинг роман, қисса, ҳикоя ва комедияларида халқимизнинг оғир ўтмиши, ўзбекнинг тўлақонли қиёфаси, руҳияти профессионал қалам билан акс эттирилди. Адиб умрининг сўнгги ўн йилида яшаган, ҳозирги Юнус Ражабий кўчасида жойлашган ҳовли уй 1987 йили музейга айлантирилган. Музей фаолияти дастлаб ёзувчининг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорова бошчилигида иш бошлади. Шундан бери Абдулла Қаҳҳор уй-музеи муттасил равишда фаолият юритиб келяпти.

Музей архивида сақланиб қолган ёзувчининг дастхати билан ёзилган кундаликлар, хатлар, асарларининг қўлёзмалари (“Ўтмишдан эртақлар”, “Зилзила” қиссаси (“Зилзила” тугалланмаган қисса), “Нурли чўққилар” ҳикояси, “Ташвиш”, “Аяжонларим” комедияси, ўнлаб публицистик мақолалар қўлёзмалари) Абдулла Қаҳҳор ижодини янгича йўналишда ўрганиш ва талқин этишга йўл очди. Адиб кундаликлари уч алифбо орқали – эски ўзбек ёзуви, XX аср бошидаги лотин ва кирилл ёзувида ёзилган. Абдулла Қаҳҳор кундаликларидаги қайдлар тизимли, батафсил воқеалардан иборат эмас. Улар қисқа-қисқа қайдлар шаклида бўлиб, ёзувчи ҳаётини кузатувларини, руҳий изтиробларини, адабиёт, жамият, адабий жараён ҳақидаги хулосаларини ихчам шаклда қайд этиб борган. Бу қисқа қайдлар баъзан ҳикоялар, адабий мақолалар, комедиялар матнига татбиқ этилган. Баъзан бадий асарлар учун ҳамиртуруш вазифасини ўтаган.

Ҳурматли муштарий! Бугун Абдулла Қаҳҳорнинг турли йилларда умумий дафтар, блокнотларга ёзиб қолдирган қайдларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Юқорида эслатганимиздек, бу қайдларни Абдулла Қаҳҳор фақатгина ўзи учун ёзган. Кенг китобхонлар оммаси ўқишини назарда тутмаган. Бироқ, шунга қарамасдан, шахсий битиклар замирида ўқувчиларга катта маънавий наф, фойда бўлгани учун, қолаверса, улуғ адиб ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиришини инобатга олиб, уларни эълон қилишга жазм қилдик. Эски ўзбек ёзувидаги қайдларни адабиётшунос Отабек Жўрабоев табдил этган.

Ҳозирги ишингда санинг илминг ҳам йўқ, арзон тақачиликдан бошқа ҳунаринг ҳам йўқ; аҳволинг шу бўлса, сал кунда ёшларнинг оёғи остида қолиб кетасан. Адабиётда Шуқурлар, Ўткирлар, Учқунлар пайдо бўлган. Шуларнинг оёғи остида қолиб кетасан! Сени ҳеч ким кўтариб ололмайди, ўзингни ўзинг кўтарасан, унда сенга қийин бўлади! Мўмин Кофирлар замони адабиёти қолиб кетди, бугун Пиримқуллар, Одиллар, Саид Аҳмадлар адабиёти! Ҳусниддин Шариповлар, Эркинлар, Абдулла Ориповлар, Гулчеҳралар, Ойдин Ҳожиевалар адабиёти! Танқидда Озод, Умарали, Қўшжоновлар бош кўтарган!

1960 йил



Бизда галати одамлар бор, мен буларга тушуна олмайман. Булар нима учун ўзларича янги алифбе тузиб, бунга ўзбек талаффузида йўқ товушларни киргизиб, тилни шу алифбега мувофиқлаштиришига тиришади? “Ц” бизда йўқ товуш. “Х” русларда йўқ товуш. Рус бунинг ўрнига базўр “кс” ишлатади ва “Марх”ни “Маркс” ёзишади. Бизнинг тилчилар нима учундир “Цирк”ни “Сирк” ёки жуда лозим бўлса “Тсирк” ёзишни гуноҳ ҳисоблашади! Модомики “Ц”ни “Тс” билан алмаштириши номаъқбул экан, нима учун “Ц” ҳам олинмайди? “Бориц”ни “Борич” ёзиши ҳам гуноҳ эмасми?

“ь”ни олишипти. Ўзбек сўзида бунга сира ўрин йўқ. Рус сўзларини тўғри ёзиши учун олинган бўлса, демак, она тили дарсини аввал рус тилидан бошлаш керак. “ь” (') ўрнида олинса бошқа гап эди. Ўз вақтида дарё, санъатда ишлатилар, нобуд бўлмас эди.

Биздаги “Ж” – Дж, яъни шу икки ҳарфдан келиб чиққан эмиш! Илмий текшириши! “Д” неча ҳарфдан келиб чиққан эмиш?

Булар тилга мувофиқ алифбо тузиши ўрнига, тилни ўзлари ўйлаб чиқарган алифбега мувофиқлашдирмоқчи. Булар хайрият ҳам фалакиётга аралашмайди, йўқса ўзларича жадвал тузиб, қуёшга “шу жадвалга мувофиқ тутилсан” дейишар эди. Булар сарф, наҳв, имлога ҳар хил “илмий” номлар қўйишипти. Шуларга оид ҳамма атамаларни русчадан олишипти. Ажабо, ўзбек тили русча ўқитиладими! Гапни қаранг: “Синтаксиснинг знакларидан скобка, точка, ковычкаларни кўпинча ўз ўрнида қўйишмайди”!

Бу арабчиликка қарши эмиш! “Нуқта”, “қавс” арабларга хатлаб ўзи бериптими! “Протокол” араб сўзи десангиз, қайси рус ишонади? “Педерат (ҳатто федерат)га олганим йўқ” деганда “педерат” сўзи русча эканлигига ҳозир қайси ўзбекни ишонтира оласиз? “Чой” хитойча, “чойнак” русча-хитойча, “қув” муғулча, “гул” форсча, “ҳозир” арабча. Шуларни бузмасдан ўзича, ўз имлоси билан ёзиши керак, деган даъвонинг кераги борми? “Чойқонши”ни ўзича, ўз имлоси билан ёзиб кўринг-чи!

1944 йил, 25 август.

Вақтида болта кўтариб одам овлаган ҳукуматнинг ўзи-ю, энди бу жинойтини одамларга тўнкаёттипти: Усмон Носир ҳалол одам экан-у, уни одамлар чаққан эмиш.

Ҳукумат ҳамма гуноҳларини шунақа юваёттипти.

Отилганлар, кесилганлар оқлана-ёттипти, лекин булар кимнинг чақуви билан ҳалок бўлгани айтилмайди.



Тошкентга кетишда аям ирим қилиб мени кузатмади. Дадам станцияга кузатиб чиқди.

Тошкентга тушишинг билан бир пиёла қатиқ ич, туз, бир чимдим турпоқ егин.

1925 йил

...Темир қозикдан ном-нишон қолмапти, бироқ фил яна 100 йил темир қозик атрофидан нари кетмаган экан. Фил – жонивор, ақл-онги йўқ. Биз нега Сталин қоқиб кетган темир қозик атрофидан йироққа кетолмаймиз?

Ҳозирги адабиётимизни обод қилиб турган Асқад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий, Шукрулло, Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом, Пиримқул, Рамз Бобоев, Шухрат, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир, Туроб Тўла сингари ёзувчилар адабиётга очилмай ҳазон бўлган ёзувчилардан анча – 10-15 йил кейин кирган!

Ёзувчилик ҳунари тўғрисида сўз борганда талантни биринчи ўринга қўймайдиганлар ҳам бор. Ажаб, нима учун талантсиз одам ашула айтолмайди, ўйинга тушолмайди, расм чизолмайди-ю, ёзувчи бўлиши мумкин?

Дуруст, талант – уруғ, холос, уни ундириш, кўкартириш, ундан ҳосил олиш учун аввало замин, ундан кейин меҳнат, яна меҳнат керак. Лекин меҳнатнинг самарали бўлиши учун ҳаммадан бурун уруғ керак-да!

Диққатларингизни тортмоқчи бўлганим нарсалардан бири шу.


Мамлакатимизнинг ичкарасида, ташқарисида кўммунизм гоёсини бебурд қилиб қўйди.

Пропагандаимизнинг бурди кетди.

Назариямиздан одамларнинг ихлоси қайтаёттипти.

Филология фанлари номзоди
Марҳабо Қўчқорова нашрга тайёрлади.

Болаларга китоб ўқиб беринг



Америкалик невролог олима, адиб ва илм тарғиботчиси Марианна Вулф жаҳон олимлари орасида “Пруст ва кальмар: тарих ва мутолаа қилаётган мия тадқиқотлари” (“Proust and the Squid: The Story and Science of the Reading Brain”) асари билан танилган. Муаллифнинг “Hamburger Abendblatt” ва “Suddeutsche Zeitung” газеталарига берган интервьюлари асосидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола қилияпмиз.

– Ҳозир кўпчилик, айниқса, ёш болалар маттни экрандан ўқишга ўрганиб қолди. Сиз эса мана шундан хавотирдасиз. Нега?

– Рақамли воситалар, айтайлик, интернет маттни юзаки ўқишга бизни ўргатиб қўйди. Биз ниҳоятда улкан ҳажмдаги ахборотларни иложи борича тез суръатларда қабул қилиб олишга интиламиз; гоҳ электрон почтамизни назоратдан ўтказишимиз, гоҳ фейсбукдаги саҳифаларни кўздан кечиришимиз керак; гоҳ сайтлардан сайтларга саёҳат қилишимизга тўғри келяпти. Диққатимиз эса тутундай тарқалиб, тўзғиб кетяпти. Китоб бўлса бунинг акси – у бизга диққат-эътибор билан ўқишимизга имконият яратади, олган билимларимиз хотирамизда қолади; китоб ўқиш жараёнида алоҳида сўзларга, ибораларга эътиборимизни қаратиб, диққат марказимизда тутиб тура оламиз, турли сўз бирикмаларига, жумлаларга, сўзлараро уйғунлик ва алоқаларга эътибор қиламиз – миямиз бундан фақат роҳатланади, билсангиз...

– Наҳотки? Қандай қилиб?

– Китоб ўқиётган лаҳзаларда одамнинг миясидаги аввал бир-биридан йироқда бўлган, ажралиб қолган асаб хужайралари жипслаша бошлайди, тамомила янгича тузилма (структура)ларни вужудга келтиради.



Марианна ВУЛФ

“Знание – сила” журналининг
2016 йил 11-сонидан
Музаффар АҲМАД
таржимаси



– Мана шу жараённи батафсилроқ тушунтириб беринг, илтимос...

– Миямиз “репрезентация” (намойиш) ҳолатида турибди, дейлик. Орқа миядаги ҳудудлар фаолияти туфайли, биз бир пайтлар кўрган, эшитган ёки ҳис қилган таассуротларни бир-бири билан боғлай оламиз, уларни янги ахборотлар билан тўйинтираемиз, шу аснода ҳужайраларимиз жипслашади. Китоб ўқиётган лаҳзаларда миямизнинг кўриш билан боғлиқ қатламларига кўрганларимиз – ҳарфлар, сўзлар ҳақидаги сигналлар етиб боради. Бу қатламда мана шу сигналларни қабул қилиб, шу аснода ўзлари ҳам фаоллашиб оладиган тузилмалар мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги “jat” сўзи ўзининг асл маъноси – “мармелад”, “жем” маъноларидан ташқари, хотирамизда “music jat” мусикий ором ёки тиқилинч йўл, кўчалардаги машиналар тизими маъносидаги “traffic jat” тасвирини ҳам етказди. Матнни ўқиш жараёнида маъноларнинг уйқашиб, бир-бирини тақозо қилиб келишини ҳис қиляптисми? Матн экрандан ўқилганда эса мана шу маънолар аралашиб, асосий маъно тушунилмасдан қолиб кетиш ҳоллари кучаяди.

– Бош миядаги янги нейронал алоқалар фақат болаларда, улар ўқишни ўрнаётган лаҳзаларда шаклланадими?

– Йўқ, бу ҳодиса катта ёшлиларда ҳам содир бўлади. Бу нарса қатор-қатор илмий тадқиқотларда ўз исботини топган. Масалан, олимлар бир гуруҳ кишиларни синовдан ўтказдилар, уларда адабиётга оид таълим йўқ эди, кам мутолаа қилардилар. Тадқиқот иштирокчиларига адабий асарларни кўпроқ ўқиш тавсия қилинди. Уларнинг ҳаммасиям топшириқни бажаравермаган, албатта. Аммо (шуниси қизиқ!) томо-

график тадқиқотлар шуни кўрсатдики, адабий асарларни кўп мутолаа қилган одамларнинг бош миясида янги нейронал алоқалар, жипслашишлар содир бўла бошлаган ва миялари аввалгидан кўра фаоллашган, яъни ривожланган; топшириқни бажармаганлар (китоб ўқимаганлар) миясидаги ҳужайралар эса аввалги ҳолатда қолиб кетаверган.

– Китоб мутолаа қилганларнинг мияси бундан қандай наф кўрган?

– Қаранг, биз китоб ўқиётган пайтимизда мутолаа сайин она тилимизни чуқур ўргана борар эканмиз. Бу пайтда бизнинг сўз захирамиз кенгайиб, жумла тузиш лаёқатимиз такомиллашар экан, энг мураккаб ва нозик маъноларни ҳам чуқур англаб етишга қобиллашиб борарканмиз. Китоб мутолааси бизни чуқурроқ ва фойдалироқ ўйлашга ўргатар экан. Тажрибали китобхонларга разм солинг, улар матнни тушунибгина қолмайдилар, балки тушунтириб-изоҳлаб беришга ҳам, матнга танқидий нуқтаи назардан ёндашишга ҳам мойил бўладилар. Китоб ўқишнинг яна бир фазилатли томони – мутолаа инсонга ҳаяжон бағишлайди, вужудимизга эзгулик нурларини сингдиради, қачонлардир бошдан кечирган, бизга таниш ҳиссиётлар билан қайта учраштиради, мутолаа қилган инсон маънан бойийди. Болалар китоб ўқимас экан, адабий қаҳрамонларнинг кечинмаларидан бебаҳра қоладилар, “қиссадан ҳисса чиқаролмай”, фикрий қолоқлик ботқоғига ботадилар, мушоҳада юритиш имконлари чекланади. Бу маҳдудлик, биқиклик инсоннинг ўзини чеклаб қўяди.

– Китобни интернетдан бўлса ҳам, ўқияптисми-ку ахир, бунинг нимаси ёмон? Ўқиш бўлгандан кейин ҳаммасиям ўқиш-ку...

– Тўғри. Лекин инсон интернетдан ўқиётган пайтда вақт омили уни елкадан босиб туради. Яъни, биз интернетда ўтириб ҳамма ахборотни шоша-пиша қабул қилиб олишга, миямизга чала-чулпа тиқиштиришга ўрганиб қоламиз. Шунинг учун ҳам, ҳаммасини ўқидим, тушуниб етдим, билиб олдим, деган ҳиссиёт вужудимизга сингади. Илгари одамлар китоб ўқиш учун кутубхонага махсус тайёрланиб, машаққатлар чекиб етиб борар, бутун диққат-эътибор мана шу юмушга йўналтирилган бўларди. Ҳозир эса бутун кутганларингизни интернет уч секунд ичида олдингизга чиқариб қўяди, машаққат-заҳмат чекиб юрмайсиз. Фарқини ҳис қиляптисми – қийналмасдан эришилган билимлар бир зумда учиб келади-ю кетади, миянгизга, хотирангизга жойлолмай ҳам қоласиз..

– Демак, болани ўқишга ўргатиш мобайнида ҳам матн маъносини тушуниб ўқишга, ҳам ўқилганларни таҳлил қилиб, хотирага жойлаб ўқишга ўргатишимиз керак экан-да?

– Албатта-да, ҳамма гап мана шунда. Фарзандларимиз қандай интеллектуал қобилиятларга эга эканликларини билиб олишимиз жуда муҳим. Уларни теварак-атрофдаги нарсаларга қараб беҳато йўналиш олишга, ахборот ва маълумотларни самарали таҳлил қилишга ўргатишимиз зарур.

– Сиз, мана, интернет одамларни шошилишга мажбур қилади, олган ахборотларимиз хотирага чала ўрнашади ё ўрнашмасдан учиб кетади, деб ёзғиряписиз. Ўқиладиган матн эса кўп, ҳаммасини кўриб чиқишга, хотирага жойлаб олишга эса вақт йўқ, улгурмаймиз. Шошилишимиз балки шундандир? Интернетнинг ўзи замондаги шиддаткорликни, суръатни акс эттириб, бизни тезликка ундаётгандир?

– Мен сизларга ўз бошимдан кечган бир ҳолатни гапириб берай. Тажрибамдан ўтган. Интернет менинг хулқ-атворимни қанчалар ўзгартириб юборганини айтмоқчиман. Мен ҳозир шеърый китобларни кам мутолаа қиладиган бўлиб қолдим. Матнни, мураккаб романни ўқишга чоғланаётим, яна ўйланаман: бунинг ўқиб чиқишга вақт қайда энди? Кўрдингизми, вақт масаласи елкамдан босиб, шу саволнинг ўзи мутолаага йўл қўймапти... Бунинг ўрнига фалон-фалон ишларни қилиб олишим керак, деган ҳиссиётни кўнглимга қуйган – интернет. Ҳатто компьютердан узоқлашган пайтларда ҳам мана шу ҳиссиёт мени тарк этмаётир. Демак, бир менда эмас, ҳаммадаям аҳвол шу. Интернет – жамиятимизнинг қора ўраси, сизу бизнинг вақтимизни ямлаб-ютиб борапти.

– Биз китоб ўқимай қўйдик, дейлик. Мана, интернет бор, шундаги матнни ўқиб олсам, шунинг ўзи етарли деб юрверсак, унда нима бўлади?

– Инсон мияси азалдан ўқиш учун мосланмаган эди. Миямизнинг турли ҳудудларидаги хужайраларни жойлаштириб, бирлаштириб, мутолаага масъуллик қиладиган “бўлинма” яқин-яқинларда пайдо бўлди, шу “бўлинма” да мутолаага масъул бўлган махсус нейронал тармоқ шаклланди. Бу тармоқнинг аъло даражада, идеал ишлайди, деб бўлмайди, аслида. Лекин шуниси аниқки, матн ичига чуқур кириб боришни

истасак, миямизнинг иккала яримшаридан тенг фойдаланишимиз керак. Агар матнга лоқайдгина, шоша-пиша, чала-чулпа, юзаки қарайдиган бўлсак – мен интернетнинг бизга ўргатган ўқиш техникасини назарда тутаяпман – миямиз ҳам бефарқ-лоқайд, “тепсатебранмас” бўлиб қолади, ярим кучини сарфлаб, истар-истамас ишлайдиган бўлади, яъни ўзидаги бор ресурслардан тўлиқ фойдалангиси келмасдан ишлай бошлайди. Мана, интернетнинг “каромат”и.

– Дўстлар билан кечадиган суҳбатлар пайти олинган ахборотлар мутолаа ўрнини боса оладими?

– Баъзан шунақаям бўлади. Лекин бу суҳбатлар ҳам кўпинча шунчаки турмуш иқир-чиқирларидан, чала-ярим таассуротлардан иборат бўлиб қолади-да, шу томони бор. Мутолаа пайтида биз китоб ичига кириб, ўз хаёлларимизга бемалол эрк беришимиз, бизни ўйлантираётган нарсалар ҳақида обдон мулоҳаза юритишимиз мумкин. Хаёл эса чегара билмайди: гоҳ ўзимизни қотил деб тасаввур этишимиз, гоҳ шоҳ, гоҳ гадо бўлиб “кун кечирини”имиз мумкин. Интернетдаги кўз югуртиришлар, чала-чулпа, юзаки ўқишлар бизнинг хаёлан қилаётган “парвоз”ларимизни чиппакака чиқаради.

– Сиз айтаётган ҳолатлар қоғоз китобларни мутолаа қилиш пайтидагина юз берса керак. Электрон китобларни (мен интернетни назарда тутаяпман) ўқишдаям шунақа ҳолат юз бермайдими?

– Биз қоғоз китобларни ўқиганимизда қандай ижобий ҳиссиётларни бошдан кечирсак, балки ҳозир ёшлар ҳам – болалигидан компьютер ва планшетларга тикилиб ўрганган авлод ўша ҳолга ошно тутинар, балки. Қоғоз китобга тикилиб, шундан завқ туйган катта авлод, яъни бизлар электрон китобларни ўқиганда ўша завқли онларни, ҳаяжонларни туймаймиз, электрон китоблар ичига сингишиб кетолмаймиз. Умуман, мутахассис олимлар мана шу масалаларни махсус тадқиқ қилиб, хулоса чиқарсалар яхши бўларди: бунинг сабаблари нимада эканлиги, қоғоз китобни ўқигандаги завқ-шавқ, лаззатлар қандай-у, электрон китоблар мутолааси пайтида одамда қандай ҳис-туйғулар уйғонади, уйғонадими-йўқми ўзи – мана шуларни бир аниқлаштириб берсалар яхши бўларди.

– Мутолаанинг келажоғи қандай бўлар экан? Шулар ҳақдаям фикр билдириб ўтсангиз...

– Электрон ахборот воситалари ҳаётимизга жуда чуқур сингиб борапти, ёш авлод гўдаклик-

даноқ электрон асбоб-ускуналар орасида ўсади. Улар янги-янги технологиялар орқали информацияларга эга бўлар экан, ўша олинган билимлар биз қоғоз китоблар орқали олган билимлар каби хотираларида сақланиб қоладими-йўқми? Мана бу – бош масала! Менинг фикримча, болалар интернет билан чекланиб қолмаслиги керак, уларга қоғоз китобларни ҳам ўқиб беришимиз зарур. Ҳозир янги технологиялар кириб бормаган ер йўқ, бу борада унинг имкониятлари жуда катта. Бугун жаҳонда 100 миллион болакай мактабда бўлиш имкониятидан маҳрум, улар кўчада тентираб юриб кунни кеч қилишади. Эҳтимол, компьютер технологияларининг имкониятларини уларнинг саводини чиқариш, билимли-маърифатли қилишга сафарбар этса бўлар?

– Бу технологияларни ҳаётимиздан, кундалик турмушимиздан ҳайдаб-супуриб чиқаролмаймиз. Шундай экан, нима қилиш лозим?

– Ҳозир ҳаммамиз учун муҳим масала бу – ўрта йўлни топиб, мувозанатни сақлаш... Нима қилиш кераклигини ўйлаб, бир хулосага келиш, қарор чиқариш учун ҳам вақт керак, сокинлик керак, хотиржамлик керак. Интернет деганлари – шовқин-суроннинг уяси, унга кирдингизми – хотиржамлик йўқ, ниманидир излайсиз, ниманидир топиб, енгил-елпи ўқиб ўтасиз, ёдингизда қолдими-қолмадими, бу ёғи билан ишингиз йўқ, бармоқлар мунтазам ҳаракатда, у сайтга сакра, бунисига ўт... ва ҳоказо. Биз-ку китоб ўқиб тарбияланган авлодмиз, интернетга тикилиб ўтириб ўсаётган авлоднинг келажаги нима бўлади? Уларнинг хотирасига, миясига нималар ўрнашиб қолади, тарбияси нима бўлади, кўнглида нима гап, кайфияти, хулқ-атвори, маънавиятию маданияти нима бўлади – мана шулар ҳақида ҳамма-ҳамма ўйлаши керак.


– Бола тарбиялаётган, парвариш қилаётган одамларга нималарни тавсия қилган бўлар эдингиз?

– Менинг ота-оналарга маслаҳатим ҳозирча шу: “Уйингизда китоб кўп бўлсин, кўпдан-кўп қоғоз китоблар бўлсин, жавонларингиз китобга тўлиб турсин! Болангиз беш ёшга тўлгунча ҳар куни кечқурун китоб ўқиб беринг, уларнинг қулоқлари сиз талаффуз қилган сўзларга қониб ўссин! Агар улар улғайиб, ёшлари каттарган бўлса ҳам, китоб ўқиб беринг, ўқинг, ўқинг”.

Мен иккала фарзандимга ҳам китоб ўқиб, ўқитиб ўстирдим. Бири ўн ёшга, иккинчиси ўн икки ёшга тўлгунча китобни ўзим ўқиб берардим. Мана бу сўзларни қулоғингизга қуйиб олинг: қулоқдан кирган сўз, овоз бола миясининг ривожига жуда катта аҳамиятга эга. Агар сиз ўзингиз компьютерга ёпишиб олиб, ундан бери келишни истамасангиз, билингки, болангиз ҳам компьютерга ёпишиб ўсади, ундан нари кетмай қолади.

Интернетнинг макригиёҳи шунчалар ўткир, шунчалар жозибадор, болангизни эҳтиётлаб-эҳтиётлаб ўргата бормасангиз, кейин кеч бўлади. Бунинг оқибати нима билан тугагини ҳали ҳеч ким билмайди. Яхшиси, болага китоб ўқиб бериб, бошқа ишларга қизиқтириб, чалғитиб, компьютер сабоқларини эса оз-оздан, кам-камдан бериб бориш мақсадга мувофиқдир. Фарзандларингизнинг болалик даври компьютерга қурбон бўлиб кетмасин!





XX аср ўзбек болалар адабиётини Қуддус Муҳаммадий ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Устоз шоир турли жанрларда самарали ижод қилиши билан бирга, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаши билан ҳам адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган. У киши билан кечган сермазмун учрашувларни ҳамиша дилда ҳаяжон билан эслаб келаман.

Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий билан биринчи марта ҳозирги “Тонг юлдузи” газетаси таҳририятида кўришган эдим. Бу даргоҳда кўпдан менга қадрдон бўлиб қолган дўстларим Абдусайд Кўчимов, Ҳамза Имонбердиев, Шохрух Акбаров, Рустам Рўзиматов каби ўз касбининг фидойилари ишларди. Шу боис тез-тез қатнаб турардим. Бир гал борсам, ажойиб шоир укам Ҳамза Имонбердиев хонасида машҳур болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ўтирибди, денг. Ҳаяжонланиб кетдим. Саломлашиб, чеккадаги стуллардан бирига қимтинибгина чўқдим.

– Қуддус бобо, бу акахонимиз ҳам шоир, Бўстонликнинг Товоқсойидан Ҳамидулла Муродов бўладилар, – таништирди бизни Ҳамза.

– Яхши, шоир болам, яхши. Ҳамидуллажон Бўстонликдан экан-а!.. Нақ табиатнинг, шеъриятнинг ичидан-а!..

*Мактаб остонасидан
ҳатлаган ўғил-қизлар савод
чиқариб, ҳарфни ҳарфга
уриштириб ўқий бошлар
экан, энг олдин болалар
шоирларининг, хусусан, Қуддус
Муҳаммадий асарларини ўқиб,
шеърни танийди, адабиётга
ошно бўлади.*

Мен “ҳа” дегандай бошимни қимирлатаман. Улкан шоиримиз салобати босдимми, ё уялдимми, гапира олмайман. Қуддус бобо ўзи сўзни давом эттиради:

– Бу деганим, шоир болам, юртингиз Бўстонликнинг турган-битгани мавзу, ёзилмаган шеър: дарахти дейсизми, ўт-ўлани дейсизми – шеър, ҳайвонот дунёсими – шеър, уларни сўзлатиш Сиздан, болам...

Қуддус бобонинг сўзларига дастлаб тушунмай тураман, кейин бу ўғитлар мағзини чаққандай бўламан, юзларимда мамнунлик балқийди.

– Тушундим, устоз!..



– Тушунсангиз яхши, шоир болам! Ёзаман десангиз, мавзунинг ҳаммаси ўзингизда. Изла-сангиз топилаверади. Ҳамма гап – топгани-нгнизи ўқувчига қай тарзда етказиб беришда. Биласиз, ҳозирги ўқувчи узун шеърларни кўпда ёқтирмайди. Болаларимизга ихчам, мазмуни чуқур шеърлар керак. Сиздан ҳам шунақа шеърлар кутаман, шоир болам...

Қуддус бобо анча гапирди, матбуотда босилган шеърларим ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Кейин бирдан Ҳамзага юзланди:

– Ҳамзахон, шу акангиз билан бир уйга ўтинглар. Бафуржа, бемалол ўтириб гаплашамиз...

Устознинг бошқа ерда иши борлиги ёдга тушдим, ўрнидан турди. Хайрлашиб кетаркан, яна таъкидлади:

– Албатта уйга ўтинг, Ҳамзахон болам билан бирга боринг. Кутаман...

Шаҳарга бир тушганимда Ҳамза Имонбердиев:

– Ҳамидулла ака, кеча Қуддус бобо таҳририятимизга келганди, “Уйга ўтмадинглар. Бўстонликлик шоир болам келиб қолса, албатта боринглар-а”, деб кетди. Бугун уйларига ўтмасак, сиздан ҳам, мендан ҳам хафа бўладилар, – деди.

Иккаламиз ака-укадай бўлиб устоз шоирнинг уйига кириб борамиз. Уйи одмигина безатилган эди. Бизни кўриб Қуддус бобо беҳад хурсанд бўлди:

– Қаршидан Саодат Тожи кел-

ганди. Бир неча кун меҳмон бўлди. Бугун эрта-лаб кетди, – деди.

Саодат Тожи – қаршилик болалар шоири, ўша пайтда битта китоби ҳам чиққанди. Ўзбекистон телевидениесининг “Шоирлар – болаларга” кўрсатувида чиққанимизда танишгандик. Қачон Тошкентга келса, Қуддус бобоникида кўним топишини ҳам билардик.

Устоз бизнинг “қўйинг” дейишимизга қарамай, дастурхон тузади, чой дамлаб келди. “Биз қўяйлик”, дейишимизга қўймади, ўзи чой сузиб узатди. Суҳбатимиз болалар адабиёти, болалар шеърляти ҳақида бўлди.

– Болалар адабиёти жадал ривожланиб бораётти. Ана, Анвар Обиджон улоқни биздан олиб, отни қамчилаяпти. Қаранг, жуда ажойиб, қисқа ва мазмундор шеърлар ёзаяпти. Мағзи тўқ, сатрлари равон, ўйноқи, болалар ёшига, дидига мос. Сизлар ёзган шеърларда ҳам шу хислатлар кўриняпти. Бу жуда яхши хол... Бугунги шоирлар ижодида қисқа, лўнда шеърлар кўпайгани яхши.

Ҳамза янги ёзилган шеърларидан ўқийди, кейин мен... Қуддус бобо шеърларимизни тинглаб, мушоҳадалаб, фикр билдиради.

– Яхши, жуда яхши. Шеърда мавзунинг тўқис берилиши мени қувнатди. Шундай ёзиш йўли-нгнидан чекинманглар... Бугунги болалар шоирлари бизнинг шеърлятдаги насиҳатбозликдан кечиб, мавзунинг тушунтиришнинг янгича йўлини танлаяпти. Бу сизларнинг ютуғингиз...

Дастурхонга қўйилган ноз-неъматлар орасида шакар борлигини сезибми, қаердандир чумолилар пайдо бўлди. Ҳатто юзимда ҳам ўрмалаётганини сездим. Ҳамза ҳам сизди, шекилли, иккаламиз худди келишиб олгандай, чумолини олиб ташлашга қўл чўзамиз.

– Кўяверинглар. Тегманглар, озор берманглар. Ўзлари тушиб кетади. Улар ҳам биз каби жонзот.

Уларнинг ҳам биз каби ўз уйи, оиласи, болалари бор. Ўлдириб қўйсақ, инсон номимизга доғ...

Шунда устознинг мактабда ишлаган пайти ёзилган илк шеърларини эсладик. Уларда ҳам она табиатга беғараз меҳр акс этиб турарди.

Ҳа, Қуддус бобо ана шундай меҳрли зот эди; атрофидаги биз каби шогирдларигагина эмас, балки она табиатнинг митти жонзотларига ҳам меҳр улашишга қодир қалби очиқ, беозор, саховатли одам эди.



Мақтабимизда устоз шоир Қуддус Муҳаммадий билан учрашув ўтказадиган бўлди.

– Ҳамидулла, Қуддус бобонгиз билан ўзингиз келишиб келасиз-да, шунга қараб кунини белгилаймиз, – деди илмий бўлим мудиримиз, раҳматли Абдураҳим Алимов.

Тайёргарлик ишлари бошланди. Тошкентга бориб, устоз билан кўришиб, учрашув кунини белгилаб келдим...

Айтилган кунни эрталаб машинада Тошкентга бориб, ўн олти қаватли Матбуот уйи биноси олдида тўхтадим. Унчалик кўп кутмадим. Шошиб келаётган устоз кўринди. Ҳаракатидан безовтароқдай, юришлари ҳам тез, илдам. Машинадан тушдим-у, ортидан етиб олишга ўзимни тезладим. Билардим, устоз лифтга кўтга чиқмасди. “Ўз оёғим билан юрганимга нима етсин”, деб кўярди. Учинчи қаватда устозга етиб олдим.

– А, шоир болам, келдингизми, юраверинг, юқорига чиқайлик, ўша ерда гаглашамиз!..

Болалар газетасининг адабиёт бўлимига кирдик. Ҳамза Имонбердиев, Сафар Барноевлар бор экан.



– Гап бундоқ, шоир болам, – деди Қуддус бобо. – Аввало узр, узрли иш чиқиб қолди. Бугун соат ўн иккиларда қизимизга тўй келадиган экан. Лекин сиз қайғурманг, учрашувингиз қолдирилмайди, фақат ўрнимга Илёс Муслим боради. Сафар акангиз ҳамроҳ бўлади. Учрашув қизиқарли ўтишига ўзим кафилман.

– Устоз, ўзингиз...

– Мен бошқа сафар бораман, бугунги учрашувга боролмаганим учун энг аввал болаларимдан узримни сўрайсиз, шоир болам.

Илёс Муслим ва Сафар Барноевни олиб қишлоққа қайтдим. Қуддус бобо айтга-



нидай, учрашув жуда чиройли ўтди, ёдда қоларли бўлди. Ўқувчилар Илёс Муслим, Сафар Барноев ва маҳаллий шоирларимиз Эргаш Туркменов, Худойберган Эрматовни узоқ вақтгача алоҳида меҳр билан эслаб юрдилар. Аммо Қуддус бобо ваъда қилган учрашув амалга ошмай, орзулигича қолиб кетди.

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий ҳам, устоз орқали танишганим, дўстлашганим Илёс Муслим ҳам, илк шеърли тўғламимнинг китоб ҳолига келишида ўз маслаҳатини аямаган Сафар Барноев ҳам, ўзимга укамдай бўлиб қолган Ҳамза Имонбердиев ҳам, маҳаллий шоирлар Эргаш Туркменов ва Худойберган Эрматов ҳам орамизда йўқ. Аммо улар менинг қалбимда, минг-минглаб китобхонлар қалбида яшаяпти. Ёзган асарлари янги-янги китобхонлар авлодини тарбияляяпти. Мақтаб остонасидан ҳатлаган ўғил-қизлар савод чиқариб, ҳарфни ҳарфга уриштириб ўқий бошлар экан, энг олдин шу ижодкорларнинг, хусусан, Қуддус Муҳаммадий асарларини ўқиб, шеърни танийди, адабиётга ошно бўлади.

Ҳамидулла МУРОДОВ,
болалар шоири

*“Тушунсангиз яхши,
шоир болам! Ёзаман
десангиз, мавзунинг
ҳаммаси ўзингизда.
Изласангиз
топилаверади.
Ҳамма гап –
топганингизни
ўқувчига қай тарзда
етказиб беришда”.*

Алибекни яхши биламан. У адабиёт кадрланадиган оилада ўсиб унган. Бобоси ва отаси филология фанлари докторлари – таниқли одамлар. Шу сабаб бу йигитнинг адабиётга меҳр қўйиши мени ажаблантирмаган. У илк шеърларини менга кўтариб келганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Бу босиқ, камгап йигит шеърлари ҳақидаги фикрларимни жиддий, оғринмай, дарс олаётгандай сидқидилдан тинглагани менга маъқул бўлган.

Унинг сизга тавсия қилинаётган шеърлари менинг кўлимга келиб тушишига эса Алибекнинг алоқаси йўқ. Журналдаги укаларим “бир аскардан шеърлар келгани”ни, уни ўқиб кўришимни сўрашди. Улар муаллиф билан танишлигимдан тамоман беҳабар эканлар.

Шеърларини ўқидим. Алибек шоир сифатида ўсибди. Юракдаги ҳис-ҳаяжонни сўзга кўчиришни уддалай бошлабди. Сатрлар эркин, табиий. Зўриқиш йўқ. Энди унинг шеърларини журналхонларга бемалол тавсия этсак бўлади. Алибек изланиш ва ўқиб-ўрганиш бир умрлик иш эканлигини ёдда тутса бўлди. Ўзини ўзи рад этиб ижод қилиш ҳам унга ҳамиша йўлдош бўлишини жуда истар эдим. Чунки ижодкор шу тарзда янгиланади.

Усмон АЗИМ,

Ўзбекистон халқ шоири



Алибек АНВАРИЙ

1994 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультетини
тамомлаган. Шеърлари
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси ташаббуси билан
чоп этилган “Биз истиқлол
фарзандларимиз” номли
ёшлар баёзига киритилган.

Юлдуздай жимирлар ҳаёт зийнати

“Казармада ёзилган шеърлар” дафтаридан

Кутубхоначи қизга

Қуролдан бўшаган қўлларим ҳорғин,
Секин тақиллатар эшигингизни.
Майин жилмаясиз. Боқасиз ёрқин.
Кўргандай бўласиз қўшигингизни.

Мен алик оламан. Ўтаман тўрға,
Жавонлар тирилар – энтикар сассиз.
Барча китобларни ёгдуга буркаб,
Қаршимда оловдай ёниб турасиз.

Токчадаги қизил – гул эмас, ҳаё,
Нафосат сирпанар қадамингизда.
Сўзласам, мўрчалар югурар гўё,
Чиннинг чиннисидай баданингизда!

Қаранг, саҳифалар аро гўзаллик!
Мана, менинг чала қолган изҳорим!
Мана, умрим учун буюк афзаллик:
Қалбимни пойига элтганим – ёрим!

Варақлар ичидан таралар ифор,
Мангу яшилликда товланар висол.
Фақат муҳаббатни тан олган баҳор
Йўлимга тўшалар пойандоз мисол.

Йўқ! Ўлиб бўлмайди бундай фараҳда,
Севинчлар карвони кетмайди изсиз.
Менинг кўнглим шу бир парча варақда,
Бир қошиқ қонимдан кечинг, ойимқиз!

Туш

1.

Тун. Казарма. Жимлик. Юз етмиш тўшак.
Юз етмиш хил ором. Яна шунча туш.
Жоним, ўнгимизда айрилиқ бешак,
Фақат тушда келар йўлларимиз дуч.

Зинҳор ўлчай олмас “Согинч” деган сўз,
Адогсиз туйғумнинг қулочларини.
Тополмам чоралар аро ташлаб кўз,
Уйғонмай яшашнинг иложларини.

Сафдошлар қолипдан кўчган гишт мисол,
Юз етмиш хил ором. Яна шунча туш.
(Улар туш кўришини билмас, эҳтимол)
Мен-чи, кафтларингдан тутаман бахтхуш.

2.

Тугмадай ечилди бедор ҳисларим,
Кўнглимни кўтарди лаҳзалик экин.
Сабодай ўйнайди сочинг ислари,
Кипригинг юзимни сийпалар секин.

На қадар тирилдим! Беҳибўйгинам,
Ўнгимдан ортиқдир бу туш қиймати.
Сенинг кўзларингда, мушфиқрўйгинам,
Юлдуздай жимирлар ҳаёт зийнати.

Нелар сўйлаганим қолмаган ёдда,
Аммо табассуминг чиқмас эсимдан.
Сенинг оҳанг каби дилтортар, содда
Лутфинг меҳр бўлиб чўгланар зимдан.

Мана, ўзимизнинг қадрдон анҳор!
Ўқ янглиз отилар ёмғир оқимга.
Ёмғирпўш остига чекинган изҳор
Ифордай қўшилиб кетар руҳимга!

3.

Тун. Казарма. Жимлик. Жами қуролдош
Гўё кўриб ётир лазиз тушимни.
Кулгичинг сеҳрига беролмай бардош,
Тушда ҳам йўқотдим ақлу ҳушимни.

Дудоқлар жўр бўлар шу он навога,
О, қўшиқ! Кечиргил... юрак қонмади.
...Посбон қичқиради: “Взвод, Тревога!!!”
Уйғонишдан бошқа чорам қолмади!

“Пайқамайди”, деб ўйлар шамол,
Кўз ёшимга туртиниб ўтди.
– У сезмайди, – деди, – телбаҳол. –
Жийда гуллар ифорин тутди.

“Шеър ёзайлик”, – имлар булутлар:
“Кўз ёшингга бўлай қофия...”
Гулдираклар кўнглимни қутлар,
Уфқ лавҳида синиқ ҳошия!

– Мени сез! – дер кескин манзара,
Саваланар бир четда ялпиз.
– Мени сез! – дер лаблари яра, –
Сезганимдек мен сени ёлғиз.

Тарновлардан оққан тарона,
Мунгига жўр бўлмогим истар.
Юрагимга андуҳ парвона,
Қоғоз-қалам олмоққа қистар.

Бир сидрага сизилар борлик,
Бир мартага поклар қалбинг.
Мен кетаман бошимни олиб,
Мен кетаман, лаҳзалар... қалқинг!

Мен кетаман, ҳайрат ҳудуди,
Тургил ортда қолмоқликка шай!
Мен кетаман, лабингдан худди
Ҳеч нарсани пайқамандай!

Интервью

Бу сигаретнинг ярмини
шамол чекди.
Бу орзунинг ярмига
армон теги.

Бу тушларнинг ярмини
ҳижрон кўрди.
Бу давроннинг ярмини
согинч сурди.

Бу ўйиннинг ярмидан
бошлади қисмат,
Бу умрнинг ярмини
яшади гафлат.

Хазарула



Нодар Думбадзе
(1928-1984)

Атоқли грузин ёзувчиси
Нодар Думбадзе ўзбек
ўқувчиларига яхши таниш.
Унинг "Нишонга тегмаган
ўқлар" ("Кукарача"),
"Абадият қонуни",
"Қўрқманг, онагинам",
"Оқ байроқлар", "Эллада"
("Hellados") каби асарлари
аллақачон китобхонларнинг
кўнгил мулкига айланган.

Думбадзе ижодига
инсонпарварлик, оқибат,
меҳр-муҳаббат туйғулари
сингиб кетган.

Рус тилидан
Миржалол МАДВАЛИЕВ
таржимаси

Ўн тўрт ёшимда биринчи марта дарахт билан суҳбатлашганим эсимда. У олма дарахти эди, худди бувим сингари аллақачон олти-мишдан ошганди. Одамлар уни Хазарула деб аташарди.

Илгари бувим ҳар қишда Хазарула олмаларидан Тбилисига олиб келарди. Эрталабки биринчи поездда шаҳар вокзалига тушар, у ердан тўғри бизникига йўл оларди. Бувимдан қишлоқнинг хушбўй, ёқимли хиди уфуриб турар, мени кўксига маҳкам босиб қучоқлаб, кейин ётаржойимга муштдан каттароқ кўримсиз олмани ташларди:

– Ма, ол, нена¹, ҳовлимиздаги Хазаруладан сенга совға, худди Дапинога ўхшаб буришиб кетган бўлса ҳам, бундан яхши олма йўқ. Е, болам, ҳа, дардингни олай-а, болажоним-а.

Олма чиндан ҳам жуда мазали эди.

Уруш бошланганидан сўнг мен қишлоққа – бувимникига кўчиб келдим ва бу ерда Хазарула билан шахсан танишдим. Дарахтнинг баъзи жойларини қурт еган, лекин ҳали бақувват ва кўркам бўлиб, серсоя шохларини кенг ёйиб турарди. Шохларига осилган чўмич, хумча ва кўза дарахтга ўзгача чирой бағишларди. Лекин, билишимча, Хазаруламиз энди гулламай кўйганди.

Қирқ иккинчи йил баҳорининг бошлари эди. Бир куни бувим мени эрта тонгда уйғотди. Унинг қўлида қиличдек ўткир, ялтироқ болта бор эди.

– Ҳа, буви, мени чопмоқчимисиз? – дедим жўрттага йиғлам-сираб ва кўрпанинг ичига беркиндим.

– Майнавозчилик қилма, тентак! – бақирди бувим жаҳли чиқиб. – Қулоғингдан тортиб судрамасимдан ўрингдан тур... Тур, ишингни бошла...

– Эрта тонгда қанақа иш? – аччиқландим мен. – Яна нима балони ўйлаб топдингиз?

– Мени писанд қилмаяпти, эркак кишининг қўлини ҳис қилиб кўрсин, – тўнғиллади бувим чимирилиб.

– Буви, ким ҳақида гапиряпсиз?

– Ҳаҳ, мутруки², ҳазил-мазахдан бошқа нарсани биласанми? Тур, дедим!

– Мана, туряпман. Фақат ким ҳақида гапираётганингизни айтинг, – дедим мен ва кийина бошладим.

– Ким бўларди, Хазарула ҳақида гапиряпман-да. Ярамас, уяти ҳам, виждони ҳам йўқ. Шунақаям юзсизлик бўладими? Айни очарчилик пайтида-я?!

– Дарахт ҳақида... гапиряпсизми?... – ҳайратдан тилим гапга келмай қолди.

– Ҳа, дарахт ҳақида, дарахт ҳақида.

– Олмани айтяпсизми? – хануз қулоқларимга ишонгим келмасди.

– Ахир, мевасиз дарахт ҳам дарахтми?

– Хўп, мен нима қилишим керак? Уни кесишим керакми?

– Йўғ-е, нега бирданига кесарканмиз. Олдин қўрқитиб кўрамиз, фойдаси бўлмаса, кейин кесиб ташлаймиз.

Бувим менга Хазарулани қандай қўрқитишим зарурлигини тушунтириб, болтани бош томонимга суяб қўйди ва эшик томон юрди.

– У мени эшитади деб ўйлайсизми? – тиржайдим мен.

– Агар зиғирча ақли қолган бўлса, эшитади.

– Ўзингиз қаерга кетяпсиз?

– Сизлар ёлғиз гаплашишларинг керак, – деди бувим ва ташқарига чиқиб кетди.

Ўрнимдан туриб, болтани елкамга қўйганча марани³нинг устига чиқдим ва Хазаруланинг рўпарасига келиб тўхтадим. Унинг тагидаги нам тортган ер чопишга тайёр бўлганди. “Қизик, дарахт ҳақиқатан ҳам одамни эшитармикан”, деб ўйладим ва кулиб қўйдим. Кейин болтани олдим-да, куч билан дарахт танасига тирадим.

– Кесайми, кесмайми? – деб сўрадим бир неча марта баланд овозда.

Ниҳоят узоқ ўйланишдан сўнг болтани пастга туширдим ва шундай баралла гапирдимки, мени Хазарула тугул, тошлар ва ерда кўмилиб ётган кўза ҳам эшитди.

– Майли, билганингни қилавер, – деб огоҳлантирдим сўнг, – яна бир йил кутаман, шундаям мева қилмасанг, ўзингдан кўр. Таг-тугинг билан кўчириб ташлайман.

Хуллас, бувимнинг топшириғини қойилмақом қилиб бажардим. Аммо Хазарула пинагини ҳам бузмас, хотиржам эди. У эндигина чиқаётган куёш нурларида исинмоқчи бўлгандек, бутун танаси билан юқорига интилаётганга ўхшарди.

Бу сафар энди бувимнинг устидан эмас, ўзимнинг устидан кулдим. Бол-



тани ерда ётган тўнмага зарб билан санчдим-да, ортимга қайтдим.

– Қалай бўлди? – сўради бувим.

– Уни ўлгудек қўрқитдим. Кўрмаяпсизми, бечора ҳалиям қалтираяпти, – деб жавоб бердим ва бувимни дарахтга қарашга ундадим.

Шунда мен овоз чиқариб кулиб юбордим – Хазаруланинг танаси ростдан ҳам титраётган эди!..

Шарқ томондан шамол эсарди.

Тоғларга катта одимлар билан баҳор келди. Губазауз ўрмонидан бир назар ташлади-да, тўғри ҳовлимизга кирди. Худди қийиқ қизга ўхшаб этагини сал кўтарганча яшил ўтлоқларни босиб-босиб ўтди. Ҳамма-ҳаммани – мол-ҳол, қушлар, ўсимликларни ҳам ақлдан оздирди. Ҳаёт қайнай бошлади.

Бувим мени яна саҳарда уйғотиб, Хазарулага қарашимни сўради.

Оқ-пушти либосдаги салобатли Хазарула биз томонга истеҳзо билан қараб турарди.

– Сенга айтгандим-ку! – бувимнинг севинчи ичига сифмасди.

1 Нена – гуржи тилида болаларга эркалаб мурожаат қилишда ишлатиладиган сўз.

2 Мутруки – гуржи тилида болаларни беозор “уришиш” учун ишлатилади. “Эшаквой” маъносига.

3 Марани – мусаллас сақланадиган ертўла.

– Наҳотки, ақлга сиғмайди-я! – деб ажабландим мен.

Хазарула чаман бўлиб гуллаган эди. Унга ҳар ёқдан асаларилар келиб қўнарди. Вақт ўтиши билан шохлар сон-саноқсиз мева тугди. Олмалар аста-секин тўлишиб, пиша бошлади. Хазарула йил бўйи бизни ва қўшнилариимизни олма билан таъминлаб турди. Олма чайнайвериб ҳатто молларнинг ҳам тиши қамашиб кетди. Бир куни сават тўла олмани Теофан Дугладзенинг сигирига олиб борганим ёдимда.

– Бўлди, бас қил, сигирни тинч қўй! – ҳаддан ташқари ғамхўрлигимдан Теофаннинг жаҳли чиқди. – Бу кетишда ҳадемай сут ўрнига олма шарбат соғиб оламиз.

– Қандай қилиб бутун қишлоқни лол қолдирдинг, Хазарула? – сўрадим қиш арафаси дарахтнинг учидаги қуш чўқиган олмани олаётиб.

– Мевали дарахт бўлсанг, бунинг устига, олма бўлсанг, шундай қилишинг керак! – деди у қариган бўғимларини ғичирлатиб.

Бу йил узоқ вақтгача ёдимизда қолди: Хазарула қайтиб мева бермади. Уни қанчалик кўрқитмай, қанчалик дўқ урмай, ҳатто ялиниб ҳам кўрдим – фойдаси бўлмади. Хазаруланинг хазарулалиги йўқолди.

Икки йилдан кейин, хумдан мусаллас олаётганимизда бувим тўсатдан осмонга, сўнгра Хазарулага қаради ва бош чайқаб, менга худди бегонага гапираётгандек деди:

– Бугун қор ёғади, ўтинимиз эса тугаган. – Унинг овози титрар эди. – Совуқдан тамом бўламиз, Хазарулани кесиш керак.

– Яна бир йил кутайлик, бувижон, кейин кесармиз, – ялиндим мен. – Уни яна кўрқитиб кўраман...

– Унинг куни битган, нена, ҳеч нарса билан кўрқитолмайсан.

– Йўқ, – дедим мен, – уни кеса олмайман.

– Нега?! – бувимнинг жаҳли чиқди. – Менинг гапим сенга бир пулми?

– Йўқ, буви, ундай эмас... Барибир уни кесолмайман.

– Вой, нега? – ажабланди бувим.

– Ахир, ўзингиз айтмаганмисиз, дарахт ҳамма нарсани эшитади деб?!

– Одам қариганда нималар деб алжирамайди. Яхшилаб қулоқ сол. Баъзан бир дарахтни деб одам одамни эшитмайди... Фронтда эса одамлар бир-бирини ўлдириб ётишибди. Мен ўшанда ҳазиллашган эдим, уни эсингдан чиқар.

– Йўқ, – қаттиқ туриб олдим мен. – Бундай қиллолмайман. Менимча, дарахт эшитишдан

ташқари кўриши ҳам мумкин. Қаранг, у бизга терс ўгириляпти.

– Ё тавбангдан кетай! Нималар дейди-я бу бола?! Бунақа гапларни эшитгандан кўра қар бўлганим яхши эди, – йиғлади бувим ва жаҳл билан пешанасига шапатилади. – Э-э, бор-е, сендан фойда йўқ. Сен хомкаллани боглаб лақиллатгандим. Ўзи бир адабингни бериб қўйиш керак. Ҳой қўшнилари! Ҳой яхшилари! Бу бола эсидан оғиб қопти! Занжирга боғлаш керак буни! Адойи тамом бўпти! – У энди бор овози билан ҳай-ҳайлашга тушганди.

– Эй Каландазенинг беваси! Боладан нима истайсан? – қичқирди унинг дод-войига жавобан четан деворлар орасидан кетиб бораётган Анания Салуквадзе ва ҳовлимиз томонга бурилди.

– Эҳ, Анания, ўзинг ўйлаб кўр, аввалги йили набирамни мева бермайдиган Хазарулани кўрқитиб қўйишга кўндиргандим. Энди эса уни кесиш ташлашини сўраб ялинсам ҳам, унамаяпти. Биласанми, нимага? Дарахт ҳамма нарсани кўриб, эшитиб турармиш... Ҳе, ўргилдим! – деди бувим аччиқланиб ва меҳмонга бир стакан вино узатди.

– Салом алайкум. Худо қувват берсин, – бувимни дуо қилди Анания Салуквадзе ва мусалласни шундай завқ билан ичдики, кўриб оғзимнинг суви келди.

– Кўради... Эшитади, дегин? – такрорлади Анания товланиб турган сарғиш соқолини силаб.

– Шунинг ўзигина эмас, бу аҳмоқ дарахт гапириши мумкинлигига ҳалиям ишонади, – нолиди бувим. – Лекин унинг айби йўқ, мен ўзим унинг миясини айнитганман. Энди, мана, шу аҳволга тушиб ўтирибман.

– Набиранг мабодо эрталабда вино-пинодан татиб кўргани йўқми?

– Ҳа, бир-икки стакан ичвоганга ўхшайди, – жавоб қилди бувим: унда тўсатдан умид учқунлари пайдо бўлди.

– Ундай бўлса, мусалласингдан менга яна битта қуй-чи, Дарежан, – жилмайди Анания. – Болани сен ёки вино ақлдан оздирганини аниқ айтиб бераман.

Бувим стаканни тўлдирди. Анания уни бир кўтаришда бўшатди.

– Менимча, Дарежан, – деб гап бошлади у узоқ тўхтамадан сўнг, – иккалангиз ҳам уни ақлдан оздиргансиз: сен ҳам, вино ҳам. Лекин охириги қароримни айтишим учун яна бир стакан қуй.

Бувим яна мусаллас қуйди, аммо ўша пайтда Ананияга шундай кўз билан қарадики, агар унинг ўрнида бўлганимда, идишга лаб теккизгани ҳам

кўрққан бўлардим. Лекин Анания ҳеч нарса бўлмагандек учинчи стаканни ҳам ичиб битирди. Бу сафар у ўз ҳукмини дарҳол айтди.

– Боланинг нима учун ақлдан озгани менга ҳозироқ равшан бўлди, – деди у мусалласни кўрсатиб. – Дарахт ҳамма нарсани кўриб туришига ишонасан-а, тўғрими?..

– Ҳа! – тасдиқладим мен.

– Тош-чи?

– Тош ҳам.

– Дарё-чи?

– У ҳам...

Анания менинг ҳаққимга дуо қилди, сўнг бувим томонга ўтирилди:

– Ҳа, ана, ҳаммаси тушунарли, Дарежан.

Айтайлик, сен дарахтсан... Айтайлик, ана шу Ҳазаруласан. Агар сен, неваранг айтганидек, кўрсанг, эшитсанг... менга ўхшаган, болта кўтарган кишини дарров пайқамаслигинг мумкин эмас. Одам сенга яқинлашади ва чопмоқчи бўлади. Тушуняпсанми? Чопмоқчи бўлади. Ҳаммасини кўриб, билиб турасан-у, лекин қочиб кетолмайсан. Бундай пайтда ақлдан озиш ҳеч гапмас-ку, тўғрими? – деди Анания ва бўш стаканни узатди, аммо бувим бу сафар негадир шошмади. – Қуйсанг-чи, тезроқ! – деб қичқирди Анания. – Сенга айтишим керак бўлган нарсаларнинг кўпти ҳали олдинда.

Бувим стаканни тўлатди.

– Сен-чи, болакай, шаҳарлик бўлсанг ҳам, – деб менга юзланди Анания, – бизнинг қишлоқча ҳикматларимизни ўрганиб олишинг керак. Деҳқон учта нарсани қўл остида сақлаб турмаслиги зарур: насл қолдирмайдиган ҳайвонни, мева бермайдиган дарахтни ва фарзанд кўрмайдиган... – шу ерга келганда у бувимга тикилганича иккиланиб қолди.

– Менга бақрайиб қарама, Анания, – кулди бувим. – Гапингни охиригача айт, уялма. Ўғлим бўлмаганда қаердан неvara кўрардим?

– Гапинг тўғри... Хуллас, учинчиси – фарзанд кўрмайдиган хотинни... Бувинг Дарежаннинг етти фарзанди бўлган. Ҳа, шунақа...

– Мендан нима истайсиз, Анания тоға? – сўрадим ундан.

– Нега дарахтни кесмаяпсан? – саволга савол билан жавоб берди у.

– Унга раҳмим келяпти.

– Демак, болакай, дарахтга ачиняпсан. Сен тенгкур болалар фронтда танклар тагида ётибди, сен бўлсанг...

– Ҳа, давлатимизга оғир. Бунақа оғзидан она сути кетмаган гўдаклар билан Ҳитлерни энгиб бўлармиди?

– Йўқ, бунақа гапларни гапирма, Дарежан, – Ананиянинг бирдан жаҳли чиқди.

– Гапирмай бўладими? Ўлар ҳолатда бўлмайсанми, бу бола товуқ тугул, ҳатто жўжаям сўйиб бермайди. Ана, дарахтни кесмай ўтирибди, раҳми келаётганмиш. Кези келганда айтай, икки йил олдинги Янги йилда бир жонлиқнинг бўғзига пичоқ тортганди. Бечора жониворни бу йили Интабуетида топишибди. Бўйнида пичоқ лўкиллаб турганмиш. Шуюм ишми энди? Э-э... – деб зорланди бувим.

– Бувинг рост гапиряптими, жиян? – деб сўради Анания.

– Ҳа, рост, Анания тоға. Фақат менга беҳуда насиҳатгўйлик қилманг, барибир Ҳазаруласи кесмайман.

– Раҳминг келяптими, болакай?

– Нима, раҳмим келмасинми?

– Билганингни қил, раҳмдил! Яна бир стакан қуй, Дарежан. Эртага эрталаб Ҳазарула ерга ағнаб ётган бўлади. Ўзим эртагаёқ кесиб ташлайман: бугунча қўлим тегмайди.

Анания бувим қуйган мусалласни ичди.

– Дарежан, сенда мабодо газак топилмайдими? – йўл-йўлакай сўради у.

– Газакка таёқ ейишни хоҳламайсанми? – деди бувим кесатиб.

Анания индамай ҳовлидан чиқди ва қишлоқ йўли бўйлаб секин юқорига кета бошлади.

– Эй, Анания, у ёқда нима қиласан? – қичқирди бувим. – Пастга кетаётган эдинг, шекилли.

– Ҳа, пастда ишим бориди, Дарежан, – деб тан олди Анания. – Лекин раисимизнинг дарахтлари роса гуллабди. Боғбончиликка эса, биласан, мен керак бўламан.

У қўл силтади.

– Ундай бўлса, қадрли Анания, Шакроининг кўрасига суянақол, – деди бувим унинг қадам ташлашидан хавотирланиб. – Меники ўзи зўрға турибди.

У бир ҳатлаб қишлоқ йўлига ўтди ва Шакроиа Микаберидзеннинг панжарасига суяниб олди. Яна йўлга тушди-ю, бирдан тўхтаб, менга қаради:

– Эй жиян, – деб чақирди мени. – Демак, сенинг Ҳазаруланг кўрар экан-да?.. Сен ўзи... Ҳазарулангни ҳозироқ, – қичқираб кулди у. – Э, кўзим ҳеч балони кўрмаяпти-ю.

Анания гандираклаганча оҳиста қадам ташлаб олислади.

Мен ҳақ эдим. Чурқ этмай турган баргсиз дарахт ҳаммасини кўрган ва эшитганди. Ҳазарула ярим тунгача ўйлади. Ярим тунда юрагини қаттиқ сиқимлади, илдизларини тортиди.

Илдизлар қуршовида қолган хум ларзага келди. Хазарула буни сизди ва илдизларини янада қаттиқроқ қисди... лойдан ясалган хумнинг ёнбоши эзилди, лекин синмади. Хазарула илдизларини олдингидан ҳам маҳкамроқ қисди, кўзада биринчи ёриқ пайдо бўлди. Ундан қизил суюқлик сизиб чиқиб, дарахтнинг узун томирларини суғора бошлади. Хазаруланинг бутун танасини даҳшатли титроқ босди. Лекин аста-секин бу титроқ тушуниб бўлмайдиган ёқимли қалтироққа айланди. Ҳалокати муқаррар ва ташна дарахт кўзага маҳкам ёпишди, қизил суюқлик унинг томирлари бўйлаб оқа бошлади. У яқин етмиш йилдан бери илдизлари орасида сақлаб келаётган мўъжизавий суюқликни шимий бошлади: ўтган шунча йилдан бери ҳеч нарсадан хабарсиз дарахт уни ҳаётбахш ерости шохлари ичида ардоқлаб келганди... Уни қанчалар ҳимоя қилиб, асраб келганди-я!.. Қизил суюқлик кўзанинг ёриғидан тинимсиз шариллаб оқарди. Хазарула кўзани янада қаттиқроқ сиқди, ажойиб суюқликни тўйиб-тўйиб ичди. Унинг ғалати, ёқимли титроқдан қалтираётган танаси иссиқлик ва қувончга тўлди. Хазарула дунёдаги жамики нарсани унутиб, қайта-қайта ичди... Охири сархуш ҳолга келди, дунё кўзига гўзал кўрина бошлади!

Мўъжиза юз берди!.. Кун ёришгунча кўза бўшади, Хазарула охириги томчини ичди, шунда унга одамнинг ва ғалати суюқликнинг сири маълум бўлди. Йўқ, у энди нега одамлар бир-бирини кучоқлашига, қўлида коса тутганча йиғлашига, бир-бирини қувлаб, жанжаллашишига, қулишишига, қўшиқ куйлашига умуман ажабланмайди. Одамлар бир-бирининг қўлини тутиб унинг атрофида рақс тушиши, кўзани яхшилаб ювиши ва эъозлаб яна ажойиб суюқлик билан тўлдириши ҳам энди уни ҳайратлантirmайди. Хазарула барчасини тушунди, шунда унинг ўзи ҳам ўлгунича куйлашни, йиғлашни, югуришни, рақс тушишни хоҳлади... Лекин буларни қандай қилиб бажариши мумкин? Бечора Хазарула, ахир у одам эмас, дарахтлигича қолди-ку. Шунда у қўлидан келган ҳамма нарсани қилди – эрталабгача у ёқ-бу ёққа силкиниб, гувиллаб турди.

Тонгда эса... Тонгда ёнбошига тегаётган овозсиз зарбани ҳис қилди. У сира оғриқ сезмади, шунинг учун зарбага эътибор бермади... Кейин нариги ёнбошида ҳам худди шунақа зарбани ҳис қилди, лекин бунга ҳам парво қилмади... Унинг танасига кетма-кет зарбалар келиб тушди. Орадан бир соатдан ошиқ вақт ўтди. Ниҳоят, аллақандай куч уни ўнгга, чапга оғдираётганини англади. Босим янада кучайди, чўзиқ ва кучли ғирчиллаган овоз эши-

тилди... Хазарула дастлаб секинлик билан эгилди, кейин тўсатдан бўшашганича ўзини ерга ташлади. Энди у фақатгина қўллари, елкаларининг ғичирлашини, бўғимлари ва суяқларининг синган товушинигина эшитди... Лекин у заррача оғриқ туймади, кўзларини юмиб, чуқур ва ширин уйқуга кетди.

– Тур, тур ўрнингдан, тойчоғим! – уйғотди бувим. – Анания тонг қоронғисида Хазарулани кесиб йиқитди. Болтани олиб, ҳеч қурса шохларини бута, – деди-да, ошхонага чиқиб кетди.

Бувимнинг сезгирлик қобилияти панд бермади. Кечаси ростанам қор ёғибди. Қишлоқ худди оппоқ кўйлақдаги келинчаққа ўхшаб қолганди. Фақат бизнинг ҳовли мотам тутаётгандек эди гўё: маранида новдалари синган, яқинда кесилган улкан Хазарула ётарди. Бу манзарани кўриб кўнглим маъюс тортди. Маранига кўтарилдим ва шохларни буташдан олдин дарахтнинг кесилган жойига келиб ўтирдим. Ўтириб, синчиклаб қарадим ва донг қотиб қолдим: кесик томирлардан қондек қип-қизил суюқлик томчилаб турарди.

– Буви! – қичқирдим мен.

– Нима дейсан? – деразадан бош чиқариб қаради у.

– Бир дақиқага бу ёққа келинг.

– Нима бўлди?

– Келинг, ўзингиз кўрасиз.

– Нима бу? – сўради бувим ҳайрон бўлиб.

– Менимча, дарахтнинг қони бўлса керак, – жавоб қилдим титроқ овозда.

– Бўлиши мумкинмас, ҳозир январ-ку, ҳамма дарахт уйқуга бўлади. Фақат февралдан кейин дарахт танасига шира келади, – деди бувим.

У суюқликка бармоғини теккизди-да, ҳидлаб кўрди. Тўсатдан ранги оқариб менга қаради.

– Хумни оч! – буюрди менга.

Мен дарҳол ерга кўмилган хумнинг устидаги тош ва қопқоқни олиб ташладим. Бувим иккаламиз шошиб унинг ичига қарадик. Хум бўм-бўш эди!..

– Эй Худо, ўзинг раҳм қил, бизни ақлдан оздирма! – илтижо қилди бувим. Унинг овози титрар эди. Қўллари юқорига чўзганча, ерга тиззалади.

Совуқдан дир-дир қалтираётган Хазарула кўзларини очди. Унга дунё остин-устин бўлиб кетганга ўхшаб туюлди. У ажабланди. Дастлаб ҳаммасига ғалати қизил суюқлик айбдор деб ўйлади. Лекин шу пайт болтага тирсаги билан суянганича, бошини эгиб ўтирган ғамгин ўстиринни, сал нарироқда, оғзи очик хумнинг рўпарасида, оппоқ қорда тиз чўкиб, қўллари осмонга кўтариб ўтирган кампирни кўрди-ю, ўзининг жонсиз Хазарула эканини тушунди ва кўзларини юмди.

Хазарула мангу уйқуга кетди.